ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ
М. Т. ОЙБЕК НОМИДАГИ ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

С. РАҲИМОВ

ЎЗБЕК ТИЛИ СУРХОНДАРЁ ШЕВАЛАРИ
(ФОНЕТИКА, ЛЕКСИКА)

Масъул муҳаррир:
ЎзССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси
Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
1985

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3
Сурхондарё ўзбек шеваларининг классификацияси. . 9
Фонетика 28
Ундошлар системаси 46
Шевада товушларнинг ўзгариш хусусиятлари . . 60
Лексика 67
Диалектал сўзларнинг типлари 67
Диалектал сўзларнинг тематик группалари . . 77

Тақризчилар:
филология фанлари кандидатлари *Ж. ОМОНТУРДИЕВ,*
Ш. НОСИРОВ

Рахимов Саидмусо

Сурхандарьинские говоры узбекского языка

На узбекском языке
Ташкент «Фан»

Ўзбекистон ССР Маориф Министрлиги ва М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институти илмий совети томонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир *Ф. Тошматова*
Рассом *Э. Валиев*
Техмуҳаррир *Р. Лушникова*
Корректор *М. Шамсиддинова*

ИБ № 3127

Теришга берилди 23.05.85. Босишга рухсат этилди 20.08.85. Р02946. Формат 84×108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 5,04. Ҳисоб-нашриёт л. 6,0. Тираж 1081. Баҳоси 90 т. Заказ 108.

ЎзССР «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси: Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

$Р \frac{4604000000-2701}{М355(04)-85}$ 206—85

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1985.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎЗ БОШИ

ҚПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми материалларида ижтимоий ва иқтисодий фанлар соҳасидаги ғоявий-назарий ишларнинг юқори даражада бўлишини таъминлаш, табиий фанлар билан ижтимоий фанлар туташган жойда ҳам назарий, ҳам амалий характерга эга бўлган самарали тадқиқотларни янада ривожлантириш алоҳида кўрсатиб ўтилган[1]. Бу эса бевосита тилшунослик фани олдига ҳам муҳим вазифалар қўяди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги турли миллий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишнинг ўса бориши бир қатор назарий ва амалий масалаларни келтириб чиқармоқда.

Булардан энг муҳими адабий тил билан маълум бир конкрет миллий тилни ташкил этувчи шева ва лаҳжалар ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлашдир[2]. Лекин ҳамма миллий тиллар, хусусан, туркий тиллар учун бу масалани ҳал қилишда бир хил талаб қўйиб бўлмайди. Чунки ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусияти ва шаклланиш тарихи бор. Шунингдек, бу масалани ҳал қилишнинг осон ёки қийинлиги ҳар бир тилнинг диалектологик составига боғлиқдир.

Ўзбек тилининг мураккаб диалектал комплексга эга эканлиги бир томондан, шу тил бўйича текшириш ишларини умумтуркологик планда олиб боришни талаб этса, иккинчи томондан, диалект ва шеваларнинг адабий тил нормаларига мослашиб бориш процессини таҳлил этишни тақозо этади.

Ўзбек тили шеваларини атрофлича ўрганиш фақат лингвистик характерга эга бўлиб қолмасдан, балки ўзбек халқининг шаклланиш тарихини ўрганиш, яъни

---

[1] ҚПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. Тошкент, 1983, 7-бет.

[2] Решетов В. В. Опорный диалект приобразования узбекского национального языка.— В сб.: Вопросы диалектологии тюркских языков. Баку, 1958, с. 22.

www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг этногенетик процессини аниқлаш, айниқса, орфография ва терминология масалаларини ҳал қилишда катта аҳамият касб этади.

Маълумки, шева материаллари ўзбек адабий тилининг ривожланиш тарихини ўрганиш учун қанчалик қимматли манба ҳисобланса, тарих ва этнография фанларига ҳам шунчалик бой ҳамда ишончли материаллар беради. Чунки жонли тил халқнинг тарихий ёдгорлиги[3] ҳисобланади.

П. М. Мелиоранский ҳозирги замон диалектлари ёзма ёдгорликларда, шунингдек, ҳозирги адабий тилда ҳам учрамайдиган кўпгина сўз ва сўз формаларини, лексик элементларни сақлаб қолганлигини, уларни асосли равишда ўрганиш тилнинг узоқ замонлардаги ҳолатини аниқлашда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилишини кўрсатган[4].

Ўзбек тилининг Сурхондарё области территориясидаги ўзбекча сўзлашувчи аҳоли нутқида кўп асрлик тарихий тараққиётни, моддий ва маданий ҳаётни акс эттирувчи жуда кўп ҳамда ранг-баранг тил фактлари сақланганки, шунинг учун бу шевалар ҳам ҳар томонлама тарихий-тавсифий ва лингвогеографик аспектларда ўрганилмоғи лозим.

Ҳозиргача Сурхондарё ўзбек шевалари яхлит ҳолда ўрганилмаган ва махсус текшириш объекти бўлган эмас. Бу шевалар ҳақида монографик характердаги ишлар яратилмаган.

Сурхондарё ўзбек шеваларини атрофлича лингвистик аспектда ўрганиш мақсадида М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг ўқитувчилари, ўзбек тили ва адабиёти бўлимининг студентлари томонидан 1970—1980 йиллар орасида бир неча марта махсус диалектологик экспедициялар уюштирилди. Шунингдек, мазкур шеваларга доир материаллар ушбу сатрлар муаллифи томонидан йиллар давомида (1965—1980 йилларда) йиғилиб илмий ўрганиб келинган.

Халқимизнинг туганмас маънавий бойлиги ҳисобланган тил фактларини тўплаш, уни синчиклаб ўрганишда кенг жамоатчилик, ўқитувчилар, студентлар, қишлоқ хўжалик активлари, колхозчи ва совхоз ишчилари яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Бу холисона ёрдам

---

[3] Энгельс Ф. Франкский диалект. М., 1935, с. 6—8.
[4] Мелиоранский П. М. Араб-филолог о турецком языке. СПб., 1900, с. 2.

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун материал тўплашда кўмаклашган барча ўртоқларга, шунингдек, ушбу ишнинг юзага келишида ўзларининг вақтларини аямасдан, танқидий мулоҳазалари ва илмий маслаҳатлари билан йўл-йўриқлар кўрсатган Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Ш. Шоабдураҳмоновга, филология фанлари доктори, профессор А. Шерматовга, филология фанлари кандидатлари Ж. Омонтурдиев, Ш. Носиров, А. Ишаевларга автор чин юракдан миннатдорчилик изҳор қилади.

Транскрипция

Ишда академик В. В. Решетов ва Ш. Шоабдураҳмоновлар тавсия этган транскрипция асос қилиб олинди[5].

1. Унлилар.

а — орқа қатор, лабланмаган, кенг унли товуш, сингармонизмли шеваларда одатдаги орфографик «а» дан фарқ қилиб, танглайнинг орқа томонида ҳосил бўлувчи фонема, ад. арф. *а*.

ә — олдинги қатор, «а»дан кўра юмшоқ, танглайнинг олд қисмида ҳосил бўлувчи кенг, лабланмаган унли товуш, ад. орф. *а*.

э (е) — олдинги қатор, лабланмаган, ўрта-кенг унли товуш, ад. орф. *э* (е).

ы — орқа қатор, барча желанувчи ўзбек шеваларида учрайдиган, русча «ы»дан фарқ қилувчи унли товуш, ад. орф. *и*.

и — олдинги қатор, лабланмаган, тор унли товуш, ад. орф. *и*.

ɔ — орқа қатор, қаттиқ, кучсиз лабланган унли товуш, ад. орф. *о*.

ъ — оралиқ (индефферент) тор унли товуш, ад. орф. *и*.

ь — «*и*» фонемасининг редукциялашган варианти.

у — орқа қатор, тор, сингармонизмли ўзбек шеваларида учрайдиган унли товуш, ад. орф. *у*.

ү — олдинги қатор, лабланган унли товуш, ад. орф, *у*.

о — орқа қатор, ўрта-кенг, адабий орфографик «ў» ўрнида қўлланувчи унли товуш, ад. орф. *ў*.

---

[5] *Қаранг:* Решетов В. В. К вопросу о транскрипции (применительно особенностям узбекских народных говоров). ТашГПИ им. Низами. Ученые записки. Вып. 1, Ташкент, 1947, с. 59—67; Узбекский язык. Введение. Фонетика. Ташкент, 1958, с. 105; Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент, 1962, 7-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ө — олдинги қатор, ўрта-кенг. «о» (ў)дан юмшоқ ва бир оз чўзиқ айтилувчи унли товуш, ад. орф. *ў*.

2. Ундошлар: б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ч, ш, қ, х, ҳ, ғ, ф ундошларининг ад. орф. шакли сақланди.

ад. орф. *п* ундоши талаффузда «ф» ўрнида қўлланади.

җ (дж) — тил олди, жарангли, портловчи аффрикат.

ң (нг) — бурун ундоши, ад. орф. *нг*.

Шаргли белгилар

: унлидан кейин қўйиладиган қўш нуқта ўша унлининг иккиламчи чўзиқлигини ифодалайди, тушиб қолган ундошлар ўрнида ишлатилади. // белгиси текширилган шеваларда мавжуд бўлган факт ва сўзларнинг параллел қўлланишини билдиради.

> белгиси ... га ўтишни билдиради.

∠ белгиси ...... дан ўзгаришни кўрсатади.

~ шевага хос факт ва сўзларни қадимги ёдномалар ва бошқа шевалар билан таққослаш учун ишлатилади.

( ) шевадаги сўзларнинг адабий нормасини ёки ўзининг изоҳини бериш учун қўлланди.

[ ] сўзнинг тарқалиш чегараси муҳим бўлган шевани кўрсатади.

Шартли қисқартмалар

I

Азс. Қумқўрғон район Азларсой қишлоғи
Анб. Денов район Анбарсой қишлоғи
Ачм. Қумқўрғон район Ачамойли қишлоғи
Бак. Сариосиё Бакати қишлоғи
Бан. Бойсун район Бандихон қишлоғи
Бешқ. Гагарин район Бешқўтон қишлоғи
Бой. Бойсун район Бойсун посёлка совети
Бот. Олтинсой район Боташ қишлоғи
Б-тоғ Сариосиё район Боботоғ қишлоғи
Вах. Денов район Вахшивор посёлкаси
Даш. Сариосиё район Дашнобод қишлоғи
Дашт. Бойсун район Даштиғоз қишлоғи
Ден. Денов шаҳар Денов посёлкаси
Дўрм. Сариосиё район Дўрмон қишлоғи
Ғамб. Шеробод район Ғамбур қишлоғи
Ғ-тош. Сариосиё район Ғўринтош қишлоғи
Газк. Сариосиё район Газарак қишлоғи
Газ. Бойсун район Газа қишлоғи
Жарқ. Жарқўрғон район Жарқўрғон посёлкаси
Жоб. Шўрчи район Жоби қишлоғи
Жлр. Қумқўрғон район Жалойир қишлоғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ж-теп. Шўрчи район Жартепа қишлоғи
Ём. Бойсун район Ёмчи қишлоғи
Инк. Бойсун район Инкобод қишлоғи
Ип. Шўрчи район Ипоқ қишлоғи
Қайр. Шўрчи район Қайран қишлоғи
Юрч. Денов район Юрчи посёлкаси
Лайл. Бойсун район Лайлагон қишлоғи
Қалм. Бойсун район Қалламозор посёлкаси
Қат. Қумқўрғон район Қатмон қишлоғи
Қоф. Бойсун район Қофрун қишлоғи
Манг. Термиз район Мангузар қишлоғи
Мач. Бойсун район Мачай қишлоғи
Мин. Жарқўрғон район Минор қишлоғи
Мирш. Денов район Миришкор қишлоғи
Мунч. Бойсун район Мунчоқ қишлоғи
Пад. Бойсун район Паданг қишлоғи
Оққ. Шеробод район Оққўрғон қишлоғи
Оқт. Жарқўрғон район Оқтепа қишлоғи
Пошх. Шеробод район Пошхўрт қишлоғи
Пулҳ. Бойсун район Пулҳоким қишлоғи
Раб. Бойсун район Работ қишлоғи
Сар. Сариосиё район Сариосиё қишлоғи
Сарқ. Бойсун район Сариқамиш қишлоғи
Салв. Термиз район Саловот қишлоғи
Сеп. Шеробод район Сеплон қишлоғи
Сурх. Жарқўрғон район Сурхон посёлкаси
Совр. Денов район Совринбузар қишлоғи
Тлм. Ангор район Таллиморон қишлоғи
Тўғ. Бойсун район Тўғиз қишлоғи
Торт. Сариосиё район Тортувли қишлоғи
Танг. Бойсун район Тангимуш қишлоғи
Уз. Сариосиё район Узун посёлкаси
Фзв. Сариосиё район Файзово қишлоғи
Чорх. Денов район Чорхона қишлоғи
Чиғ. Термиз район Чиғатой қишлоғи
Чил. Бойсун район Чилонзор қишлоғи
Хат. Бойсун район Хатак қишлоғи
Хом. Бойсун район Хомкон қишлоғи
Хон. Сариосиё район Хоним қишлоғи
Қор. Шўрчи район Қорлуқ қишлоғи
Қум. Қумқўрғон район Қумқўрғон посёлкаси
Қарс. Қумқўрғон район Қарсакли қишлоғи
Қ-ган. Олтинсой район Қарсагон қишлоғи
Қ-гун. Сариосиё район Қизилғунча қишлоғи
Қ-нов. Бойсун район Қизилновр қишлоғи
Қ-пай. Сариосиё район Қумпайкал қишлоғи
Қ-хон. Денов район Қораҳон қишлоғи
Қ-сув. Денов район Қизилсув қишлоғи
Ҳайд. Сариосиё район Ҳайрондара қишлоғи

II

Анд. Ўзбек тилининг Андижон шевасида
Бух. Ўзбек тилининг Бухоро шевасида
жл. желанувчи шеваларда
Иқ. Қорб. Иқон-Қорабулоқ шевасида

www.ziyouz.com kutubxonasi

йл. й-ловчи шеваларда
Самарқ. Ўзбек тилининг Самарқанд шевасида
Сурх. Сурхондарё шеваларида
Тошк. Ўзбек тилининг Тошкент шевасида
Хор. Ўзбек тилининг Хоразм шевасида
Юқш. Ўзбек тилининг Юқори Қашқадарё шевасида
Ққ. Ўзбек тилининг Қорақалпоғистон шеваларида
ҚҚш. Ўзбек тилининг Қуйи Қашқадарё шевасида
Қар.-Қорм. Қарноб-Қорамурт шевасида.

III

ар. арабча сўз
бошқ. бошқирд тилида
бур — мўғ, бурят-мўғул тилида
мўғ. мўғул тилида
нўғ. нўғой тилида
озар. озарбайжон тилида
тат. татар тилида
тож-ф. тожикча-форсча
турк. турк тилида
туркм. туркман тилида
қирғ. қирғиз тилида
қоз. қозоқ тилида

IV

ад. орф. адабий орфографик
қиёс. қиёс қилинг

V

Аттуҳфа — Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия. Тошкент, 1968.
Длт.— Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. Т. I—II—III. Тошкент, 1960—1963.
Дтс. — Древнетюркский словарь. Л., 1960.
Млв. С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. М.— Л., 1951.
Рдл.— В. В. Радлов. Опыт словаря тюркских наречий. 1—17 тома. Санктпетербург, 1893—1911.
Суя.—Э. Фазылов. Староузбекский язык. 1—2. Ташкент, 1966—1971.
ТАИ.— Тил-адабиёт институти асарлари. Тошкент, 1949.
ЭСТЯ.— Э. В. Севортян. Этимологический словарь тюркских языков. М., 1974.
Юдх.— К. К. Юдахин. Киргизско-русский словарь. М., 1940.
ЎзДМ.— Ўзбек диалектологиясидан материаллар (тўплам). I, II. Тошкент, 1957, 1961.
ЎзТА.— Ўзбек тили ва адабиёти (журнал). Тошкент, 1963—1981.
ЎзТАМ.— Ўзбек тили ва адабиёти масалалари (журнал). Тошкент, 1958—1962.
ЎзШЛ.— Ўзбек шевалари лексикаси (тўплам). Тошкент, 1966.
ЎзХШЛ.— Ўзбек халқ шевалари луғати. Тошкент, 1971.

Шунингдек, шартли қисқартмалар рўйхатига киритилмай қолган баъзи асар ёки бошқа қисқартмалар ҳақида зарур ўринларда изоҳ бериб борилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СУРХОНДАРЁ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Ўзбек шеваларини илмий асосда ўрганиш ва уларни классификация қилиш ёки умуман олганда, ўзбек диалектологиясининг фан сифатида яратилиши, ривожланиши рус турколог олимлари Е. Д. Поливанов, К. К. Юдахин, А. К. Боровков, В. В. Решетов ҳамда ўзбек тилшунос олимлари Ғози Олим Юнусов, Ш. Шоабдураҳмонов, Ф. Абдуллаев, С. Иброҳимов ва бошқаларнинг номлари билан узвий боғлангандир. Улар бу соҳани илмий тарзда текширишнинг кенг йўлларини очиб бердилар. Шу сабабли ҳозирги кунда биз ўзбек шеваларининг фонетик, морфологик ва лексик хусусиятларига кўра бир-бирларига яқинлашадиган ва айни пайтда бир-бирларидан фарқ қиладиган диалектал группалари ҳақида тасаввурга эгамиз. Шунга қарамай, ўзбек шеваларининг ҳалигача муайян бир таснифи яратилмаган[1]. Иккинчидан, мавжуд классификацияларда ҳам ўзбек шевалари турлича тасниф қилинади, айрим ўзбек шевалари эса ҳозиргача ўзининг аниқ классификация ўрнига эга эмас. Шулардан бири Сурхондарё областидаги ўзбек шевалари ҳисобланади.

Ўзбек шеваларини классификация қилишга бағишланган адабиётларда мазкур территориядаги ўзбек шевалари ҳақида жуда кам маълумотлар берувчи бир неча сатрларнигина ўқиш мумкин, бу эса ушбу шеваларнинг тўлиқ текширилмаганлиги ва бу ҳақда ҳозиргача бирорта йирикроқ иш қилинмаганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам ҳозиргача мавжуд бўлган ўзбек шеваларининг классификациясида Сурхондарёдаги ўзбек шевалари умумий тарзда қипчоқ диалектининг *ж*-ловчилар группасига киритилади[2].

Профессор Е. Д. Поливанов классификациясига кўра[3] Сурхондарё ўзбек шевалари учинчи диалект қипчоқ лаҳжасининг бешинчи типидаги жанубий ўзбек

---

[1] Решетов В. В., Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. Тошкент, 1978, 29-бет.

[2] Ўша асар, 29—42-бетлар.

[3] Поливанов Е. Д. Узбекская диалектология. Ташкент, 1933, с. 31; Материалы по грамматике узбекского языка, вып. 1. Ташкент, 1935, с. 28—32.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«ж»ловчилар группасига киритилади. Маълумки, профессор Е. Д. Поливанов ўзбек диалектларини классификация қилар экан, сингармонизм хусусиятининг бор ёки йўқлигини назарда тутади. У, сингармонизмнинг мавжудлиги эроний тиллар (қадимги сўғд, сак, дорий — ҳозирги тожик тиллари) таъсири билан боғлиқ, сингармонизмнинг йўқлиги эса, шеванинг узоқ вақт эроний тиллар таъсирида бўлганлигини, шунинг учун эроний тилларга ўхшаб товушлар сингармонизм қонунига бўйсунмайдиган системага эга бўлиб қолган деб ҳисоблайди. Шу нуқтаи назардан Сурхондарё шеваларини эронлашмаган, яъни сингармонизм хусусиятларини ўзида сақлаган қипчоқ ёхуд соф ўзбек шевалари группасига киритади[4].

Профессор А. Қ. Боровковнинг ўзбек диалект ва шевалари орасидаги муносабатлар ҳамда тарихий лингвистик ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда берилган кейинги классификациясида Сурхондарё ўзбек шевалари шайбоний ўзбек ёки «*ж*»ловчилар диалекти деб кўрсатилади. У ўзининг «Ўзбек шеваларининг классификацияси масалалари» номли асарида[5] шайбоний ўзбеклар ёки *ж*-ловчилар диалекти ўтмишда кўчманчи ёки ярим кўчманчи ҳолда яшаган, турли уруғ-қабилаларга мансуб ўзбеклар, чунончи, манғит, найман, минг, юз, қирқ каби уруғлар шевасини ўз ичига олади. Бу шевада сўзлашувчи ўзбеклар XVI асрдан бошлаб Ўзбекистоннинг турли районларига: Шимолий Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё областлари ва Фарғона водийсининг айрим жойларида ҳамда Тожикистоннинг ғарби-жанубий қисмига жолашганлигини ёзади. Бу диалектнинг асосий хусусиятлари профессор А. Қ. Боровков томонидан қуйидагича изоҳланади: биринчидан, бу шеваларда унлилар сони 8 та ва биринчи бўғинларда учрайдиган ҳамда ўзлашаётган [ɔ] унлиси билан 9 тадир. Шунингдек, сўз бошида [й] талаффуз қилинадиган сўзлар [дж] билан айтилади: *джол* [<*йол*], *джэмэн* [<*йэмэн*] каби. Сўз охирида кенг унлилардан кейин келган (*қ, ғ*) товушлари (в) тарзида *тɔв* (тоғ), *бэв* (боғ) талаффуз этилади; сўз охиридаги (к, г, қ, ғ) товушлари унлилардан кейин келганда тушиб қолади: *кичи*<*кичик*, *сарь*<*сариқ;*

---

[4] Поливанов Е. Д. Говор **города Туркестана**. Серия VII, отделение гуманитарных наук. М., 1929.

[5] Боровков А. Қ. Вопросы классификации узбекских народных говоров. Известия АН УзССР, Ташкент, 1953, № 5, с. 58—73.

www.ziyouz.com kutubxonasi

морфологик жиҳатдан эса кишилик ва кўрсатиш олмошларининг жўналиш келишигидаги формаси: *маған, саған, уған* шаклида ва ҳозирги замон давом феълининг *-яп* формаси билан келувчи тусланиши *-джатыр, -йатыр* тарзида қўлланиши каби хусусиятлар кўрсатилади.

Профессор А. К. Боровков ўзбек шевалари классификациясининг асосан икки вариантини тавсия этган. У ўз классификациясининг биринчи вариантида асос қилиб, фонетик белгиларни *ж*-лашиш, *й*-лашиш, э-лашиш ва *а*-лашиш хусусиятларини кўрсатар экан, Сурхондарёдаги қишлоқ шеваларини *а*-ловчи групанинг *ж*-ловчи шеваларига киритади[6].

Профессор Ғози Олим классификацияси[7] бўйича мазкур шевалар ўзбек-қипчоқ лаҳжасига киритилган. «Бу лаҳжага Оҳангарон водийсида, Мирзачўлда, Самарқанд, Зарафшон, Бухоро атрофларида ва Қашқадарё, Сурхондарёда яшовчи ўзбеклар ҳамда Хоразм, Андижон, Наманган, Қўқон районларида, Қорақалпоғистоннинг Қипчоқ, Чимбой, Қўнғирот районларида, Тожикистон, Афғонистоннинг шимолидаги ўзбек шевалари киради»[8],—деб кўрсатилади. Профессор Ғози Олим шеваларни классификация қилганда уларнинг фонетик ва морфологик хусусиятларига кўпроқ эътибор берган. Чунончи, фонетик белгилар: сўз бошида «*дж*»лашиш ҳодисаси, *й>дж: йер>джер*; *қ>ғ*>ҳодисаси: *ақ>ағар, қулак>қулағъ; к>г: эк>егин, көк>көги п>б: тэп> тэби, қап>қабь; ғ>в: туғ>тув, тэғ>тэв; г, ғ>й: тегди>тийди, егди>ийди* каби ва сўз охирида (*қ,ғ*) товушларининг тушиб қолиши ҳодисасини ҳам кўрсатади. Морфологик белгиларга: жўналиш келишик қўшимчаси ўзакнинг қаттиқ-юмшоқлигига кўра: *гә-кә, -ға, қа, -а, -ә;* тушум келишиги *-нь, -ни, -ть, -ти, -дь, -ди;* қаратқич келишиги: *-ньнг, -нинг, -тьнг, -тинг, -дьнг, -динг* шаклида; кўплик аффикслари *лар-ләр, -нар, -дар, -дәр, тар-тәр* ва ҳозирги замон давом феъли *-йатир, -джатир* шаклида қўлланишини асос деб ҳисоблайди.

Профессор Ғози Олим мазкур территориядаги Бойсун шеваси ҳақида фикр юритар экан, шундай ёзади: «Самарқанд, Каттақўрғон, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб,

---

6 *Қаранг:* Боровков А. К. Новый узбекский алфавит, ж. «Литература и искусство Узбекистана», кн. III, Ташкент, 1940, с. 91.

7 Ғози Олим. Ўзбек шеваларининг таснифида бир тажриба. Тошкент, 1936, 21—25-бетлар (лотин алифбесида).

8 Решетов В. В., Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек диалектологияси, 31-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғузор, Бойсун каби шаҳар ва касабаларда яшовчи турли халқлар, турлича сўзлашувчи тожик, араб ва афғонлар қарлуғ қабиласининг бугунги жонли шевасида сўзлашадилар»[9]. Автор шу шеванинг тил хусусиятлари нимадан иборат, қандай белгиларига кўра Бойсун шеваси қорлуқ шевасига кириши тўғрисида аниқ маълумот бермайди.

Маълумки, ўзбек шеваларини ўрганиш соҳасида академик В. В. Решетовнинг хизматлари катта. У шаҳар типидаги, хусусан, қорлуқ диалектига кирувчи шеваларни илмий асосда чуқур ўрганиш билан бирга, қипчоқ шеваларини ҳам диалектологик текшириш объекти қилиб олди ва шу шевалар ҳақида бир қанча асарлар ёзди[10].

Академик В. В. Решетов ҳозирги Ўзбекистон территориясида мавжуд бўлган ўзига хос этнолингвистик процесс ҳамда қардош ва қардош бўлмаган халқлар тилининг бир-бирига таъсирини назарда тутар экан, тарихий-лингвистик жиҳатдан умумхалқ ўзбек тили учта катта компонент: 1) қорлуқ-чигил-уйғур; 2) қипчоқ; 3) ўғуз диалектларидан ташкил топганлигини кўрсатади[11]. У ўзбек шеваларини классификация қилишда территориал жойлашиш, этник белги ва тил хусусиятларини эътиборга олади. Ана шу классификацияда Сурхондарё ўзбек шевалари территория жиҳатидан шимоли-ғарбий группага, этник белгисига кўра қипчоқ ва тил хусусиятларига кўра а-ловчи группадаги «*ж*»лашган шевалар орасида берилади. У қипчоқ лаҳжаси ҳақида шундай ёзади: «қипчоқ лаҳжасига тааллуқли шевалар жуда катта территорияга тарқалган. Ўзбекистоннинг барча областларида мазкур шеванинг вакиллари бор. Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм областлари аҳолисининг кўпчилик қисми қипчоқ лаҳжасининг вакилларидир. Бугина эмас, ўзбек тили қипчоқ лаҳжасининг шевалари Қозоғистон, Қиргизистон, Тожикистон республикалари территорияларида ҳам бор»[12]. Дарҳақиқат, ўтказилган текширишлар Сурхондарё аҳолисининг кўпчилик қисми қипчоқ лаҳ-

---

[9] Ғози Олим. Ўзбек шеваларининг таснифида бир тажриба, 21-бет.

[10] Решетов В. В. Узбекский язык. Ч. I. Ташкент, 1959, с. 59—67; О диалектной основе узбекского литературного языка. Журн., «Вопросы языкознания», № 1, 1955, с. 101—108.

[11] Решетов В. В. Ўзбек шеваларининг классификацияси, «Ўзбек тили ва адабиёти», Тошкент, 1966, 1-сон, 3—8-бетлар.

[12] Ўша мақола, 6-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жасининг вакиллари эканлиги ҳақидаги фикрнинг тўғрилигини кўрсатади. Академик В. В. Решетов бу шеваларнинг энг муҳим лингвистик хусусиятлари сифатида фонетик жиҳатдан: контраст жуфт унлилар [*у — ү, о—ө, ы—и, а—ә*][13] нинг мавжудлиги, натижада сингармонизм қонунининг сақланиши, сўз бошида келган юқори-ўрта кўтарилишдаги унлиларнинг (*ᶤэ, ᵘо, ᵘө*) тарзида дифтонглашуви; қисқа-узун унлиларнинг фарқланмаслиги; сўз бошида (*й,>дж*); сўз охирида (*ғ>в*); морфологик жиҳатдан эса қаратқич ва тушум келишиклари аффиксида *н (д) т* товушларининг алмашиниши; шахс олмошларининг келишик шакли *маған, саған, уған;* ҳозирги замон давом феълининг *-джатыр* формасида ясалиши; ҳозирги-келаси замон сифатдоши *-тыған* формасида келиши каби ҳодисаларни кўрсатади.

Айтиб ўтилган классификацияларнинг ҳаммасида ҳам Сурхондарёдаги ўзбек шевалари «*ж*»-ловчи группага кирувчи қипчоқ диалектининг бир таркибий қисми сифатида қайд қилинади, албатта бу фикрлар тўғри, лекин бу территорияда бошқа шеваларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни учратмаймиз.

Ўзбек тили хилма-хил диалект ва шеваларни ўз ичига олиши билан характерли эканлиги тилшунос олимларимиз томонидан кўп айтилган. Шу нуқтаи назардан Сурхондарёдаги ўзбек аҳолисининг тили ҳам яхлит бир бутун шевани ташкил этмайди. Чунки бу ерда турли шеваларни учратиш мумкин.

Шунга кўра Сурхондарёдаги ўзбек шеваларини қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1) *ж*-ловчи ўзбек шевалари (қипчоқ лаҳжасига хос шевалар);

2) й-ловчи ўзбек шевалари (қорлуқ лаҳжасига хос шевалар);

3) икки тилда сўзлашувчи шевалар.

ж-ловчи ўзбек шевалари

ж-ловчи ўзбек шеваларининг ҳаммаси ўзининг тил хусусиятлари жиҳатидан бутун территория бўйича бир хил эмас. Шунинг учун ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига хос шеваларни ҳам икки группага бўлиш мумкин.

---

[13] Решетов В. В. К вопросу о транскрипции (приминительно к особенностям узбекских народных говоров).— Ученые записки пединститута им. Низами. Вып. I, Ташкент, 1947, с. 59—67; Ўзбек диалектологияси. 41-бет; Изучение узбекских народных говоров, УзДМ, I, Ташкент, 1957, с. 8.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биринчи группадаги шева вакиллари территория жиҳатдан областнинг жануби-ғарбий ва шимоли-ғарбий томонида: Бойсун районидаги Работ, Ёмчи, Питов, Қофрун, Бандихон, Истара, Тўда, Хўжабулғон, Мунчоқ, Тиллакамар, Чилонзор, Қалламозор, Ғўржак, Хўжаулкан, Даштиғоз, Пулҳоким, Пудина, Сариқамиш, Тенгимуш, Хомкон, Паданг, Бешэркак; Жарқўрғон районидаги Минор, Оқтепа, Исмоилтепа, Қизилмозор, Чўпон, Қуюн, Боймоқли, Чинобод; Қумқўрғон районидаги Ҳалаки, Азларсой, Элбоян, Янтоқли, Ачамойли, Қарсакли, Хўжамулки, Заркамар, Лалмикор, Янги ер, Бўстон, Гулистон, Қумқўрғон, Сайқон, Тайпан, Пахтакор, Улус; Ангор районидаги Таллиморон, Тақия, Гиламбоб, Ангор; Шеробод районидаги Қуллиқшо, Ғуржак, Хўжақия, Чуқуркўл, Таллашқон, Яхтийўл, Ғўрин, Ачамойли, Лойлиқ, Ғамбўр, Тўғиз, Оққурғон, Боботепа; Термиз районидаги Деҳқон, Озод, Янгиариқ; Гагарин районидаги Бешқўтон каби қишлоқ ва аҳоли пунктларида яшайди. Шу группадаги шеваларда сингармонизм ҳодисаси (палатал ёки танглай гармонияси) кучли. Сўз ва сўз формаларининг ўзак-негизига қараб аффиксларнинг қаттиқ-юмшоқлиги ўзгаради. Масалан: *мынажаққа (бу ёққа), барғанақан (борган экан), атамға (отамга), иэнәмгә (онамга), җөртәккә (ҳазилга), айтыппақан (айтибмикан), кэгәммә (келганми)* ва ҳоказо. Бу группадаги шеваларда [*у*] [ү] каби лабланувчи унлилар ўрнида [ы] [и] сингари лабланмаган унлиларни ишлатиш характерлидир. Масалан: *былтыр (бултур), быламық (буламиқ*—аталанинг сут аралаштириб пиширилган хили), *биргәндәш (бургандашт — топоним), шипиртки>шивирки (супурги), шыбақ (сувоқ), ыйакка (у ёққа), быйаққа (бу ёққа)* каби. Бу жиҳатдан мазкур шевалар Юқори Қашқадарёдаги биринчи тур қипчоқ шеваларига бирмунча яқинлашади[14].

Қипчоқ лаҳжасига хос иккинчи группа шева вакиллари эса областнинг шимоли-шарқий қисмида Сариосиё районининг Чимилдиқ, Бойбўри, Бакати, Қоникон, Файзово, Оқостона, Қўрғонча, Боботоғ, Малик, Оқмачит, Толтўғай, Хурсан, Галамулла, Қумпайкал, Жаробод, Қўрғонча; Денов районидаги Ўзгариш, Оқтом, Янгиқишлоқ, Бахт, Шамоли, Эшакўлди, Зартепа, Тегирмонбоши, Чуқурқишлоқ, Бугажил, Саксонтепа, Қарса-

[14] *Қаранг:* Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари, 13-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гон, Чимовул, Бойовул, Ободон, Дўрмон, Чорхона, Хушчекка, Қорахон, Қизилсув, Ғалаба, Ҳайробод, Даҳана, Зардақул, Хурсан, Қизилсув, Фрунзе; Шўрчи районидаги Ипоқ, Жоби, Мўминқул, Қарсагон, Обшир, Қакан, Миршоди, Далварзин, Ободон, Жиндибудоқ, Қатмон, Қизилгул каби қишлоқларида яшайди. Бу группадаги шеваларда сингармонизм (танглай оҳангдорлиги) сақланган бўлса-да, айрим ўринларда бу ҳодисанинг бузилиши кузатилади. Биринчидан, сўз бошида [*ж*] ўрнида кўпинча [*й*] ишлатишга уриниш сезилади. Масалан, *җеззә//йезнә* (почча), *жол//йол*, *җалақ//йалақ (ялоқ)*, *җүзүм//йүзим (узум)*, *җип//йип* (ип) сингари. Иккинчидан, адабий тилда [*ж*] билан айтиладиган сўзлар (*жун* сингари) шевада *йүң* тарзида талаффуз этилишини учратиш мумкин. Учинчидан, *эмоқ* тўлиқсиз феълидан ясалган компонентларга сингармонизм таъсир этмайди. Масалан: *бәр әкән (бор экан), йоғ әкән (йўқ экан), бөрвудик (бориб эдик), бөрәймиш (борар эмиш), келәймиш (келар эмиш)*; тўртинчидан, қаратқич ва тушум келишиги, ўрин-пайт ва жўналиш келишигини фарқламасдан қўллаш каби ҳоллар учрайди. Умуман иккала группа шевалар ўртасида кескин фарқланиш йўқ, лекин ҳар қайси шеванинг ўзига хос баъзи айирмаликлари изоҳланганда биринчи группа шевалар учун характерли ҳодисалар (1), иккинчи группа шевалар учун характерли ҳодисалар (2); ҳар икки группа учун бир хил бўлган хусусиятлар умумий тарзда берилади. Бу шеваларни характерловчи лингвистик белгилар қуйидагича:

Фонетика бўйича

1) барча қипчоқ шевалари учун хос ва академик В. В. Решетов қайд этган[15] 9—10 унли фонемага эга бўлган вокализм системаси [*а — ә, у — ү, о — ө, и — ы*, э(е), ɔ] мавжуд.

2) контраст жуфт унлиларнинг мавжудлиги натижасида сингармонизм қонунига амал қилади: *үлүш* (товуш чиқармоқ, улимоқ), *улуш* (ҳисса), *учча (сирт), үччә (учса), от (ўт), өт (мол ўти), қир (қирмоқ* феълидан), *қыр (тепа, қир)*;

3) [и — ы, у — ү, о — ө] контраст жуфт унлилари бир-биридан фарқланади ва сўзда маъно фарқлайди: *сиз (олмош), сыз (сизмоқ* феълидан ва *чиз*), *бурт*

---

[15] Решетов В. В. Узбекский язык, с. 59.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(шиш), бүрт (омад), ора (ўра, хандик, чуқурлик), үррэ (ундов сўз), ориш (ўриш), өриш (юриш), бу жиҳатдан Тошкент область қурама шеваларига ўхшайди;

4) лаб сингармонизми сўз ўзак ва аффиксларида сезилади: *көнөм//көңнүм (кўнглим), үстүдә (устида); танглай (палатал);* гармония кучли: *базарға (бозорга), далаға чыхтым (далага чиқдим), әкәмәләр (акамлар);*

5) сўз бошида *дж—й «дж»*лашиш (1) шеваларда системали: *джаман<йэман, джоқ<йоқ,* лекин (2) шеваларда *«й»*лашишга уриниш кучли эканлиги сезилади: *йолдаш* (2) *<джолдаш* (1), *йэр* (2) *<джэр* (1), *йип* (2) *<джип* (1);

6) типик туркий (а) ўрнида [ɔ] нинг юзага келиши кузатилади, шевада (а) барқарор, [ɔ] эса позицион вариант сифатида учрайди. (1) группа шеваларда [ɔ] ярим лабланган орқа қатор унли сифатида *чэй//чåй (чой), мэй//*__*мåй (мой)*__ каби бир бўғинли ва *тэлақ (талоқ), тэпағэн(топағон), бурэв (буров)* каби икки ёки кўп бўғинли сўзларнинг биринчи, иккинчи бўғинида айтилади. (2) группа шеваларда эса бир бўғинли сўзлар таркибида аксарият (ә) талаффуз этилади: *чэч* (1) — *чәч* (2), *чэй* (1) — *чәй* (2).

7) барча қипчоқ шеваларига ўхшаш юқори ва ўрта кўтарилиш унлилари [о], [ө], [е] нинг [и$_{е}$—й$_{е}$], [ү$_{ө}$—у$_{о}$], [в$_{ө}$ — в$_{о}$] тарзидаги дифтонглашуви мавжуд: ^{и}енә//^{й}енә (она). *^{у}өрмәк (ўрмак), уорман (ўрмон), вөрик (ўрик). ворақ (ўроқ);*

8) бу шеваларда Иқон, Қорабулоқ, Жанубий Хоразм шевалари ва туркман тилидагидек мустақил чўзиқ унлилар йўқ, шунинг учун иккиламчи чўзиқлик сўзда маъно фарқламайди;

9) араб тилидан кирган сўзларда учрайдиган бўғиз товуши « ع » бу шеваларга сингмаган (эски саводхон кишилар бундан мустасно);

10) [и] нинг орқа қатор жуфти бўлган [ы] унлиси сўзларнинг барча бўғинларида кела олади: ы ш қ ы л ы (этноним), ы р ғ а й (ўсимлик, дарахт), қ ы ш л ы қ (кишлик), т о в ы р л ы қ (уй анжоми);

11) [*а//ә, и//ә, ы//а*] ҳодисаси мавжуд: *әкә//ака, үкә//ука, дәсбәк//дәсвәк//дастпәк (сочиқ), нәсә:т//насиҳат, барма//джохма (борми-йўқми);* [*е//э*]: *Дейнәв//Дийнәв//Дәйнәв (Денов)*, [*у//ә*]: *сәвбәт//сүвбәт* (суҳбат), қипчоқ шеваларига хос [*у>и, у>ы*] ҳодисаси мавжуд: *дастирхон>дастурхон, быйыл>бу йил;* маълум позицияда *ындай демә>ундай дема.*

12) ушбу шеваларда (х)>(қ) алоҳида мустақил

www.ziyouz.com kutubxonasi

фонемалар бўлиб, сўз бошида уларнинг ўрин алмашинуви факультатив ҳолатдир: *қарич//харыш, қамыш// хамыш, қин//хин, хоҳиш//қайиш, хотин//қатын* ва *қ//к* ҳодисаси ҳам шундай: *котиб//хатип, қаер//кәйер//кийәр, қарсиллаб//кәрсилләп.* Бу ҳодисалар кўпроқ мазкур территориядаги (1) шеваларга хос ҳодисадир;

13) (1) группа шеваларда (*қ//ғ*) сўз бошида учрайди: *қўчқор//ғочқар, қорауй//ғарауй;*

14) [қ//ғ] [к//г] [п//б] интервокал ҳолатда жаранглашади [*қ//ғ*] *ақ//ағып, тақ//тағып,* [*к//г*] *тик//тигип, бук//* буг*уп;* [*п//б*] *қап//қабы, сап//сабы.*

15) қипчоқ шеваларига хос хусусиятлардан бири кўпинча икки бўғинли сўз охирида орқа қатор (*қ, к, ғ*) каби ундошлар талаффузда тушиб қолади: *аччы (аччиқ), сары (сариқ), тары (тариқ), сассы (сассиқ), көпри (кўприк), тири (тирик), вөли (ўлик), чүччү (чучук), қуллу: (қутлуғ);*

16) бир бўғинли сўз охирида [ғ>в] ҳодисаси мавжуд: *тав (тов), джәв (ёғ),* бу ҳодисанинг қипчоқ типидаги шеваларда ва айрим туркий тилларда қадимдан борлиги олимлар томонидан айтиб ўтилган;

17) бошқа қипчоқ шеваларида ва айрим туркий тилларда мавжуд бўлган [*п>в*], [*б>в*], [*в>б*], [*к/қ> й*], [*ғ/г>й*] [*м>в*] каби ҳодисалар ушбу шеваларда ҳам учрайди: *товық (тўпиқ), тавып ке (топиб кел), җүвәр (юбор), бәвә (бобо), сабын (совун), бовын (бўғин), товра (тўғра), тийгән (теккан), сыйын (сиғин), җыйын (йиғин).*

18) сўз бошида [т//д] ҳодисаси саноқли сўзлардагина учрайди: *тавуш//давиш, тутун//дүтүн, тинка//динка,* сўз бошида [*н//т//д*] мослиги ўғуз группага кирувчи туркий тилларга хос хусусиятдир;

19) [х] ва [ҳ] ундошлари талаффузда фарқланиб маънони дифференциация қилади: *хил-ҳил хол-ҳәл, ҳәмит-хамит, хәлә-ҳәлә;* лекин баъзан бу ундошларни фарқламай талаффуз қилиш ҳоллари ҳам учрайди;

20) сўз бошида [*ч//ш*] факультатив ҳолатда ишлатилади[16]; *шәнчү//санчиқ; чәйән//шәйан, шалап//чалап,* сўз охири ва сўз формалари ўртасида келганда: *қулаш//қулоч, қулашкәш//қулачкаш, қарышлап көр//қаричлаб кўр.*

21) (1) группа шеваларда айрим сўзлар охирида [*й*] ундоши ва [*н*] [*р*] сонорлардан сўнг [*т*] ундоши

[16] [ч//ш] ҳақида қаранг: Решетов В. В. Узбекский язык, с. 64.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшиб талаффуз қилинади: *сэрпэй (сирпо), худэй//қудай (худо), бежэй (бежо), ҳэмирэй (ҳамро), эсэнт (осон), қыйынт (қийин), қумартқи (заҳар);*

22) бу шевалар учун яна бир типик фонетик ҳодиса сўз бошида [ҳ] ундошидан олдин [*а*] унлисининг тушиб қолиши ва, аксинча, бошқа сўзларда [*ҳ*]нинг сўз бошида орттириб талаффуз қилинишидир: *ҳэмийэт (аҳамият), ҳэррэ (арра), хүзүр (узр), ҳэптэбус (автобус), ҳүттэ (удда);* [ҳ] ундошининг сўз бошида тушириб қолдирилиши: *эйписэн (ҳайфсан), эжэр (ҳожар);*

23) [қ] ундошининг спирантизацияси [қ<х] ҳар иккала группа учун ҳам хос: *вах (вақт), мэхсэт (мақсад)*. Бундай ҳодиса Тошкент, Фарғона тип шеваларда ҳам учрайди;

24) айрим қипчоқ шеваларига хос сўз ичида ва икки сўз ўртасида (Sandhi) ҳолатда [*а*] [*э*], [*у*] [*ү*], [*о*] [*ө*], [*и*] [э] унлиларидан сўнг чўзиқлик юз беради: *мэ:тэл, нэсэ:т, тэ:ликэ, ту:мэт, сү:бэт, мө:лэт, тэ:нэ, кө:нэ, и:ллэ, о:ңқал, а:ңқар, жа:р (юбор), во:ңқыш, пе:ли қурысын.*

Морфология бўйича

1) Минор, Боймоқли, Ғуржак, Калламозор, Таллимарон, Истара каби қишлоқ шеваларида *-лар* кўплик аффикси феълларни туслаганда II шахснинг кўплик формасида *-иңэр, -ңэр, -ақ* шаклларида ишлатилади. Масалан: *кеңңэр, билиңэд, келинэр, аңңар, кеңңизақ, барыңңызақ* каби. Бу ҳолат қолган шевалар учун характерли эмас;

2) қаратқич келишигининг кўрсатгичлари: *-ниң, -ның, -диң, -дың, -тиң, -тың;* тушум келишиги: *-ни, -ны, -ти, -ты, -ди, -ды;* жўналиш келишиги: *-гэ, -кэ, -ға, -қа, -а, -э, -нэ, -на;* ўрин-пайт келишиги: *-да, -дэ, -та, -тэ;* чиқиш келишиги: *-дан, -дэн, -тан, -тэн, -нан, -нэн* каби.

Шуни айтиш керакки, чиқиш келишигидан сўнг қўлланадиган *«кейин»* кўмакчиси (1) группа Азларсой, Қумқўрғон, Қарсакли, Бандихон, Работ каби қишлоқ шеваларида кучли фонетик ўзгаришга учрайди ва аффикс ҳолига келиб қолади. Масалан, *кегэнэнкей, ағананкей, айт қананкей;*

3) келаси замон сифатдошининг *-дигэн, тыған, -дыған, -тигэн, -тикэн, -дықан* каби аффикслари ишлатилади: *кэлэтигэн, гүллэйдигэн пэйти, товатыған мал, аладықан адам* (1); сифатдош қўшимчалари *-кэни,*

www.ziyouz.com kutubxonasi

-қаны, -гәни, -ғаны, -кәли, -гәли, -қалы шаклида талаффуз этилади: *төккәни келдим, айтғаны бардым, көргәли кеттим; -гәли* формасини солиштиринг: эск. ўзб. тилида[17].

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдим санго,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдим санго

(А. Навоий).

4) *эди, эмиш, экан* тўлиқсиз феъли билан ишлатиладиган сифатдошнинг *-р, -ар* билан ясалган формаси (2) группа шеваларда *келәймиш, эләймуш, өләймиш* тарзида қўлланса, *-б, иб* орқали ҳосил қилинган равишдош *бәрвудик, эвудик;* (1) группа шеваларда *барбыдық, барвидик, абыдық, кевидик* ва (2) группага кирувчи Дўрмон қишлоғи шевасида *барвам (бориб эдим), барвақ (бориб эдик)* бу форманинг бирлик ва кўплик формада ҳар учала шахсда тусланиши ҳам бир хил[18].

5) *ундай, бундай, шундай* олмошлари *қилиб* равишдоши билан келганда *«үйтүп», «бийтип, бүйтүп, бүйтип, шуйтүп* ва *«ыйтып», «быйтып», «шийтип»* формаларида ишлатилади;

6) кучайтирув юкламаси (1) группа шеваларда *-қу, -қо, қойын, -ғо, -ғойин: айтымқо (айтдим-ку); көрдиң-қу (кўрдинг-ку), бардымғойин;* сифатнинг орттирма даражасини ҳосил қилувчи *жуда* сўзи ўрнида *йәмәнәм (джаманам)* формасини ишлатиш бу шевалар учун, айниқса, характерлидир. Масалан, *йәмәнәм (джаманам) хүшрәй қыз* (2) (жуда чиройли қиз), *жаманам чабаған атақан* (1) (жуда чопағон от экан):

7) шахс олмошларининг бирликда жўналиш келишиги билан турланган *маған (манга>меңңә), саған (сенга>сәңңә), уған (уңңә)* каби формалари мавжуд.

III. Сурхондарёдаги қипчоқ лаҳжасига хос шевалар ўзларининг лексик хусусиятлари жиҳатидан ҳам қорлуқ лаҳжасига кирувчи шевалардан фарқланувчи хусусиятларга эгадир. Мас. қипч. *гөң*≈қорл. *пюрь* (е); қипч. *эмэгвәччэ*∼қорл. *әвәвәччә* (ака-ука болалари); қипч. *бөлә*∼қорл. *хәләвэччә* (ака-ука, опа-сингил болалари); қипч. *бозав*∼қорл. *торпъ* (бузоқ); қипч. *сыйыр*∼қорл. *ънәг*[к] (сигир); қипч. *бешикжапғыч*≈қорл.

---

[17] Алишер Навоий. Лирика. Тошкент, 1968, 22-бет.

[18] Бу ҳақда қаранг: Носиров Ш. Сурхондарё ўзбек шевалари бўйича айрим кузатишлар.— Ўзбек тили ва адабиёти, 1979, 5-сон, 68-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гəвəрəпош (бешикка ёпиладиган материал); қипч., *робарай*∼қорл. *рэвəй* (тобора), қипч., *рəпə:т.*, қорл., *рəй* (ҳохиш), қипч. *чукури*∼қорл. *рəвэч*, қипч. *көпкəри*∼қорл. *оқлэғ* (улоқ чопиш); қипч. *чечə*∼қорл. *йəңңə*//*йəнгə* (келин ойи); қипч. *махлай*//*маңңəй*∼қорл. *пешəнə (пешона);* қипч. *белқарс*∼қорл. *белқас* (белбоғ); қипч. *көчмəнчи*∼қорл. *прэръ* (кўчиб юрувчи шахс); қипч. *гелəрс*∼қорл. *гулэс (гилос);* қипч. *алыча*//*алыша* қорл. *элвэлъ* (тоғ олча); қипч. *разылық*∼қорл. *рəйхуш* (ижозат); қипч. *хапа*∼қорл. *рəнжур* (хафа) каби.

Бундай лексик айирмаликлар шу шева вакилларининг келиб чиқиш тарихи, яшаш шароити, урф-одатлари, машғулотлари ва шу каби бир қанча масалалар билан боғлиқдир.

й-ловчи ўзбек шевалари

Бу ердаги қорлуқ лаҳжасига хос *й*-ловчи шевалар территория жиҳатидан Сурхондарёнинг шимоли-шарқий томонида, асосан, Сариосиё районидаги Дашнобод, Газарак, Хоним, Шоҳқишлоқ, Турккишлоқ, Вардисой, Чанғалоқ қишлоқлари ва Узун посёлкасида; Денов шаҳрининг маркази, Денов районидаги Вахшивор, Илонсой, Миришкор, Хўжасоат, Юрчи, Ҳазарбоғ; Бойсун районининг шимолий қисмида Кентала, Мачай ва жануби-ғарбий томонидаги Хатак, Хўжанқо, Лайлагон; областнинг жанубий районларидан Шерободнинг ғарбий қисмида Майдон, Қорабоғ, жануби ғарбий томонида Хўжчи, Навбоғ, Чиғатой; Термиз шаҳар маркази ва унинг атрофидаги Мангузар, Саловот; Қумқўрғон районидаги Жалойир; Шўрчи районининг Қорлуқ каби қишлоқ ва аҳоли пунктларида жойлашган.

Булардан Қорабоғ, Майдон қишлоқларида чиғатой ўзбеклар яшайди. Уларнинг тил хусусиятлари кўп жиҳатдан «икки тилли» шеваларга яқиндир. Хатак, Хўжанқо қишлоқларида тоғчи қатағонлар ва Лайлагон қишлоғида элбегилар яшайди, уларнинг тил хусусиятлари Қуйи Қашқадарёдаги 6—7 унлили шеваларга бирлашади[19].

Областнинг шимолий қисмидаги қорлуқ лаҳжасига хос шевалар эса, ўз лингвистик белгиларига кўра Самарқанд-Бухоро тип шеваларга бирмунча ўхшаб кетади. Бу шевалар юқорида қайд этилган шевалар би-

---

[19] *Қаранг:* Шерматов А. Қуйи Қашқадарёдаги ўзбек шевалари. Тошкент, 1974, 7, 57-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лан ўз лингвистик хусусиятлари жиҳатидан ўхшаш томонларга эга бўлиш билан бирга, айрим ўзаро ички фарқли томонларга ҳам эга. Бу шеваларнинг унлилар состави: *и (ъ), у (ү), э (е), о (ө), а (ә), ɔ.*

1) адабий тилдаги *томон, сомон, ёмон* каби сўзларнинг биринчи бўғинида кўп ҳолларда *(а)* унлиси ишлатилади: *тамɔн, самɔн, йамɔн*; лекин системали эмас, баъзан *тɔман, сɔман, йɔман;*

2) [*қ*], [*х*], [*ғ*] каби ундошлар билан ёнма-ён келганда [*а*] орқа қатор фонема тусини олади: *қалльғ, хашак, қанɔр, ғайръ;*

3) Газарак, Қорасув, Хоним қишлоқлари шевасида [ɔ] унлиси бир бўғинли сўзларда [*н*] [*л*] каби сонор товушлар билан ёнма-ён келганда тил олди [ө]га ўтиб лабланади: *өтә (ота), өнә (она), нөн (нɔн), лөй (лой)* қиёс: Ққш. *нўн*[20],

4) Қорабоғ, Майдон, Мачай, Кентала шеваларида айрим сўзларнинг бошида келадиган (ɔ) унлисининг тил ўрта тарзида пайдо бўладиган (а)га ўтиш ҳодиса-
> > > > >
си учрайди: *амɔн (омон) асɔн (осон), алɔв (олов), амɔч (омоч);*

5) Хўжанқо, Хатак шеваларида тил олди [у] унлисидан сўнг иккиламчи чўзиқликнинг юзага келиши кузатилади: *Му: йъддънжɔн олләқɔ:лай, о:ллтърәсәммъ (Муҳиддинжон, ўлақолай ўтирасанми)* каби;

6) икки ва уч бўғинли сўзларнинг охирги бўғинидаги (*и*) унлиси Самарқанд-Бухоро шеваларига ўхшаш ҳарвақт *(у)* талаффуз этилади: *ɔсун (олсин), ɔвсун (овсин), этук (этик), хɔтун (хотин), айтук (айтдик) каби.*

7) Хўжчи, Чўйинчи шеваларида сўзнинг биринчи бўғинида келадиган адабий орфографик [*а*], [*о*] унлиси кўпгина сўзларда *(ө)* тарзида жуда олдинги қаторда ва икки лабни олдинги томон чўзиброқ талаффуз этилади: *өнәр (анор), ошкәдъ (ошқовоқ), дө:рбезә (дарвоза), бөдръң (бодринг), чөрбɔғ.* Бу хусусият Хатак, Хўжанқо шеваларига ҳам хос;

8) *у, бу, шу* каби кўрсатиш олмошлари «ер» сўзи билан қўшилиб, қўшма сўз ҳосил қилганда [у] фонемаси [ө]га ўтади: *өр (у ер), бөр (бу ер), шөр (шу ер)* тарзида содда сўз шаклини олади. Қиёс: Ққш. *шор, ор*[21];

[20] Ўша асар. 11-бет. Ўша автор. Узбекские народные говоры Кашкадарьинской области. Ташкент, 1978, с. 15—16.

[21] Ўша асар, 61-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

9) мазкур шеваларда [*й*] тил ўрта ундошининг сўз бошида туширилиб талаффуз этилиш ҳоллари ҳам учрайди: *ъгъллә* (йигитлар), *ъл (йил), жар ъқъллъ, қум тъқъллъ* [Хон.]. Қиёс: Ққшда. *ъллъйа.* Урганчда *ърък,* Наманганда *ъл,* қипчоқ шеваларида *иринг* каби. Бу ҳодиса Лайлагон, Хўжанқо, Хоним, Газарак, Қорлуқ шеваларида кўпроқ учрайди, аксинча, сўз бошида [*й*] ундоши қадимги ҳолатида қўлланади[22] *йълэн (илон), йъп//ип* [Вахшивор, Дашнобод]. Қиёсланг: қипчоқ *ж*-ловчи шеваларда *җылэн, җип* каби;

10) сўз ўртасида ва охирида [*ғ*] ундоши ўз ҳолатини сақлайди. *тэғ, бэғ, қоқанағ, қоғърмэч* каби ва яна сўз охири ва ўртасида [*ғ*] ундоши [*й*] ўрнида ҳам талаффуз этилиши учрайди: *шуннэғ (шундай), муннэг (бундай)*;

11) *қаер, шу ер, бу ер* каби сўзларнинг талаффузида [*а*] унлиси ўзидан кейинги [*й*] билан бирга тушиб қолади: *қер≈жл. қийер; шер∼жл, шийер, бер∼жл. бийер;*

12) бу шеваларнинг кўпчилигида [*қ*//*ғ*], [*к*//*г*] ҳодисаси юз беради: *товоқ>тәвэғ, қовоқ, қәвэқ, туёқ∼туйоғ, суяк>суйәг, тирик>търъг инак>ънаг;*

13) *ж*-ловчи шеваларда сўз охирида [*к*] [*қ*] товушларининг тушиб қолиши қонуний фонетик ҳодиса ҳисобланса-да, қорлуқ шеваларида бу ундошлар ўз ҳолатини сақлайди, баъзан [*қ*] ундошининг [*ғ*] га ўтиши кузатилади: *тузэғ, (тузоқ), аччъғ (аччиқ), сассъғ (сассиқ), таръғ (тариқ)* каби;

14) шуниси ҳам борки, қорлуқ лаҳжасига хос Қорлуқ, Жалойир каби қишлоқ шеваларида баъзи сўзлар бошида *ж*-лашиш кузатилади, лекин бу *ж*-лашиш қипчоқ шеваларидагидек соф ҳолда эмас, балки қоришиқ [*җ*] тарзида қўлланади. Мас., *йол>жол* эмас, *йер<җер* тарзида. Шунингдек, сўз ўртасида *ғ>в* ҳодисаси ҳам учрайди: *тўғра>товра, бўғма>бовма* каби. Лекин сўз охирида *тав эмас, тоғ* тарзидадир. Сўз ўртасида *ғ>в* ҳодисаси ҳам бу шевалар учун доимий характерли эмас. Баъзи сўзларда юз берадиган *ғ>в* ҳодисасини атрофдаги қипчоқ шеваларининг таъсири деб тушуниш керак;

15) Хатак, Хўжанқо, Лайлагон шеваларида адабий орфографик *ўтирмоқ* феъли *өлтирмэқ* шаклида талаффуз қилинади, сўз бошида ад. орф [*ў*] шеваларда арти-

---

[22] Ишаев А. «Девону луғотит турк» ва ўзбек шевалари. ЎзТА, 1971, 5-сон, 64-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

куляция жиҳатидан (*ө*) олдинги қатор юмшоқ унли сифатида ишлатилади. Солиштиринг: эск. ўзб. тилида[23].

Ул санамким, сув қирғоғинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклукиндан сув била ютса бўлур
(Атоий);

16) у ёққа, шу ёққа каби қўшма сўзлар таркибида [*у*] ва [*й*] товуши туширилиб, *ақа, бақа, шақа* тарзида талаффуз қилинади. Бундай ҳодиса Самарқанд — Бухоро тип шеваларида ҳам мавжуд;

II. 1) Хатак қишлоғи шевасида ҳозирги замон давом феълининг *келә:йэтупту (келяпти), бэро:йэтупту (боряпти)* тарзида ва I шахс кўплик қўшимчаси *«миз»* қўшилганда *бәрәвуз (борамиз), әйтавуз (айтамиз);* II шахс кўплик қўшимчаси *(-нгиз//ингиз)* составидаги *(нг)* ундоши (*г*) билан алмашади: *бэрсағғъз//борсангиз; эксәгъз (эксангиз)*. Қиёс Тошк. *борәвуз, келэвуз*[24]. Хоним, Газарак, Қорасув, Дашнобод, Вахшивор шеваларида эса *-яп* қўшимчаси *-эп* тарзида қўлланади: *келэпту (келяпти), борэпту (боряпти);* қорабоғ, майдон ва чиғатой шевасида *бэрэттъ, келэттъ*. Қиёс: Нам. *бэрэтти;*

2) қипчоқ лаҳжасига хос шеваларда кўрсатиш олмошлари *во//вол* (у), *шо//шол (шу), мынавы (мана бу), ынавы (ана у)* тарзида қўлланса, бу шеваларда *ул, бул, оша, ошәл* шаклларида талаффуз этилади;

3) I шахс кишилик олмошлари қорлуқ типидаги ушбу шеваларнинг ҳаммасида *-мән, -ман, -сән, -сан, ошә* тарзида; жўналиш келишиги билан турланганда *-мәнгә, -сәнгә, ошәнгә* шаклидадир;

4) кўплик қўшимчаси Лайлагон, Хўжги, Газарак, Хоним, Қорасув, Чиғатой қишлоқ шеваларида *-ла, -лә* ва қолган *й*-ловчи шеваларда эса *-лар, -ләр: -нар, -нәр* тарзида талаффуз этилади: *бувәмлә (бобомлар), энәмләр (онамлар), эдәмләр (одамлар)*.

III. Лексик жиҳатдан ҳам бу шевалар ўзларига хос айрим фарқли хусусиятларга эгадир. Масалан, *олән* (ишкомга олинган ток), *гәвәрә* (бешик), *җэйпош* (чақалоқ тагига тўшаладиган кичкина кўрпача), *госәлә (бузоқ), даспэк (сочиқ), зэммур (қовоқ ари), бингәк* (асалари).

---

[23] Отойи. Танланган асарлар. Тошкент, 1958, 82-бет (нашрда Атоий Отойи тарзида берилган).

[24] Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 1962, 59-бет,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Икки тилда сўзлашувчи шевалар

Бу группадаги шевалар Сурхондарёнинг шимолий ва шимолий-ғарбий қисмида, асосан, Сариосиё, Тоқчиён, Буйрапўш, Пошхўрт, Зарабоғ, Ариқусти, Пойгабоши каби қишлоқлари, Бойсун шаҳари марказида жойлашган. Ушбу шева вакиллари «икки тилда» ҳам (тожик ва ўзбек тилларида) икки тилнинг сўзларини аралаштирган ҳолда гаплашадилар, уларнинг талаффузи ҳам тожик тилига яқиндир.

Профессор А. Қ. Боровковнинг гувоҳлик беришича[25], ўзбек ва тожик тилларидаги аралашишлик—«икки тиллилик» ҳодисаси М. Қошғарий даврида ҳам анча кучли бўлган. XI асрда Шарқий Туркистон, Чу, Талас водийлари, Балосуғун, Исфижоб шаҳарларидаги аҳоли ўзбекча ва суғдча (тожикча) сўзлашганлар.

Шуниси ҳам маълумки, ўзбек ва тожик тилларидан иборат «икки тиллилик» тенденцияси узоқ даврлардан буён давом этиб келаётган тарихий процессдир.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий: «Бу икки халқнинг йигити ва қариси, балки каттадан кичик — бариси орасида аралашиш баб-баровардир. Бу бири билан у бири ўртасида ҳар қанча аралашиш, ўзаро сўзлашиш бўлса, у бирининг ҳам бир-бири билан ўшанча англашиш ва сўзлашиши бор»[26], — деб кўрсатади.

Проф. И. И. Зарубин ўзининг бир асарида ўзбек ва тожик халқларининг бирга ҳаёт кечиришлари натижасида уларнинг тилларидаги аралашиш масаласига жуда тўғри баҳо бериб, бу икки халқнинг узоқ йиллар давомида олиб борган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқа маҳсули[27],— дейди.

Л. В. Ошаниннинг «тожик ва ўзбек халқларининг қадимги ота-боболари Зарафшон ва Қашқадарёдан сув ичган, воҳадаги суғориш системасининг асосчиларидир[28], — деган фикри бевосита Сурхон водийси халқларига ҳам тааллуқлидир. Тарихдан маълум бўлишича, XVI асрдан бошлаб Қашқадарё ва Сурхондарё

---

[25] Б о р о в к о в А. К. Узбекско-таджикское двуязычие и вопросы взаимовлиянии таджикского и узбекского языка. Ученые записки института Востоковедения АН СССР. том. IV. М., 1952, с. 181.

[26] А л и ш е р Н а в о и й. Муҳокаматул-луғатайн. Танланган асарлар. III том, Тошкент, 1948, 177-бет.

[27] *Қаранг:* Проф. З а р у б и н И. И. Список народностей Туркестанского края. Л., 1925, с. 6—8.

[8] О ш а н и н Л. В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез ее народов, ч. II, Ереван, 1958, с. 54.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳарлари ва қадимий қишлоқларининг аҳолиси сўғутлар деб аталган[29].

Кўринадики, ҳар икки тилда (тожик ва ўзбек тилларида) сўзлашиш, бу халқлар ҳаётида қадимдан мавжуд бўлган. Улар узоқ даврлардан қон-қариндош бўлган ва шу ерларда яшаган халқлар ҳозирги шева вакилларининг ота-боболаридир.

«Икки тиллилик» масаласи академик В. В. Решетов, профессор М. Мирзаев, профессор А. Шерматовларнинг асарларида ҳам батафсил баён қилинади[30].

Мазкур территориядаги шева вакиллари ўзларининг ота-боболари аслида тожик ёки ўзбек бўлганлигини яхши билмайдилар, лекин ҳар икки тилда баравар сўзлашадилар.

Бизнингча, улар аслида тожиклар бўлиб, кейинчалик ўзбеклашиб кетган бўлиши ёки ўзбекларнинг қадимий аҳолиси тожиклар билан аралашиши натижасида уларга сингишиб, тожик тилини тўлиқ ўзлаштирган ўзбеклар бўлиши мумкин. Тожикча-ўзбекча «икки тиллилик» ҳозирги кунда ҳам мавжуд бўлиб, унинг тобора ривожланишига совет давридаги дўстона алоқа ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланиб бораётганлиги ёрдам бермоқда.

Бу группадаги шеваларда унли фонемалар қуйидагича: *и (ъ), а, э (е) ў, у, ɔ.* Унли фонемаларнинг сони ва сифати жиҳатидан бу шевалар Самарқанд-Бухоро ва Қуйи Қашқадарёдаги икки тилли шеваларга жуда яқин туради.

1) *и (ъ)* унлиси бу шеваларда сонор ундош олдидан ва сўз охирида келганда чўзиқроқ талаффуз этилади. Мас., *нуръ: (маҳаллий ўғит), ънъ: (ука), мъ:рɔп (мири об), сағъ:р (етим)* каби;

2) [*е*] унлиси тожик тилидан ўзлашган ва бошқа айрим сўзларнинг иккинчи бўғинида ёки охирида *(и)* унлиси ўрнида талаффуз этилади, Мас., *лəлме, ɔбе, умет (д), ҳɔвле, муйсафед, шамбе, йакшанбе (лалми, оби, умид, ҳовли, муйсафид, шанба, якшанба);*

3) икки бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида ёки сўз бошида [ɔ] унлиси ўрнида [*а*] қўлланади. Мас., *амон (ɔмон), афтɔб (офтоб), қазɔн (қозон);*

---

[29] Ваҳобов М. Ғ. Ўзбек социалистик миллати, 30-бет.

[30] *Қаранг:* Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. Тошкент, 1969, 25—26-бетлар; Бухоро ўзбек ва тожик шеваларининг ўзаро муносабати. ЎзДМ, II том, Тошкент, 1961, 162—177-бетлар. Шерматов А. Қуйи Қашқадарёдаги ўзбек шевалари. Тошкент, 1974, 85—87-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[э] унлиси кенг, орқа қатор товуш бўлиб, икки тилда сўзлашувчи шевада бир оз чўзиқ талаффуз этилади. Мас., *тағэ: (тоға), устэ: (уста), муллэ: (мулла), дамуллэ: (домла), тълло (тилла)* каби. *Бух. муллэ, ашнэ;* жл. *тага, уста, мылла, дамылла, тылла;*

4) [*у*] унлиси урғули бўғин ва сонор товушлардан олдин келганда қисман чўзиқ айтилади: *дэру: (дори), элу:ча (тоғ олча), кэку:л (кокил), Бэйсу:н (Бойсун);*

5) [*ф*] ундоши ўзлашган ва асл тожикча сўзларда (*п*) эмас, балки лаб-тиш (*ф*) тарзида айтилади: Мас., *шафтэле (шафтоли), муйсафед, сафар (сафар);*

6) кўплик -*лар* аффикси бу шеваларда -*лар* тарзида ишлатилади. Мас., *гўсалалар, баччалар, тағэмлар (бузоқлар, болалар, тоғамлар);*

7) жўналиш келишик қўшимчаси -*га* ўрнида ўрин-пайт келишиги қўлланади. Мас., *мактабда бэрдъ(е) (мактабга борди), Бойсунда бэрдим (Бойсунга бордим).*

Бу шевалар лексикасида қўлланадиган сўзлар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг бир қисми фақат шу шевалар учунгина тушунарли бўлса, бир қисми ўзлашган сўз тарзида «бир тилли» шеваларда ҳам турли фонетик ўзгаришлар билан ишлатилади. Масалан:

„икки тилда" сўзлашувчи шеваларда	„бир тилли" шеваларда (жл.)	ад. орф.
мэдгэв||гэв	*сыйыр||инэк*	*сигир*
гозала	*бызав||бузав*	*бузоқ*
кўэта	*куйгәк*	*куйлак*
сокичак	*жҗуггйиқ*	*кқоёқ*
гаварапош	*бешикджапғыч*	—
эврез	*тәшнәв*	—
дасвак||дастпэк	*қолсурткич||чачық*	*сочиқ*
бънгак	*биңңәк*	*асал ари*
афтэб	*аттап*	*қуёш*
буқа	*буқа*	*наввос*
кисса	*кисто||кисә*	*чўнтак*
сархум	*сарқым||сархим*	*кружка*
дэда	*ата||этә*	*ота*
ача||ажқа	*иэнә*	*она*
ликув	*тахсимча*	*тақсимча*
чэпкэрь	*чөпкрөи*	*синч (уй)*
чэрпэйа	*тэпчөн*	***сўри***
пъшак	*пишәк*	*мушук*
каллавэш||каллапош	*кәләпэш*	*дўппи*
каду:	*кэди||әшкәди*	*ошқовоқ*
чэсвак	*чәсбәк*	*ошиқ-маъшуқ*
муйлов	*мурыт*	*мўйлов*
рав	*рәв||хары*	*тўсин*
зубэнгав	*гәвзәбон*	*гавзабон*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай сўзларни яна ҳам давом эттириш мумкин. Икки тилнинг сўзларини аралаштириб қўллаш, ҳатто уларнинг нутқида ҳам кўринади. Масалан, *дандэнъм оғрейапте (тишим оғрияпти), йолларинга гул тушайън инжэ бийэ козларънгдан йэғъб турар меҳрългъйэ* [Сар.] *ҳайу: қуш бета, ардэна чумчуғ нахота* [Бой.] *забэндан бэл тамэде* [Пошх.] *рафтэрингдан ургълай* [З-боғ.,] *руған элъб кел* [Бой.,]; *ҳавэ гарм боле* [Тоқч.] *йакчъкэт қарасам сан йоқ* [Арт.]:

Агар тилларнинг аралашуви тил эгаларининг зарурати туфайли содир бўладиган тарихий категория деб ҳисобласак, у бевосита «икки тилли»лик ва «уч тилли»лик[31] ҳодисаларига тааллуқлидир.

Кўринадики, тилга кириб келадиган кўпгина янги сўзлар ҳам, икки тиллилик, уч тиллилик (рус тилининг иккинчи она тилига айланиб бораётганлиги сабабли) халқлар ўртасидаги дўстона муносабатлар туфайли содир бўлади.

Шундай экан, ҳозирги илмий-техника революцияси ривожланиб, халқлар ўртасида интернационализация тобора шаклланаётган бир пайтда «икки тиллилик», «уч тиллилик» ва «кўп тиллилик» ҳодисалари тилшуносликда алоҳида ўрганиладиган масалалардан бири деб ҳисобланиши лозим.

---

[31] «Уч тилли»лик термини проф.Мирзаевники. Ўша асар, 27-бет. 27-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФОНЕТИКА

1. Вокализм. Ўзбек халқ шевалари ўз таркиби жиҳатидан жуда мураккаб, фонетик состави ранг-баранг бўлиб, уларда фонемаларнинг сон ва сифат жиҳатидан муносабатлари ҳам турличадир. Ўзбек халқ шевалари фонемаларининг сон жиҳатдан муносабати ҳақида академик В. В. Решетов шундай ёзган эди: «Ўзбек тилида сўзлашувчи коллектив жойлашган территорияга назар ташлаб, шевалар бўйича фонемаларнинг муносабатини сон жиҳатидан қараб чиқсак, бир қанча шеваларнинг ягона бир марказга — адабий талаффуз нормаларига асос бўладиган марказга қараб йўналишини кўрамиз»[1].

Дарҳақиқат, ўзбек тилининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро шевалари олти унли фонема системасига эга бўлса, Қарши, Шаҳрисабз, Қўқон шеваларида олти, еттита, Фарғона шевасида саккизта унли фонема мавжуд[2] эканлигини кўрамиз.

Мавжуд диалектологик ишларда[3] қипчоқ лаҳжасига тааллуқли шеваларда унли фонемаларнинг сони 9—10 та эканлиги кўрсатилади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, Сурхондарёдаги ўзбек шеваларида унли фонемаларнинг состави ўзбек тилининг қипчоқ, қорлуқ

---

[1] Решетов В. В. Узбекский язык. Фонетика, ч. I, Ташкент, 1959, с. 149.

[2] Носиров Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеваси. Тошкент, 1980, 16-бет; Джураев Ш. Шахрисябзский говор..., с. 15; Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент, 1962, 39—90-бетлар; Ўша автор. Қўқон шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари ҳақида, ЎзДМ, I, 1957, 313—315-бетлар; Мирзаев М. Бухоро группа шевалари, 31-бет; Шерматов А. Қуйи Қашқадарёдаги ўзбек шевалари. 7—70-бетлар; Тургунов Т. Западно-Ферганские говоры узбекского языка. Акд., Ташкент, 1968, с. 4.

[3] Булардан айримлари: Решетов В. В. Узбекский язык. Фонетика. Ташкент, 1959, с. 59; Поливанов Е. Д. Фонетическая система говора кишлака Икан. Известия АН СССР, ОГН, №7, Л., 1929; Юдахин К. К. Некоторые особенности карабулакского говора ЎзДМ. I, 1957, с. 32; Данияров Х. Опыт изучения..., с. 107; Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг қипчоқ шеваси. ЎзДМ, I, Тошкент, 1957, 327-бет ва бошқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаҳжаларига тааллуқли айрим шеваларнинг унли товушлари сонига мос келади, шу билан бирга, бу шевалардаги унлилар миқдори ва сифати ўзига хос айрим хусусиятларга ҳам эгадир. Шуниси ҳам борки, Сурхондарёдаги иккита группага кирувчи қипчоқ лаҳжасига хос шеваларда унлилар сони бир-бирига мос келади, лекин айрим унлилар [ɔ] ва [$а^{о}$] каби унли товушлар талаффузида фарқланиш сезилади. Биринчи группада ɔ-лашиш нисбатан кенг қўлланади, ($а^{о}$) унлиси эса тилнинг орқа қисмида тилнинг танглай томон тортилиши натижасида талаффуз этилади. Аммо у фонема хусусиятига эга эмас, балки артикуляция ўрнига кўра *а* унлисининг тил орқа вариантидир. Мас., $а^{о}$*йт*, *қ*$а^{о}$*йт*, *ғ*$а^{о}$*ппар* каби. Бундай ҳолат биринчи группада ҳам жуда чегараланган, иккинчи группада эса учрамайди. Шунинг учун ҳам ($а^{о}$) талаффуз этувчи шева вакиллари *«йўғон»*, *«қалин»* гапирадилар, иккинчи группадагилар эса «ингичка» гапиради дейишади,— маҳаллий халқ орасида.

Демак, Сурхондарёдаги қипчоқ лаҳжасига хос шеваларнинг унли фонемаларини схемада қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Тилнинг кўтарилиш ўрнига кўра (горизонтал йўналиш)		тил олди (олд қатор)		тил орқа (орқа қатор)	
Лаб иштирокига кўра		лабланмаган	лабланган	лабланмаган	лабланган
тилнинг кўтарилиши даражасига кўра (вертикал йўналиш)	юқори кўтарилиш (тор унлилар)	и (ъ)	ү	ы ( )	у
	ўрта кўтарилиш (ярим тор)	е э	ө		о
	қуйи кўтарилиш (кенг)	ә		а	ɔ

Бу шеваларда унли фонемаларнинг [*ә — а, ө — о, и — ы, у — ү*] каби қаттиқ ва юмшоқлик хусусиятига кўра фарқланиши ҳали унлилар гармониясининг мавжуд эканлигини кўрсатади. Маълумки, сингармонизмли шеваларда унлилар сўзнинг ўзак негизида уларнинг артикуляция ўрни ва ҳолатига қараб мослашади. Сўзнинг биринчи бўғинида қаттиқ унли бўлса, қолган бўғинларида ҳам қаттиқ унли келиши: *барған (бɔрган), қыған (қилган), чығыл (чиғил)* ва дастлабки бўғинда юмшоқ унли бўлса, сўнгги бўғинларда ҳам юмшоқ унли

www.ziyouz.com kutubxonasi

оҳанглашиши *бәрәкәллә (баракалла), гүләбәччә (хатна қилиш)* каби; лаб гармонияси баъзи ҳолларда систематик бўлмаса ҳам биринчи бўғинда лабланган [ө—о, у—ү] келса, сўнгги бўғинларда ҳам шундай лабланган унлилар келишини талаб қилади: *Усуп (Юсуф), сөзүк (сўзик), түзүк (тузук), болуқ (бўлиқ), күлүгүч (кулдиргич)* ва бошқалар. Бундай ҳолат мазкур территориядаги қипчоқ шеваларига хос ҳодисадир.

Аммо ҳозирги кунда, биринчидан, кундалик матбуот, радио, телевидениенинг, иккинчидан, ёндош *й*-ловчи қорлуқ шеваларининг таъсири сабабли сингармонизмнинг кучсизланиб бораётганлиги сезилади.

Юқори кўтарилиш унлилари

[*И*] фонемаси (ад. орф. и) — олдинги қатор, тор, лабланмаган, кўпчилик туркий тилларга хос унли товуш. Сурхондарёдаги *ж*-ловчи шеваларда [*и*] унлиси талаффуз жиҳатдан қорақалпоқ тилидаги [*и*] ҳамда қозоқ тилидаги [*і*] га яқинлашади[4]. Бу фонема юқори — ўрта кўтарилиш лабланмаган унли томон ривожланган. Бу ҳолат қорақалпоқ тилида ҳам мавжуд эканлиги олимлар томонидан айтилган. Қиёсланг:[5]

Сурхондарёдаги *ж*-ловчи шеваларда	ққ. ўзб.	ққалп.	қозоқ	ад. орф.
ийнә	*ийнә*	*ийна*	*ине*	*игна*
жипәк/йипәк	*йибек*	*жипек*	*жібек*	*ипак*
кесәртки	*гесерт-ка*	*кэсерт*	*кесерт-кі*	*калтакесак*
пилта	*милте*	*билте*	*білте*	*пилта*
бешик	*бешик*	*бесик*	*бесік*	*бешик*
эшик	*эшик*	*есик*	*есік*	*эшик*

Бу унли акустик жиҳатдан очиқ [*и*] каби эшитилади ва урғусиз бўғинларда ёпиқ [*е*] га яқинлашади. Текширилган шеваларнинг *ж*-ловчи группасида (*и*) мустақил фонема, комбинатор-позицион вариант эмас, ўзининг [ы] каби контраст жуфтига эга. Шевалар бўйича [*и*] унлиси [*й*] составида ва тил олди [*д, с, ч, ш*] ундошлари билан ёндош келганда олдинги қаторлик ҳолатини сақлайди[6]. Мас., *дийди — диймэн*//ад. орф. *дейди — дейман, дигил* (ад. арф. қоракўли қўзи),

---

[4] Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка. М.— Л., 1948, с. 11; Баскаков Н. А. Ногайский язык и его диалекты. М.—Л., 1940, с. 8.

[5] Қиёс учун қаранг. Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. Тошкент, 1977, 24-бет.

[6] Ўзбек диалектологияси, 52—53-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сийэди ад. орф. сиғади, *чий*//ад. орф. *чий, ширэвэр*//*ад. орф. ширинлик, — шибэр (қор аралаш ёмғир)*. *Ж*-ловчи шеваларда [*и*] товуши (*м, н, нг*) бурун товушлари, [*б*] лаб, [*к, г*] саёз тил орқа товушлари билан ёндош келганда тил орқа томон артикуляция тусини олади. Мас., *мыңмыңама* ад. орф. *мингминглама, мындай тур* ад. орф. *бундай тур, инғыллама*//*инқиллама, быныматтала*//ад. орф. *бу нима бало*. Бу мисолларда [*и*] товуши [*и*>*ы*] линияси бўйича тил ўрта товушга алмашади ва акустик жиҳатдан [*ы*] га яқин, лекин русча [*ы*] ҳолатига бормайди. Шеваларда [*и*//*е*//*э*] алмашиниши сўз бошида, мураккаб сўзлар ва грамматик формаларнинг ўртаси ҳамда охирида спорадик ҳолатда учрайди. Мас., жл. *ерс* ~ *ирс* ~ *ҳирс, елләйи* ~ *иллэйи* ~ *илоҳи, ҳесабат* ~ *исабат* ~ *есават* ~ *ҳисобот, немә* ~ *нима; немә дейсәң, нима дийсэн* ~ *нима даейсэн; кебәк* ~ *кевәк* ~ *келиб эдик, әйткэн* ~ *менэн кемейде* ~ *айтган билан келмайди, қуллевосен* ~ *қутлуғ бўлсин, келәмә* ~ *кемэйме* ~ *ешемджоқ* ~ *келами* ~ *келмайми ишим йўқ*.

[*и*] фонемасининг шеваларда кучсиз талаффуз этиладиган [ъ] позицион варианти ҳам борки, у оралиқ товуш сифатида бир бўғинли сўзларда юз беради. Мас., *тъл, бъл, тъш, към*//ад. орф. *тил, бил, тиш, ким*.

[ъ] фонемаси (ад. орф. и) олдинги қатор, лабланмаган. Сурхондарёдаги *й*-ловчи қорлуқ лаҳжасига хос шеваларда [ъ] мустақил фонема бўлса, *ж*-ловчи шеваларда мустақил фонема даражасига етмаган комбинатор-позицион вариантдир. Бу унли ўзи билан ёндош келган ундошларнинг характерига кўра бир оз тил олди ёки тил орқа артикуляцияга эга бўлади. Ушбу шеваларда [ъ] фонемаси [*и*] ва [*ы*] унлиларининг конвергенцияси (*и Хы* — ъ) натижасида пайдо бўлган. Бу товуш Тошкент, Марғилон, Қўқон ва бошқа *й*-ловчи шаҳар шеваларида ҳар қандай позицияда ҳам турғун бўлган Самарқанд шеваларидаги [ъ] товушидан фарқ қилади[7].

[ъ] фонемаси [*т, д, с, з, ш*] тил олди ва [*к, г*] саёз тил орқа товушлари билан ёндош келганда тил олди артикуляция қилинади. Мас., *тин, тиш, дъл, дъйэр,*

[7] Проф. С. Иброҳимов: «...Андижон [ъ]си (сарой, қипчоқ, қоралпоқ, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё областларидаги *ж*-ловчи шеваларда *ъдара* (анд. *ідо:рэ*) сўзидаги ўрта [ъ]га якин келади», деб кўрсатади. *Қаранг*: Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси. Тошкент, 1967, 20-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

> > > > >
съла, зърә, шъпән, кънә, гънә ад. орф. *тин, тиш, тил, диёр, сизлар, зира, шипон, кина, гина.*

[*ъ*] фонемаси [*қ, ғ, х,*] чуқур тил орқа ундошлари билан ёндош келганда тил орқа [*ь*] га яқин айтилади: *қьл, қьзьт, гьрәм, хьргәйь хьрмэн*//ад. орф. *қил, қизит, ғирром, хиргойи, хирмон. Й*-ловчи қорлуқ шеваларидан (Хатак, Хоним, Газарак, Қорасув) сӯз бошида келган [*йъ*] товуш бирикмаси фақат [*ъ*] тарзида айтилади: *ъгът*//ад. орф. *йигит, ъгърмә*//ад. орф. *йигирма, ъл*//ад. орф. *йил.*

Икки тилда сӯзлашувчи шеваларда [*ъ*] фонемаси бир оз чӯзиқ ҳолатда [*е*] га яқин талаффуз қилинади. Мас., *эбе:, ләлме:, Сарве:, Лутфе:, Нуре:*//ад. орф. *оби, лалми, Сарви, Лутфи, Нури* ва бошқалар; [*ъ*] унлисининг [*а, э*] унлилари билан алмашиниши кузатилади: *берәләғ*//ад. орф. *берироқ*, Қӯқ. *берәрақ, онәкъ*//ад. орф. *ӯн икки, нә:л*//*нә: ҳәл*//ад. орф. *ниҳол, тәбә:т*//ад. орф. *табиат, нәҳәйәт*//ад. орф. *ниҳоят*. Бу хусусият ӯзбек тилининг Қӯқон шевасида ҳам учрайди[8].

[*ъ*<*у*] ҳодисаси икки бӯғинли сӯзларнинг биринчи бӯғинидаги [*у*], [*о*] унлиси таъсирида иккинчи бӯғиндаги [*ъ*] нинг [*у*] га ӯтиши туфайли содир бӯлади: *муҳум, көчуп, мудур, узул, туруп*//ад. орф. *муҳим, кӯчиб, мудир, узил, туриб;* бу ҳодиса ӯзбек тилининг *ж*-ловчи қипчоқ ва *й*-ловчи қорлуқ шеваларининг кӯпчилигида бор. [*ъ*] [*е*][9] қипчоқ *ж*-ловчи шеваларда юз берадиган [*и*>*е*] *га* ӯхшаш ҳодиса бӯлиб, *й*-ловчи шеваларда ҳам кузатилади:— Мас., *ҳесэпләрънӊдъ боре егәнме*//ад. орф. *ҳисобларингни бӯри еганми; кетэпте келтър*//ад. орф. *китобни келтир.*

[*ы*] фонемаси (ад. орф. и) — орқа қатор, тор лабланмаган унли товуш. Бу фонема *ж*-ловчи ва *й*-ловчи сингарманистик шеваларда олдинги қатор [*и*] унлисининг контраст жуфтидир. [*ы*] унлиси бу шеваларда сӯзнинг ҳар қандай бӯғинида кела олади[10].

---

[8] Н о с и р о в Ш. Ӯзбек тилининг Қӯқон шеваси. Тошкент, 1980, 19-бет.

[9] Ӯзбек диалектологияси, 51-бет.

[10] Проф. Е. Д. Поливанов ёзади: «Орқа қаторда ҳосил бӯлувчи очиқ (ы) унлиси сӯзнинг ҳамма позицияларида ишлатилади: П о л и в а н о в Е. Д. Говор города Туркестана, с. 515—516; Сурхондарё областидаги (1) группага киритилган *ж*-ловчи шеваларда [*ы*]нинг чуқур тил орқа (*қ, х, ғ*) ёнида *қырақыра* (қуш номи), *қылғырт, ғыша* (ӯсимлик) ва тил олди [*ч, ш,*]дан сӯнг *сьйьн, чьғар* тарзида келиши жиҳатидан Ғаллаорол шевасига ӯхшайди. *Қаранг:* Э г а м о в В. Самарқанд областининг Ғаллаорол шеваси. Самарқанд, 1970, 24-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўз бошида: *ық* (шамол тегмайдиган жой), *тыхмақ** (болалар ўйини), *ызғар* (экиндан чиққан сув); сўз ўртасида: *қыйычылық*//ад. орф. *қийинчилик, авыртмақ (чўпонлар белига осиб юрадиган чақмоқ тош);* сўз охирида: *жқылымчы*//ад. орф. илиқ, *сызлавық (уч бериб чиқадиган яра), жқыртық*//ад. орф. *йиртиқ. ы* фонемасининг Сурхондарёдаги *ж*-ловчи шеваларда ишлатилиши қуйидаги хусусиятларга эга: 1) [*қ, ғ*] каби чуқур тил орқа ундошлар билан ёндош келганда: *қызлық, қырав, ғыйбат, ғышым*//ад. орф. *қизлик, қиров, ғийбат, ғишим* (кўролмаслик);

2) ад. орф. [*и*] билан бошланувчи қуйидаги сўзлардагина *ықмах, ытаат, ыхтисат, ынтыпақ, ызғар*//ад. орф. *паналамоқ, итоат, иқтисод, иттифоқ, изғар,* ишлатилади;

3) қаратқич ва тушум келишигининг қўшимчалари таркибида: *-ды, -ты, -дың, -тың, -ны, -ты* қўлланганда ишлатилади;

4) [*у*<*ы*] юз беради: *былтыр, быйыл, тыйақ*//ад. орф. *бултур, бу йил, туёқ.*

[*у*] фонемаси (ад. орф. у) — орқа қатор, тор ёпиқ, лабланган унли товуш. Бу фонема ўзбек тилининг барча шеваларида учрайди. Лекин сифат жиҳатидан унинг тарқалиши ҳар хил. Агар текширилган шеваларнинг *ж*-ловчи группасида [*у*] орқа қатор унли сифатида қўлланса, қорлуқ шеваларида орқа қатор [*у*] ва [*ү*] оралиғидаги товуш сифатида талаффуз қилинади. Шунинг учун *ж*-ловчи шеваларда [*у*] нинг олдинги қатор [*ү*] контраст жуфти бор, қорлуқ лаҳжасига кирувчи шеваларда эса [*у*]нинг контраст жуфти йўқ.

Бошқа қипчоқ шеваларига ўхшаш мазкур *ж*-ловчи шеваларда ҳам [*у*] рус тилидаги урғули *«у»* фонемасига нисбатан чўзиқ талаффуз этилади; *туу (туғ), суу (сув), қууалла (қувватла), қуулла (қувла), суула (сувла).*

[*у*] фонемаси сўзларнинг барча бўғинларида келади. 1) сўз бошида *уча, ула, улаш;* 2) сўзнинг биринчи ва кейинги бўғинларида: *турақ, тувалақ, қурақ, тувурлуқ, қувиш.*

й-ловчи шеваларда бир бўғинли ва икки бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида [*у*] нинг лабланиши сал кучаяди ва юмшоқ талаффуз этилади. Лекин *ж*-ловчи шевалардаги [*у*] даражасига етмайди.

[*у*] унлиси икки бўғинли сўзларнинг иккинчи бўғинида [*и*] билан алмашади: *гугирт*<*гугурт, тухим*<*тухум, жқолдиз*<*юлдуз, қундиз*<*қундуз.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўзларнинг ва грамматик формаларнинг биринчи бўғинида [*у*>*и*] [*у*>*ы*] алмашади: жл. *пыл//пул, мысапыр//мусофир, мындай//бундай, тилки<тулку<тулки, быйаққара//бу ёққа қара, ыйаққа//у ёққа, мырат//мурод, бийергә//бу ерга*. Шеваларда [*у*] нинг лабсизланиши[11–12] турғун эмас. [*Ү*] фонемаси (ад. орф. у) олдинги қатор, тор лабланган унли товуш. Бу фонема текширилган шеваларнинг *ж*-ловчи группасига хос. [*ү*] фонемасини сингармонизмли ўзбек шеваларида учратиш мумкин. Сифат жиҳатидан орқа қатор [*у*] дан фарқланиб, *ж*-ловчи шеваларда [*у*] нинг контраст жуфтидир. Шунинг учун бу шеваларда [*у*] орқа қатор, [*ү*] олдинги қатор фонемалар тарзида сўзда маъно фарқлаш хусусиятига эга. Мисоллар: *үз (узмоқ* феълидан), *уз (қув, ўт), түр (хил), тур (турмоқ* феълидан), *сүр (сурмоқ* феълидан), *сур* (қоракўл терининг олий сорти), *бүр (ўсимлик бури), бур (бурмоқ* феълидан), *сүз (сузмоқ* феълидан), *суз (торт)*. [*ү*] сўз ва бўғин бошида кўпроқ ишлатилади: *үчәм* (молнинг бирданига учта туғишига нисбатан); *үйәз (тўда), Үсуп (Юсуф), Үсән (Ҳусан), түвәл (тугал), түйнәк (тугнак),* сўз бошида [*ү*] келиши туркий тилларнинг қипчоқ группасида бор ҳодисалардандир. Қиёс: Озарбайжон тилининг Губа диалектидаги Закатал Қах шевасида *үкүз (ҳўкиз), үрдәк (ўрдак)*[13]. Сўзнинг кейинги бўғинларида: *йүзүк// жүзүк (узук), сүзүлдү (сузилди), түзүлдү (тузилди), йүгүрүк (югурувчи), күндүзкүнү (кундуз куни)* каби баъзан учрайдиган бу ҳодиса лаб сингармонизми билан боғлиқдир.

Ўрта кўтарилиш унлилари

[*э*] фонемаси олдинги қатор, ярим кенг, лабланмаган унли товуш. Бу фонема *ж*-ловчи сингармонистик шеваларга хос бўлиб, қорлуқ лаҳжасига кирувчи шеваларда спорадик ҳолатда учрайди. Талаффуз қилинганда ад. орф. *(э)* товушига нисбатан очиқ, оғизнинг очилиш даражаси рус тилидаги *«е»*га *село, дело, это* сўзидаги «э»га яқин айтилади. *Ж*-ловчи (1) ва (2) группадаги шеваларда [*э*] унлиси оғизнинг ёпилишига кўра

[11–12] [у]нинг лабсизланиш ҳолати ҳақида маълумот олиш учун *қаранг:* Ўзбек диалектологияси, 63-бет; Абдураҳмонов Д. Гаммаклар ва уларнинг шеваси. Ўзбек тили ва адабиёти, 1967, 1-сон, 62-бет.

[13] *Қаранг:* Ширалиев И. Ш. Озарбайжон тилида қипчоқ элементлари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», Тошкент, 1961, 6-сон, 37-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қорақалпоқ, қозоқ, қумуқ, нўғай тилларидаги (э) товушига яқинлашади.

[э] унлиси бир бўғинли, икки бўғинли ва кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида келади; *тэрим (терим), сэп (сеп), кэли (ўғир), шэрбэт (шарбат), тэбә (тепа);* сўз бошида соф ҳолда келмайди ва [$и_э$, $й_э$] тарзида дифтонглашади. Бу ҳодиса мазкур шеваларда ҳам бир хил эмас. Агар *ж*-ловчи (1) шеваларда дифтонглашиш максимал даражада бўлса, (2) шеваларда минимал даражага тушади: *^{й}эчки>йэчки>^{и}эчки>йэчки>ечкъ, ^{и}элек>йэләк* (*элак*), *иэсэн>йэсән>^{й}эсɷн* (*эсон*).

Сўз бошида [$э^{э}$] унлисининг [$й_э$<$и_э$<$й_э$] дифтонгларини максимал даражага олиб келиши кўп ҳолларда ад. орф. *«э»* (е)ни (и) га айлантиради: *диймән (дейман), тийиммә (тегинма), тийирман (тегирмон*). Аффикслардаги *(й)* таъсири билан феъллардаги [*э*>*и*]нинг юз бериши *й*-ловчи шеваларда ҳам учрайди. Сўз ва бўғин бошида [*э*] нинг [*и*] га ўтишини академик В. В. Решетов қуйидагича кўрсатади: «Адабий орфографик [*э*] нинг [*ий*] га ўтиши сўз бошидаги *иэ>йэ>йе...* дифтонгига тенг бўлган [*э*] нинг максимал даражада дифтонглашуви натижасида вужудга келган. [*и*] ва дифтонг [*йэ*]-нинг таъсири билан [*йи*] товуш бирикмасининг ҳосил қилиниши туфайли [*э*] нинг [*й*] га ўтиши учун шароит вужудга келади»[14].

Бу шеваларда ҳам турли позицияларда [*э*>*и*; *э*>*ы*] га ўтиши кузатилади. Сўз бошида: *Иргэш<Эргаш, иликтир<электр, Ирбайев<Эрбоев;* бўғин бошида: *барбыды<барвыды>бориб эди;* [*э*>*ә*, *э*>*у*] га алмашади: *Дәйнэв>Дайнав>Дийнәв — Дуйнәв — Денов, дувэл — девор.*

[Э] товушининг тор унлиларга қараб ривожи [*и, ъ, ы, у*] бўлса, кенг унлиларга қараб ривожланиш чегараси [*ә*] ёки [*э (е)>э*]дир[15]. Бу ҳодиса *экан, эмас* тўлиқсиз феъллари бошқа сўзлар билан бирикиб келганда ҳам учрайди.

Байсын джолы ташәкән — Бойсун йўли тош экан,
Йарым қалам қашәкән — Ёрим қалам қош экан
(терма).

[ө] фонемаси (ад. орф. ў) олдинги қатор, ярим тор, лабланган унли бўлиб, ўзбек тилининг сингармонизмли

---

[14] Решетов В. В. Кураминские говоры, с. 227.
[15] Носиров Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеваси, 23-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шеваларидаги сингари бу ердаги *ж*-ловчи шеваларда ҳам учрайди.

[ө] фонемаси тил орқа [о] фонемасининг контраст жуфти бўлиб, сўзда маъно фарқлайди: *төлә (улоқ,* қўзи сақлайдиган хандак), *тола (тўла) төл* (қўзилатиш кампанияси), *тол (тўлмоқ* феълининг ўзаги), *өр (баландлик), ор* (ўр).

[ө] фонемаси сўз бошида [үө] тарзида дифтонглашади: *үөрмәк (ўрмак), үөрик (ўрик)* каби.

Профессор Е. Д. Поливанов [үө] дифтонгларининг қозоқ, қорақалпоқ каби туркий тилларда ва Шимолий Хоразм шеваларида мавжуд эканлигини кўрсатган[16].

[ө] фонемаси бир ва икки бўғинли сўзларнинг фақат биринчи бўғинида учрайди: *кўл//көл, кўкат//көгәт, кўмир//көмүр, гўшт//гөш, тўш//төш.*

[о] фонемаси (ад. орф. ў) орқа қатор, ярим тор, лабланган унли товуш. Бу товуш текширилган шеваларнинг қипчоқ тип *ж*-ловчи группасига хос унли бўлиб, рус тилидаги [*у*] билан [о] орасидаги бир товушдек талаффуз қилинади. Бу фонема ҳақида Е. Д. Поливанов шундай ёзади: «Бу русча *«о»* эмас, балки ундан фарқ қиладиган *«о»* ва *«у»* орасидаги бир товушдир»[17].

Бу унли туркий ўзакли сўзларнинг фақат биринчи бўғинидагина учрайди. Текширилган *ж*-ловчи шеваларда [о] ва [ө] унлилари алоҳида-алоҳида фонемалардир.

Лекин, *й*-ловчи шеваларда [о] унлисининг шаҳар типидаги шевалар учун хос бўлган индефферент [*ў*] унлисига ўхшаши, мойиллиги кузатилади. [*О*] унлисининг *й*-ловчи шеваларда контраст жуфти йўқ, чунки [о] нинг тил олди [*у*] га мойиллиги ва акустик жиҳатдан [*ў*] га томон силжиши [*о*>*ў*>*ў*] га олиб келган, бу кўпчилик шеваларда учрайдиган фонетик ҳодиса эканлиги олимлар томонидан айтилган[18].

Солиштиринг: жл. *үөлэқалай му:ддунжэн* — йл. *оллэқэлэй Муйъдънжэн,* жл. *муҳриңни бас*∼*моҳръңнъ бэс,* жл. *шүйерда* — йл. *ошердә,* жл. *күйдирмә,* йл. *койдирма,* жл. *көлдә* — йл. *колдә.*

Шуни айтиш керакки, текширилган *й*-ловчи группа шеваларда [о] унлисининг контраст жуфти [ө] мустақил фонема бўлмай, балки позицион вариантдир.

---

[16] Поливанов Е. Д. Некоторые фонетические особенности Каракалпакского языка. Ташкент, 1933, с. 12.

[17] Поливанов Е. Д. Введение в изучение узбекского языка. Ташкент, вып. I, 1925, с. 8.

[18] Дмитриев Н. К. Материалы по османской диалектологии, с. 449; Ўзбек диалектологияси, 121-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ж-ловчи шеваларда орқа қатор [*о*] фонемаси сўз бошида: [*у*о] тарзида дифтонглашади: *уорах (ўроқ), уорым (ўрим), уорман (ўрмон)*. Бу шеваларда ишлатиладиган [*о, ө*] фонемалари анлаут ҳолатида қозоқ, қорақалпоқ тилларидаги [*о, о*] фонемаларининг хусусиятларига эга бўлади[19].

[*О*] фонемасининг *ж*-ловчи шеваларда қўлланиши қуйидаги кўринишларга эга;

1) ундош товушдан сўнг сўзларнинг биринчи бўғинида келади: *тоғай (тўқай), тоңкөз (тажрибасиз,* кўзи очилмаган маъносида), *қоңғыз (қўнғиз), ботана (лойқа), толғанай (Тўлғоной* — исм);

2) русча ва интернационал ўзлашган сўзларда қисман ишлатилади: *қотыр (хутор), тилипон (телефон), тиливизор (телевизор);*

3) [*о*] унлисининг кучсиз лабсизланиши ва [*а*] га ўтиши фақат: *йўқ>йуқ>джо>джо>жа:жа:* сўзи таркибида кузатилади. Бу ҳодиса қисман ўрта Хоразм шеваларида мавжуд[20].

Қуйи кўтарилиш унлилари

[ɔ] фонемаси (ад. орф. о) орқа қатор лабланган унли. Бу фонема ўзбек шеваларида тарқалишига кўра ҳар хил. Биз текширган шеваларнинг бир қисмида [ɔ] унлиси мустақил фонема даражасига қараб ривожланаётган товуш сифатида кузатилади.

Ж-ловчи (1) группа шеваларда нисбатан кенг тарқалган, кўп ҳолларда сўзнинг биринчи бўғинида келади. Мас., *чɔч (соч), бɔш (бош), қɔшық (қошиқ), ɔш (ош), шɔш (шош);* 2) группа шеваларда *чəч (соч), шəш (шош),* лекин бошқа ўринларда [ɔ] унлиси биринчи группадаги шеваларга ўхшаш; [ɔ~ə] ҳодисаси (1) группа шеваларда саноқли сўзлардагина юз беради.

Қорлуқ группа *й*-ловчи шеваларда ва «икки тилда» сўзлашувчи шеваларда [ɔ] унлиси сўзнинг барча бўғинларида кела олади. Мас., йл. *сəмɔн* «ик. т». *самюн,* йл. *ɔмəн* «ик. т». *амɔн,* йл. *қɔвəқ* «ик. т». *қавɔқ*. Солиштириш: ққш. *амəн, самɔн*. Бух. *амɔн, сɔмɔн*[21].

[ɔ] унлиси Хоним, Газарак, Хўжанқа қишлоқлари

---

[19] Поливанов Е. Д. Материалы по грамматике узбекского языка. Ташкент, 1935, с. 30.

[20] Решетов В. В., Шоабдураҳмонов Ш. Кўрсатилган асар, 72-бет.

[21] *Қаранг:* Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари, 31-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шевасида [*ӯ*] га ўтади. Мас., *ӯтә* (ота), *ӯнә* (она), *нӯн (нон)*, лекин [ɔ>*ӯ*] ҳодисаси мазкур территориядаги бошқа қорлуқ тип шеваларига хос эмас. [ɔ] товушининг [ө] ёки [*ӯ*] га (сўзларнинг биринчи бўғинида) ўтиш ҳодисаси бошқа ўзбек шеваларида ҳам мавжудлиги профессор А. Шерматов томонидан кўрсатиб ўтилган[22].

Кўринадики, мазкур территориядаги *й*-ловчи ва «икки тилда» сўзлашувчи шевалар [ɔ] лашиш жиҳатидан Самарқанд-Бухоро ва Қуйи Қашқадарёдаги олти унлили шеваларга яқинлашади.

[ɔ] унлиси *ж*-ловчи шеваларда бир бўғинли сўзларнинг бош, ўрта ва охирида *ɔй (ой), сɔй (сой)* тарзида талаффуз этилса, бир хил сўзларнинг биринчи бўғинидаги адабий орфографик [*о*] шевада [*ә*] лашиши мумкин. Мас., *кәсә (коса), тәк (ток), чәк (чок), кән (кон), әйнәк (ойнак — кӯз ойнак)*.

Академик В. В. Решетов, Ш. Шоабдураҳмоновларнинг кўрсатишича[23], [ɔ] унлиси *ж*-ловчи шеваларда, қозоқ-найман ва қурама шеваларининг баъзиларида мустақил фонема, бошқа *ж*-ловчи шеваларда эса [*а*] фонемасининг варианти сифатида учрайди. Айрим олимларнинг кўрсатишига[24], ўзбек тилининг кўпчилик *ж*-ловчи шеваларида [ɔ] фонема даражасига кўтарилмаган, балки орқа қатор, кенг лабланмаган [*а*] унлисининг позицион вариантидир. Филология фанлари кандидати Т. З. Мирсоатов Қирқ шевасида [ɔ] кўп ҳолда [*а*] нинг дублети, деб ёзади[25]. Шеробод район «жўқчилар» шевасида мустақил фонема эканлигини филология фанлари кандидати А. Маматқулов ўз диссертациясида кўрсатиб ўтган[26].

[ɔ] товушининг пайдо бўлиши ҳақидаги назарияларга эътибор қилсак, масала яна ҳам ойдинлашади. Профессор Н. К. Дмитриев [ɔ] товушининг пайдо бўлишини [*а*] товушининг чуқур тил орқа [*қ*] ундоши ёнида талаффуз қилиниши билан боғлайди[27].

---

[22] *Қаранг:* Шерматов А. Қуйи Қашқадарёдаги ўзбек шевалари, 11-бет.

[23] Бу ҳақда *қаранг:* Решетов В. В., Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек диалектологияси, 78-бет.

[24] Абдуллаев Ф. К вопросу об оканье в узбекском языке. ЎзДМ... 1, с. 267; Данияров Х. Бахмальский говор узбекского языка. АКД, М., 1955.

[25] Мирсоатов Т. З. Ўзбек тилининг қирқ шеваси. ЎзДМ. Тошкент, 1, 1957, 232-бет.

[26] Маматқулов А. Джекающий говор Ширабадского района, АКД, Ташкент, 1960.

[27] *Қаранг:* Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка. М.— Л., 1948, с. 7—8.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек тилидаги [ɔ] нинг пайдо бўлишини профессор Е. Д. Поливанов ташқи таъсир (эроний), биринчи навбатда тожик тилининг таъсирида рўй берган, аслида ўзбек тилида бўлмаган, балки тожик тилидаги соф *«о»* (ɔ) товушининг таъсири билан турк тилларидаги *(а)* унлиси дифференциация қилинган, натижада ўзбек тилида «о» тил олди (*а*) ва (ɔ) яъни (а→ә→ɔ) вужудга келган, деган назарияни илгари суради[28].

Профессор А. К. Боровков ва академик В. В. Решетовлар томонидан илгари сурилган иккинчи назария бўйича ɔ-лашиш ҳодисаси дастлаб ўзбек тилининг ички тараққиёт қонуни натижасида позицион йўл билан пайдо бўлган.

Профессор А. К. Боровков: «Ўзбек тилига келганимизда шуни айтиш керакки, «о» (транскрипцияда) [ɔ] нинг тараққиёти учун тилнинг ички тараққиёт қонунларига мувофиқ шароит мавжуд. Ҳар қандай ҳолда «о» унлисининг тараққиёти лаб-лаб *«в»* ҳамда ўзбек тилининг Тошкент шеваси учун характерли бўлган чуқур тил орқа [қ, ғ] товушларининг таъсири билан боғлиқдир»[29]— деб ёзган эди. Академик В. В. Решетов бу унли ҳақида шундай ёзади: «Мазкур фонема» «дж» ловчи шеваларнинг *«о»*-ловчи группасида ва баъзи бир *«й»* ловчи шеваларда қўлланади. [ɔ] фонемаси «ж» ловчи шеваларнинг *«а»*-ловчи группасида ва «ж» ловчи шеваларда лаб-лаб (*в*) товуши билан ёнма-ён келганда *«а»* нинг комбинатор варианти сифатида пайдо бўлади[30].

Академик В. В. Решетов кейинги бир ишида: «Умумтурк орқа қатор *«а»* нинг ўрнида [ɔ] фонемасининг пайдо бўлиши, шартли равишда унинг позицияси билан изоҳланади. Мазкур фонема дастлаб позицион характердаги ҳодиса сифатида пайдо бўлиб, тилда кенг тарқалганлиги ва мустаҳкамланганлиги, эҳтимол ташқи факторнинг иштироки билан бўлса керак»[31] ва яна «қадимги вақтларда *ав, йав, давул, қирав, бала, чироқ* каби сўзлар [*а*] билан талаффуз этилган бўлса, кейинчалик

---

[28] *Қаранг:* Поливанов Е. Д. Узбекская диалектология, с. 11; Материалы по грамматике узбекского языка. Вып. 1. Ташкент, 1935, с. 35.

[29] Боровков А. К. По поводу «иранизации» узбекского языка. ЎзССР ФА ах-ти. Ташкент, 1955, 8-сон, 85-бет.

[30] Решетов В. В. Кураминские говоры Ташкентской области, с. 256—257.

[31] Ўша автор. К вопросу об изучении узбекских народных говоров. Юбилейный сборник посвященный 25-летию УзССР. Ташкент, 1950, с. 492—493.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«о» билан талаффуз қилина бошлади. Шундай қилиб, *«э»* лашиш ҳодисаси, даставвал факультатив ва позицион тарзда пайдо бўлди, кейин эса тожик тилининг таъсирида мустаҳкамланиб олди»[32],— деб ёзган эди.

Академик Ш. Шоабдураҳмонов «э» лашиш ўзбек тили материаллари заминида, унинг фонетик ривожланиш қонунлари асосида пайдо бўлган, буни туркий тилларга ҳеч қандай ташқи таъсирсиз — э лашишнинг пайдо бўлаётгани ҳам тасдиқлайди[33],— деган фикрни илгари суради.

Ўзбек шеваларида э-лашиш ҳодисаси икки хил йўсинда юзага келганлиги кўрсатилади:

1. Лаб-лаб [в] товуши таъсирида: Тошк. *бэрсəмъз→бэрсəвуз→бəрсэузə→бəрсəуз*[34], бу фактларнинг тўғрилигини исботлаш учун қуйидаги мисолларни келтириш кифоя. Мас.: *белбэв>белбəв>белбэғ (белбоғ), қырэв (қиров), тумэ:>тумэв>тумэғ (тумоғ), охлэв>оқлэғ (ўқлоғ).*

2. Чуқур тил орқа [*қ, х, ғ*] товушлари таъсирида: Тошк. *тəрə — тəрэг*[35], текширилган шеваларда жл. *ғорəв* ~ йл. *ғарэв,* жл. *жэқын* ~ йл. *йэқън (яқин),* жл. *хэрам (ҳаром), хэмир (хамир).*

Профессор А. Рустамов «э» фонемаси XV аср адабий тилида тожик тилидан ўтган сўзлар туфайли пайдо бўлди, бу даврда баъзи туркий сўзлардаги «а»нинг «э» га томон силжий бошлаганини кўрамиз[36], деган фикрни айтади.

Профессор М. Мирзаевнинг фикрича[37], тил орқа, кенг унли [э] туркий тилларда бўлмаган, у тил тараққиётининг кейинги босқичларида айрим туркий тиллар, шунингдек, ўзбек тилида ҳам пайдо бўлган, лекин [э]-нинг ўзлаша боришида тожик тилининг маълум даражада иштироки бор. Мазкур территориядаги шеваларда [э] товушининг юзага келиши, тарқалиши юқорида айтиб ўтилган назарияларнинг тўғрилигини кўрсатади.

Товушларнинг мустақил фонема ёки унинг варианти

---

[32] Уша автор. Состояние и задачи узбекской диалектологии.— В сб.: Вопросы узбекского языкознания. Ташкент, 1954, с. 130.

[33] Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 59-бет.

[34] Ўша асар, 59—60-бетлар.

[35] Ўша асар, 60-бет.

[36] Алибек. XV аср ўзбек адабий тилининг вокализми. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1962, 6-сон, 67-бет.

[37] Мирзаев М. Бухоро шеваларида «о» лашиш масаласи. «Ўзбек тили ва адабиёти», 6-сон, 1962, 41—42-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эканлиги, баъзан икки томондан ажратишни тақозо этади.

Биринчидан, айрим товушлар мустақил, бошқа товушларга боғлиқ бўлмаган ҳолда сўзларнинг товуш қобиғини фарқлайди. Бундай фарқлаш, семантик маъноси турлича бўлган сўзларни фарқлашдир. Мас., *қэра (белги), қара (ҳаракат), бэс —(босмоқ), бас (тамом), сэп (даста), сап (тоза), кэр (таъсир), кәр (кар).*

Иккинчидан, айрим товушлар мустақил фонема бўлмасдан, ўша товушнинг варианти бўлиб келади.

Бундай ҳолатда улар сўзнинг товуш қобиғини ҳам, семантик маъносини ҳам фарқламайди. Мас., *тара//тэра (тарамоқ* феълидан), *талақ* тэлақ (мол* талоғи), *қат// қэт (қават).*

Шу қонуниятларга кўра [э] товуши мазкур территориядаги *ж*-ловчи шеваларда турғун эмас. Шу хусусияти жиҳатидан Тошкент, Фарғона диалектларидаги [э] дан фарқланади. Бу шеваларда э-лашишнинг тарқалиши *ж*-ловчи найман, қурама* шеваларига бирмунча мос келади.

Мас: жл. қоз. *эт*~қурама. *эт*~Сурх. *эт;* қоз — *най. хэмър*~қурама. *хэмър*~Сурх. *хэмър*; қоз. *най. нэн*~ қурама. *нэн*~Сурх. *нэн.*

Хуллас, қипчоқ тип маҳаллий шеваларида [э] унлиси позицион йўл билан пайдо бўлган, территория жиҳатидан яқин қорлуқ лаҳжасига хос шевалар, биринчи навбатда, ўзбек адабий тили ҳамда тожик тилининг таъсири билан ўзлашиш процесси давом этаётган товушдир.

[*а*] — орқа қатор, қуйи кенг, лабланмаган, умумтуркий унли бўлиб, барча ўзбек шеваларида статик фонема ҳисобланади. Бу унли мазкур шеваларда сўзнинг барча бўғинларида турғунлик ҳолатини деярли сақлайди, адабий тилдаги [*а*] га нисбатан қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа қипчоқ типидаги тилларда бўлган [*а*] га яқин талаффуз қилинади.

Солиштиринг[38]:

Сурхондарё *ж*-ловчи шеваларда	Сурхондарё *й*-ловчи шеваларда	ққ. ўзб. джл.	қорақалпоқ	қозоқ	ўз. ад. тилида
авыз	*эғиз*	*авыз*	*ауыз*	*ауыз*	*оғиз*
авыр	*эғир*	*авыр*	*ауыр*	*ауыр*	*оғир*
сав	*сэғ*	*сау*	*сау*	*сау*	*соғ*

* Шоабдураҳмонов Ш. Ўша асар, 58-бет.

[38] Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари, 13-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

аврув	*эғрьғ*	*аврув*	*аврув*	*ауру*	*оғриқ*
ашығынч	*шэшъ-льнч*	*ашығыч*	*асыгыс*	*асыгыс*	*шошилинч*
жҷуван / *жи-ван,*	*жҷавоп*	*жҷавап*	*жууап*	*жауап*	*жавоб*

[*а*] унлиси айрим позицияларда [*қ, ғ, н*] каби ундошлар билан ёндош келганда адабий тилдаги (*э*) унлисига яқин талаффуз этилади. Мас., *аған (олган), авған (афғон), қаған (қолган), намайыш (намойиш), намашэм (намози шом)* ва бошқалар. Бу фонеманинг [*а*°] типидаги фонетик варианти ҳам мавжуд[39].

Аммо қорлуқ тип ва «икки тилли» шеваларда [*а*] орқа қатор вариант бўлмай, балки олд қатор [ә] билан орқа қатор [*а*] товушларига нисбатан оралиқ товуш тарзида талаффуз этилади [э х а=а]дир. Қиёс: йл: *Ғайбулла,* «ик. т». *Ғайбуллэ,* йл. «ик. т». *Ъззатъллэ;* Қиёс.: Бух. *Абдуллэ*[40].

Тил орқа [*а*] фонемаси нисбатан қипчоқ группа шеваларида кўпроқ учрайди. [*ә*] кенг, олдинги қатор, лабланмаган, талаффуз жиҳатидан позицион ҳолатда [*а*] унлисидан кенг очиқ [э] томон силжиган товушдир. Бу товуш қипчоқ группа (Сурхондарёдаги) шеваларда қорлуқ тип шеваларга нисбатан кенг тарқалган товушдир.

[*ә*] унлиси (ад. орф. а). Бу унли тил орқа [*а*] нинг позицион варианти сифатида сингармонизм қонуниятига кўра юмшоқ ундошлар билан сўзнинг ҳар қандай бўғинида кела олади. Мас., *ийәр (эгар), әкә (ака), укә (ука), бәйчә (бойвучча), дәри (дори), идәрә* (идора), *кәлит (калит);*

Тошкент типидаги шеваларга нисбатан ва Наманган группа шеваларига қараганда текширилган шеваларда [*а* (>э] ва [а (>ә] ҳодисаси кам учрайди[41].

Шуниси борки, *й*-ловчи шевалардан айримларида (Лайлагон қишлоғи) шевасида нисбатан (ә) унлиси кўпроқ ишлатилади. Мас., жл. *чач* ~ *чәч (соч),* жл. *ша'ш*[6]/*шәш (шош),* жл. *ча'й* ~ *чәй (чой)* каби.

Мазкур шеваларнинг (1) ва (2) группасида (*ә*) унлиси лаб-лаб [*в*] товуши олдида келганда спорадик равишда лаблашади. Мас., *ләвләги (лавлаги), әввәлләси (аввало), дәврә (даврә), Сәвръ (Сарви).*

---

[39] Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари, 12-бет.

[40] Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари, 25-бет.

[41] Решетов В. В., Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек диалектологияси, 75—76-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда (*а*>*ә*) бўлади. Мас., *әптикә (аптека), әптәбус (автобус), әрәң (зўрга), әрмийә (армия), әсәл(асал), әләк (алак).*

Унлиларнинг фонетик ўзгаришлари

Шева вакилларининг оғзаки сўзлашув нутқида сўз ва сўз формалари таркибидаги унли товушлар турли комбинатор-позицион ўзгаришларга учрайди.

Бу фонетик ўзгаришлар қуйидаги кўринишларга эга:

ә>*е* — жл. *себәт*>йл. *севәт*, жл. *тен*, йл. *кәлтәкәләс*>жл. *кесэртки*>*кәсәртки*, жл. йл. *мечит*>*мечьт*// ад. орф. *сават, тан, калтакесак, мачит.*

и>*е* — жл. *ҳисап*>*хесап*>йл. *ҳесав*>*хесэп*, жл. *ҳәмшә*>*хемшә*>йл. *ҳәмешә*, жл. *йэкки*>йл. *еккъ*, йл. *ейвэш, елтъмэс*, жл. *теңҳэ*, жл. *ирс*>*ерс*>йл. *ерс, ревэж* ад. орф. *ҳисоб, ҳамиша, икки, ийбаш (саришта), илтимос, тийин, ҳирс, ривож.*

е>*у* — жл. *дывана*>*дувәнә*>йл. *дувэнә, дувал*>*дивэл*//ад. орф. *девона, девор.*

и>*ә* — жл. *кеппә, гәртәк*//ад. орф. *келибдими, қиттак.*

э>*ә* — жл. *әчкәмәр, кәмә, әгәт. мәвә*//ад. орф. *эчкиэмар, кема, эгат, мева.*

у>*ы* жл. *мырат, мысапыр, мырдар, быйыл*//ад. орф. *мурод, мусофир, мурдор, бу йил.*

о>*ө* — йл. *өнэ, өтә, нөн, дөрбөзә, бөдрьң*//ад. орф. *она, ота, нон, дарвоза, бодринг.*

э>*и* — жл. *иргәш, ийин, ийәрт*, ад. орф. *эргаш, эгин, эргаштир.*

и>*у* — жл. *мүҳүм мүмкүн, тэвүп, тэвүр*//ад. орф. *муҳим, мумкин, табиб, тавир (қизиқ ҳолатда).*

у>*о* — жл. *во*>*вол, шо*>*шол*//ад. орф. у, шу.

е>*ө* — жл. *бодэнә, төбә, төвэрэк*//ад. орф. *бөдана, тепа, тўгарак.*

и>*у* — жл. *дымақ*>йл. *думағ, чыбын*>йл, *чъвун*// ад. орф. *димоқ, чивин.*

е>*ә* — йл. *озвәй*>*озвәк*, жл. *кәксә, кәрәсин*//ад. орф. *ўзбек, кекса, керосин.*

е>*й*>*ъ* — *пәкит, тъгърмэн* — жл. *тийирмэн, мъхмэн*//*мъхрьбэн.*//ад. орф. *пакет, тегирмон, меҳмон, меҳрибон.*

Редукция. Текширилган шеваларда юқори тор [*и, ы, ъ*] унлиларнинг бошқа унлиларга нисбатан кўпроқ қисқа талаффуз этилиши учрайди.

Бу ҳодиса кўпроқ *т, п, қ, к, б, д* ундошларидан сўнг келганда юз беради: *Тълəв, тъл, пирмәт, къләә, қыр*//ад. орф. *Тилов, тил, Пирмат, кило, қир.*

Баъзи ҳоларда бу унлилар тўлиқ редукцияга учрайди: *Хәтчә — Хатича, турләй таланды — тириклай таланди.* Бундаги редукция урғунинг охирги бўғинга кўчиши билан алоқадор[42].

Протеза. Бу ҳодиса сўз бошида битта унлининг орттирилиши ҳисобланади. Оғзаки нутқда юзага келадиган протеза ҳодисаси кўпчилик ўзбек шеваларига хос. Сўз бошида унлининг орттирилиши, асосан икки хил кўринишга эга:

1) тожик, араб тилларидан ўзлашган ва [*р*] ундоши билан бошланадиган сўзларда [*ы, о*] унлилари орттирилади: *ыразы, ырысқы, ырас, оромал, ораза*//ад. орф. *рози, ризқ, рост, рўмол, рўза;*

2) ўзлашган русча-интернационал ва кўпроқ [*с, ш*] каби сирғалувчи ундошлардан олдин [*и, ъ, у, ү*] унлилари орттирилади: *штраф>иштарап, справка>испәрәкхат>испәрәвкә, станция>истәнчә>истәнсә, стул>үстүл, стол>үстол.*

Эпентеза. Бу ҳодиса икки ундош қатор келганда улар орасида битта унли орттирилади ва *сү+сү+сүс— кәрәвәт, сү+сүс — фикир, сү+сүс — зулим, ҳукум* типидаги бўғин ҳосил қилади.

Бундай пайтда икки ундош орасида [*ә, у, и*] унлилари орттирилади. Бу ҳодиса фақат ўзлашган саноқли сўзлардагина учрайди.

Эпитеза. Оғзаки нутқнинг хусусиятларидан бири шундаки, бошқа тиллардан ўзлашган сўзларни ўзининг талаффузидаги фонетик қонуниятларига мослаштиради. Сўз охирида келган икки ундошдан сўнг [*ә*] товушининг орттирилиши фақат рус тилидан ўзлашган сўзларда қўлланади: *банк — бәнқэ, танк — тэңкә, газет — гәзитә, киоск — кийәскә.*

Синерезис. Бу ҳодиса сўз ўртасида бир жойда келган икки унлидан бирининг нутқда тушиб қолишидир. Бундай пайтда тушиб қолган унли ўрнида иккиламчи чўзиқлик юз бериши ҳам мумкин. Синерезис ҳодисаси ўзлашган тожикча-арабча сўзларда кўп учрайди: *шариат — шара:т, қироат — қира:т, Шафоат — шапа:т.*

Унлилар оҳангдошлиги

Сурхондарёдаги қипчоқ лаҳжасига хос *ж*-ловчи ўзбек шевалари ўзида унлилар оҳангдошлиги (гармонияси)нинг мавжудлиги билан ўзбек адабий тилидан фарқ

[42] Бу ҳақда *қаранг:* Даниярова Х. Опыт изучения... с. 119.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилади. Бу ҳодисанинг шеваларда учраши икки хил: 1) танглай оҳангдошлиги (гармонияси); 2) лаб оҳангдошлиги (гармонияси). Танглай оҳангдошлиги сўз бўғинларидаги унлиларнинг тил орқа, тил олди ёки қаттиқ ва юмшоқлигига боғлиқ. Агар сўзнинг биринчи бўғинида тил орқа унли келса, қолган бўғинларидаги унлилар тил орқа бўлади: *қылық, былақ, тойға*//ад. орф. *қилиқ, булоқ, тўйга*; олдинги бўғинда тил олди унли бўлса, қолган бўғинлардаги унлилар ҳам олдинги қатор унли тарзида талаффуз этилади: *дәкә, әкәмә, үйимә, килә*//ад. орф. *дока, акамга, уйимга, кило*. Унлиларнинг бундай мослашиши ундошларга ҳам таъсир қилади.

Лаб оҳангдошлиги (гармонияси) қонуниятига кўра олдинги бўғинда лабланган [*у, ү, о, ө*] унлилардан бири келса, иккинчи ва учинчи бўғинлардаги [*и, ы*] унлиларини ҳам ўзига мослаштириб лаблантиради: *көлүк, көрүк, толуқ, сувлуқ*//ад. орф. *кўлик, кўрик, тўлиқ, сувлиқ*.

Унлилар оҳангдошлиги бу ердаги шеваларда бир хил эмас, (1) группа шеваларда бу ҳодиса нисбатан кўпроқдир.

Унлиларнинг чўзилиши

Ўзбек халқ шевалари вокализмида унлиларнинг миқдор жиҳатдан чўзиқ ва қисқа бўлиш ҳолати кузатилади. Маълумки, ҳозирги ўзбек адабий тили ва ўзбек шеваларининг кўпчилигида этимологик жиҳатдан бирламчи чўзиқ (первоначальный) унлилар йўқ. Кузатишлардан кўринадики, жонли сўзлашув нутқида маълум фонетик шароитда вужудга келадиган сўзда семантик маъно фарқловчи функцияга эга бўлмаган иккиламчи чўзиқ (заместительную)[43] унлилар мавжуд. Туркий тиллар ва ўзбек тилининг кўпгина шеваларида иккиламчи чўзиқлик ҳодисаларининг борлиги олимлар томонидан кўрсатилган[44].

Мазкур шеваларда унлиларнинг иккинчи даражали чўзилиши, асосан, икки ҳолатда юз беради.

1) ёндош ундошнинг тушиши натижасида:

а) (ҳ) ундошнинг тушиши ҳисобига юзага келадиган иккиламчи чўзиқлик ҳар иккала группа шеваларга ҳам хосдир. Масалан: *мәслә:т (маслаҳат); хә:иш//қа:иш//хәъш; бә:әр (баҳор); тө:мәт//тохмат (туҳмат); э:*

---

[43] Дмитриев Н. Вторичные долготы тюркских языков. Исс. ГТЯ, I, Фонетика. М., 1955, с. 193—203.

[44] Рясянен М. Материалы по исторической фонетике тюркских языков. М., 1955, с. 38.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тийэти шэрт (эҳтиётлик шарт); сэ:р сэ:эр>са:ар (саҳар), Му:ддин (Муҳиддин): съйо: (сиёҳ);

б) *(в), (п, б)* ундошларининг тушиши ҳисобида: Мас., *туру://туруь (турув);* жл. *сүрү//сүрү: (сурук); су:уқ//су:қ (совуқ); қа:ун* (қовун); *су:п//су:уп (совиб); тэ:уп//тауп (топиб);* жл. *жу: эп//жувэп (жавоб);*

2) икки сўз формасининг тортилиши натижасида: Мас., жл. *сэтивэ: (сотиб ол); кепқа: (келиб қол), апту-ры: (олиб турибди);*

3) унлиларнинг чўзилиши араб, форс-тожикчадан ўзлашган сўзларда «айн» ва «ҳамза»нинг тушиши натижасида ҳам юз беради. Мас., *кэ:сири тиймэсин (таъсири тегмасин); тэ:миннэп турупты (таъминлаб турибди), тэ:зим қы: (таъзим қил), пе:ли йэхши* (феъли яхши).

Шуни айтиш керакки, *й*-ловчи шеваларнинг айримларида ва эски саводхон кишилар нутқида ад. орф. «ъ» ўрнида (ғ) ва (қ) ундошини ишлатиш ҳолати кузатилади. Мас., *лағнат, Неғмат, тәкбир* каби.

Ундошлар системаси

2) **Консонантизм.** Сурхондарёдаги ўзбек шеваларида асосий ундош товушлар қуйидагича: *б, г, д, ж, жҗ, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ч, ш, қ, ғ, ҳ, нг.* Булардан икки ундош *жҗ, ф* бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда ишлатилади. Мазкур территориядаги қипчоқ группа шевалар ўзбек тилининг сингармонизмли шеваларидан бири бўлганлиги учун унлилар гармонияси (оҳангдошлиги) билан бирга унлиларга боғлиқ бўлган ҳолда ундошлар гармонияси ҳам мавжуд.

Ундошлардаги оҳангдошлик унлилардаги оҳангдошликка бўйсунади[45]. Сингармонизм қонунига кўра, негиздаги ундошлар ўзакдаги ундошларга бўйсунади. Бундай ҳолат ўзакдаги юмшоқ ёки қаттиқ унлиларга боғлиқ[46]. Мас., *кегэн экэм (келган акам), мэслэ:тлэш (маслаҳатлаш), көзъңнэн (кўзингдан), балаға (болага), Уосаға (бўлмаса), алайық (олайлик)* кабилар.

Текширилаётган шеваларнинг ундош товушлари умумхалқ ўзбек тилининг бошқа «ж»ловчи шеваларига

---

[45] Богородцкий В. А. Этюды по татарскому и тюркскому языкознанию. Казань, 1933, с. 54.

[46] Бу масала кўпгина олимларнинг асарларида таърифланган, *қаранг:* Решетов В. В. Узбекский язык, с. 295; Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси. Тошкент, 1967, 98—99-бетлар; Дониёров Х. Ўзбек тилидаги сингармонизм ҳақида (ЎзДУ асарлари). Янги серия, 1959, 37—44-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўхшаса ҳам, бироқ шеваларaро айрим ўзига хос хусусиятларга эгадир. Мазкур шевада чуқур тил орқа [*х*] *қ* ва бўғиз [*ҳ*] ундошлари мустақил фонема сифатида бир-биридан фарқ қилади. Мас., *ҳэл (аҳвол), хэл (родинка), хил (тур), ҳил (далда), ҳэйәллә (кечик), хэйәллә (хаёл сур); хурма (идиш), ҳурмә (ҳурма).*

Бу фонема Т. З. Мирсоатовнинг[47] фикрича, *ж*-ловчи Қирқ шеваларида мустақил фонема даражасига кўтарилмаган чуқур тил орқа (*қ*)нинг позицион вариантидир.

Ф. Абдуллаевнинг ёзишича[48], *ж*-ловчи шеваларда [*х*] ва [*қ*] товушлари турли позицияларда келади. Мазкур территориядаги *й*-ловчи шеваларда [*х*] фонемасининг кучсиз артикуляция қилиниши ва турғун эмаслиги жиҳатидан Шаҳрисабз шевасига[49] анча яқиндир. Сурхондарёдаги *ж*-ловчи шевалар эса [*ҳ*] [*х*—*қ*] ундошларининг ишлатилишига кўра Тошкент типидаги етакчи шевалардан фарқ қилади. Сурхондарё ўзбек шеваларида мавжуд бўлган ундош товушларни ўзбек адабий тили ва бошқа ўзбек шеваларига қиёслаган ҳолда қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Лаб ундошлари: *п, б, (ф′), ф, м, в (в′)*
2. Тил ундошлари:
 а) тил олди: *т, д, с, з, ч, (жҫ) ш, ж, л//л*[1]*, р;*
 б) тил ўрта: *й;*

в) тил орқа: *қ (к) (х), ғ (г), (ғ′), нг (нг*[1]*)* «икки тилда» сўзлашувчи шеваларда *н*ᵍ, *н*ᵏ.

Бўғиз: *ҳ* «икки тилда» сўзлашувчи шеваларда арабча сўзларда *айн* (ع), *ҳамза* (ء) ўрнида ишлатилади.

Лаб ундошлари: [*п*], [*б*], [*ф*], [*в*], [*м*].

[*п*] — лаб-лаб, портловчи жарангсиз ундош бўлиб, сўзнинг ҳамма бўғинларида келади. жл. *пэйтэба*∼йл. *пәйтэвә (пайтава);* жл. *пидинә*∼*йл. пудънә (пудина); прэръ (кўчманчи)*; сўз ўртасида: йл. *чэрпэйә (чорпоя); шәппәт (шапалоқ);* сўз охирида: *кәмгәп (камгап); исрэп (исроф); тепәтеп (тепа-теп)* каби.

[*п*] фонемаси қорлуқ тип шеваларида сўз бошида жаранглашишади: *бъчэғ*∼қиёс: жл. *пичақ; бът*∼жл. *пит: бътгᵏәз*∼жл. *питказ; бъч*∼жл. *пыч; буччә*∼жл. *пичча.* Мазкур территориядаги ҳар икки группага хос

---

[47] Мирсоатов Т. З. Ўзбек тилининг қирқ шеваси. ЎзДМ. I, Тошкент, 1957, 237-бет.

[48] Абдуллаев Ф. Кыпчакский говор узбекского языка. АКД, Ташкент, 1957, с. 13.

[49] Джураев Б. Шахрисябзский говор узбекского языка. Ташкент, 1964, с. 57.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шеваларда сўз ўртасида [*п*] ундоши тил олди [*д*] ва лаб товуши — [*б*] нинг таъсири билан регрессив ассимиляция натижасида [*б*] талаффуз этилади. Мас., *гәбдән (нотиқ); чәбдәс (чаққон); сәб болдъ (тамом бўлди); сәбдәш (сафдош)*.

Қипчоқ группа шеваларида [*п*] ундоши интервокал ҳолатда айрим сўзлар охирида [*м*] ва [*б*] оралиғидаги ярим жарангли товушга айланади; жл. *себәди>сепәди~йл. сепәдъ (сепади)*; жл. *тамға чығып (б) түш (томга чиқиб туш); гәбни гәбкә қош* (гапни гапга қўш); *чап>чаб>чабы* каби.

п>б ҳолати кўпроқ сўз ўртасида юз берадиган ҳолатдир. [*п*] ундоши ушбу шеваларда жаранглашиб интервокал ва Sandhi ҳолатда [*в*] га ўтади: *чивар (чипор); жәвип (ёпиб); п>в* ҳодисаси сўз бошида учрамайди, асосан сўз ўртасида ва икки сўз формасининг қўшилишидан ҳосил бўлган феълнинг биринчи компоненти охирида юз беради: *та:валдым (топиб олдим)*; [*п*] товушининг портлаш хусусиятини йўқотиши, яъни *п>б* ва *п>в* га ўтиш ҳодисаси — *ж*-ловчи шеваларга хос эканлиги акад. Ш. Шоабдураҳмонов томонидан кўрсатилган[50]. Аммо *п>в* ҳодисаси қорлуқ тип шеваларида ҳам интервокал ҳолатда учрайди. Мас., *көвәймә (кўпайма)*, қиёс: *шсбз., ковйәхши*[51], [*п*] ундошининг жаранглашиши умумхалқ ўзбек тилининг *й*-ловчи ва *ж*-ловчи шеваларида ва айрим туркий тилларда ҳам учрайди.

Мазкур шеваларда адабий тилдаги [*ф*] ундоши ўрнида системали равишда [*п*] талаффуз қилинади. Мас., *пәктър (фактор)*; *пирсәт (фурсат); Патма (Фотима); ачапат (очофат); сапар (сафар); мәръп (маориф); сәдәп (садаф); пикир (фикр); парқъ (фарқи); пермә (ферма)*. Икки тилда сўзлашувчи шевалар бундан мустаснодир.

[*б*]-лаб-лаб, жарангли ундош товуш бўлиб, хусусиятига кўра *ж*-ловчи шеваларда акустик жиҳатидан бирмунча жарангсизлашган [*б*] ва [*п*] оралиғидаги товуш сифатида талаффуз этилса ҳам, *й*-ловчи қорлуқ группа шеваларда [*б*] портловчи сирғалувчи товушлар ўртасида тебраниб, оралиқ ҳолатда бўлган товуш билан деярлик бир хил талаффуз этилади. Натижада бу хусусият [*в<б<п*] қатор вариантларнинг келиб чиқиши-

---

[50] Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 94-бет.

[51] Джураев Б. Шахрисябский говор узбекского языка, с. 43.

www.ziyouz.com kutubxonasi

га сабабчи бўлган. Бу товуш сўз бошида, сўз ўртасида урғули ва жарангли сонор ундошлар олдида жарангдор эшитилади. Мас., *борвай, бэғбэн, эбътъ, тэмбэш,* жл. *жэмбэш, бәрк* каби.

Шуниси ҳам борки, айрим сўзлар бошида *ж*-ловчи шеваларда [*б*>*п*] га ўтса ҳам, *й*-ловчи қорлуқ группа шеваларида [*б*] ундоши ўз ҳолатини сақлайди. Мас., жл. *пычақ*~*бычәқ;* жл. *пыча*~йл. *бучә* ва бошқалар.

Жарангсиз товуш олдидан ва сўзнинг охирида [*б*] товуши [*п*] каби талаффуз этилади. Мас., *мәктәп, тәләп, къτәп, шъτәп (мактаб, талаб, китоб, штаб);* б>п ҳодисаси бу шеваларда *сандҳи* ҳолатда ҳам учрайди.

Шеваларда интервокал ҳолатда [*б*] нинг спирантизацияга учраши, яъни *б*<*в* ҳолати кузатилади. Бу ҳодиса интервокал ҳолатда қипчоқ ва қорлуқ группа шеваларига хос хусусият ҳисобланади. Мас., *сәвър қълсәң ғөрәдән ҳэлвә бъшур* (сабр қилсанг ғўрадан ҳолва пишар); *чөлләрәвэт боллъ* (Чўллар обод бўлди); жл. *тездә әкәңңә хәвәрқы* (акангга тезда хабар қил); *левәк*<*лэвәк (лаби яра); восаңга мен кеттим (бўлмаса мен кетдим), тэ:вэл (топиб ол).*

[*б*] ундоши ўзидан кейин келган сонор товушнинг таъсирида регрессив ассимиляцияга учрайди ва [*м*] га ўтади: *б*<*м* ҳодисаси қипчоқ группа шеваларига хос ҳодиса бўлиб, саноқли сўзларда учрайди. Мас., жл. *мунан жоғары Байсын, қызлар ромалын җайсын, авмин деңңәр җорәләр, ҳәр ким, сүйгәнин асын (терма); мунан кей (бундан кейин); мурын (бурун); муны (буни); мэйрәм куни*[52] *(байрам куни).*

Бу ҳодиса туркий тилларнинг қипчоқ группасида ва қипчоқ тили луғатлари ҳамда ҳозирги замон туркий тилларнинг қипчоқ группаси материалларида кўриниши қайд этилган[53].

Хуллас, *б*<*в* ва *б*<*м* ўзгариши бир қанча ўзбек шеваларида ҳам мавжуд. Қиёс: Тошк. *Джурәвэй*[54], Шсбз. *бэвэ*[55], Бух. *йувәр мунъ*[56].

[*ф*]-лаб-тиш, фрикатив, жарангсиз ундош товуш, бу

---

[52] Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан. Тошкент, 1981, 138-бет.

[53] Ширалиев М. Ш. Озарбайжон тилида қипчоқ элементлари. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1961, 38-бет.

[54] Шоабдураҳмонов Ш. Кўрсатилган асар, 95-бет.

[55] Джураев Б. Шахрисябский говор узбекского языка. Ташкент, 1964, с. 23.

[56] Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари, 34-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

товуш қипчоқ ва қорлуқ группа шеваларида [*п*] тарзида айтилиши қайд қилинди. Лекин «икки тилли» шевада [*ф*] мустақил фонемадир. Мас., *фатъҳа, фъл, ҳафта (фотиҳа), фил, ҳафта.*

[*в*] — сирғалувчи лаб-лаб ундош товушдир. Мазкур шеваларнинг қипчоқ группасида *в* лаб-лаб, қорлуқ группадаги шеваларда лаб-лаб [*в*] ёки унинг индифферент товуш билан алмашиниш хусусияти ҳам бор. Сўзнинг ҳамма ўринларида нормал талаффуз этилади. Мас., *вәр (одат); вә:дә (ваъда); вапэ (вафо); әвәрә (овора)*. Бошқа тиллардан ўзлашган ва фамилияларнинг охирида *в*>*п* ҳодисаси юз беради. Мас., *ҳәптэбус (автобус), әктъп (актив); Йесәнип (Эсанов).*

Ж-ловчи шеваларда, айрим сўзларда *й*-ловчи шеваларда ҳам *в*>*м*, *в*>*й*, *в*>*б* ҳодисаси учрайди. Мас., *сэғъмчъ (соғувчи); қақым (қоқув)*; *сүйүмни (севимли)*; *үйүштъ (увушди); шыбады (сувади).*

[*м*] — лаб, сонор (бурун) товуши. Бу товуш шевада сўзларнинг барча бўғинларида ўз ўрнида кела олади. Сўз бошида: *мә:кәм (маҳкам); мәслә:т (маслаҳат); умбәр* (қурилишга оид сўз); *қътмър* (хасис); *қымылла (қимирла); дәммә (тўсиқ, тўғон); жортма (пилдираб юришга ўрганаётган бола)*; [*м*] ундоши қуйидагича товушларга ўтади: *м*>*б*: жл. *сэбэн (сомон); җапбайди (ёпмайди)*, гарчи [*п*] билан келганда *пм*>*пп* каби прогрессив ассимиляция кучли бўлса ҳам, айрим ҳолларда юқоридаги ҳодиса учраб туради. Яна мисол: *самбоса*>*сэмсә*>*сомса); м*<*н: келәйиннә: (имә) келәймә (келайми); айтайынна*>*айтайынмә (айтайми)*. Бу хилдаги талаффуз этиш Бандихон, Қофрун, Истара шеваларида кўп учрайди. Бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда *м*>*н* ўтиши мумкин: мас., *кәстън (костюм), мүлзән (мулзам);*

Тил олди ундошлари [*т*], [*д*],]*ч*], [*н*], [*җ*], [*с*], [*з*], [*ш*], [*ж*], [*л*].

[*т*] — тил олди, жарангсиз, портловчи товуш бўлиб, сўзнинг ҳамма бўғинларида келади. Мас., жл. *тен (тан); тандър (тандир);* жл. йл. *бътта (битта); эттъ (отни); салэват (саловат)*; шева вакиллари нутқида [*Т*] ундоши қуйидаги товушларга ўтади; *т*~*д*: *доғишмах (тўқнашмоқ); дэвъш (товуш); дүт (тутун); делбә (телба), Дулбой (Тўлбой); доқирлаб (тақирлаб)*. Маълумки, сўз бошида *т*//*д* мослиги, асосан, ўғуз группа шеваларига хосдир[57], лекин қорлуқ, қипчоқ группа ше-

[57] Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

валарида саноқли сўзларда *т~д* ҳодисаси юз беради.

т>ч: чушқирди (аксирди, тушкирди); чоғъшдъ (тўқнашди). Бу ҳодиса кузатилган шеваларда жуда кам учрайди[58].

Тошкент шевасида учрайдиган *т~ш* ҳодисасининг характерли хусусияти, яъни *туш кўрмоқ* бирикмасидан *чуш>чъш* сўзларида [*т*]нинг [*ч*] га ўтишида [*ъ*] ёки [*у*] унлиларининг редукцияга учраши ва қаторасига келган (*тш*) тил олди товуш бирикмаси ($т^{ш}$) шаклида [*ч*] ундошини берган[59], деган академик В. В. Решетов ва Ш. Шоабдураҳмоновларнинг фикрлари жуда тўғри бўлиб, уни бошқа айрим ўзбек шеваларида юз берадиган худди шундай товуш ўзгаришига тадбиқ қилиш мумкин.

т>с: қәйссәң (қайтсанг); тэрссәм (тортсам); кyссәм (кутсам). Шевада сўз охирида [*т*] ундошининг тушиб қолиши бошқа тиллардан қабул қилинган сўзларда учрайди. Мас., *гөш (гўшт)*; *пәс (паст), дарах (дарахт), кәммунис (коммунист)*. Бу ҳодиса ҳатто таянч диалектларда ҳам бор.

[*д*] — тил олди, жарангли портловчи товуш. Бу товуш барча ўзбек шеваларидаги хусусиятларга эга бўлиб, сўз бошида ва аффикслар қўшилганда учрайди. Мас., *дәп (доира); дәңқәнә*~йл. *дәнгэнә (мол сўйиб ўзаро бўлиб олиш); дәмирисқи (ризқ-рўз);* жл. *жолда*~йл. *йолда (йўлда)*. Сўз охирида [*д*] ундоши жарангсизлашиб [*т*] га ўтади. Мас., *өлтирсәйәм мәрт өлтирсин, нэмәртқә ишинг тушмәсин (ўлдирса ҳам мард ўлдирсин, номардга ишинг тушмасин); бәлант Бэйсун тэғларъ, көмкөкэкән бэғларъ* (қўшиқ). Маълумки, қадимги туркий *(д~з~й)* мослигидаги ҳозирги ўзбек тили ва унинг шевалари учун (*й*) мослиги характерлидир. Мас., (*съйър>сидир*). Лекин айрим сўзларда қадимги *(д, з)* сақланганлигини кўрамиз. Мас., *адақ (паст; қуйи)*; *адэ болдъ (тамом бўлди); йолдан азғърдъ (йўлдан айирди, урди); азарғи//адарғи (ўрмакчилик асбоби)*. Қиёс: *азғір* (Длт., 147).

[*с*] — тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундош бўлиб, сўзнинг ҳар қандай бўғинида кела олади. Текширилган

халқ шевалари, 99-бет; Баскаков Н. А. Каракалпакский язык. II. Фонетика и морфология, часть первая, М., 1952, с. 94—95.

[58] *т>д>ч* ҳодисаси Озарбайжон тилининг Жаброил шевасида ва Баку диалектида кенг унлилардан олдин учраши кўрсатилган. *Қаранг:* Ширалиев М. Ш. Озарбайжон тилида қипчоқ элементлари. «Ўзбек тили ва адабиёти», 6-сон, 1961, 37—38-бетлар.

[59] Решетов В. В. Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек диалектологияси, 92-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шеваларда бу товуш қуйидаги товушларга алмашади: *с//ч: чачратқъ (сачратқи); чәч (соч); чопчиди (сапчиди)*; *с//ш: шешәмъ*~йл. *шешембе*~жл. *шешәми (сешанба); шибади>шувәдъ (сувади); шимәк (сумак)*; *шипиртки (супурги); шипир (супур)*; с//*ж; жэвчи (совчи); тс>сс: кессин (кетсин); эссин (отсин)*; жл. *кистә> кисса>*йл. *късто (кисса)*; жл. *аттъ қъчаб әйдәмә (отни қистаб ҳайдама),* бунда *ст>ч*[60].

[з] — тил олди, сирғалувчи, жарангли ундош товуш. Бошқа ўзбек шеваларида учрайдиган [з] фонемасининг [*с*]га ўтиш хусусияти бу шевада ҳам мавжуд. Лекин бу ҳодиса мазкур шеваларда бир хил тарқалмаган. Тўғиз, Оллоб, Даштиғоз каби қишлоқ шеваларида феъл қўшимчасида системали *(с)* ишлатилади. Мас., *қышлахтан келәйәппис (қишлоқдан келяпмиз); арыхтан хәлләп үөтәмис (ариқдан сакраб ўтамиз); сөсләймис (сўзлаймиз)* бошқа шеваларда бундай ҳодиса бошқа сўзлар таркибида учрайди. Мас., *ҳөкъс (ҳокус>ҳўкиз); иэмис (эмиз); уоттъссом (ўттиз сўм); йүс (юз); тоққъссом (тўққиз сўм)* каби.

Қипчоқ группасидаги шеваларда [*з*] фонемаси кучли равишда жарангсизлашади. *Биз* олмоши Кофрун қишлоғи шевасида муттасил *«с»* талаффуз этилади: *бис келдик*; II шахс кўпликда «сиз» олмоши кўплик ёки келишик қўшимчаси билан турланганда *«з»* тушиб қолади. Мас., жл. *силәр>*йл. *сълә>сълөр* — тарзида. [зI қуйидагича ўзгаради. *з<ш: шулик<шулк (зулук)*; йл. *шарандэз — ипак рўмол; з<ч: аччълъқ (озчилик); иччил (изчил); бичче (бизчи); туччи (тузчи); бөччи белбәвгә җалчимас* (бўзчи белбоққа ёлчимас) каби.

Шуни айтиш керакки, [*з*] нинг жарангсизланиб [*с*]-га ўтиш қонунияти қорақалпоқ, нўғой, қирғиз каби туркий тилларда[61] ва бошқа ўзбек шеваларида ҳам мавжуд.

[*ч*] — тил олди, жарангсиз, аффрикат ундош. Талаффузда палаталашган ҳолда *(ш)* га яқин талаффуз этилади. Бу товуш ҳар иккала группадаги шеваларда нормал фонемадир. Мас., жл. *чийқан*~*йл. чърқан (чипқон)*; жл. *чер(қайғу); чалбар (шим); ачу-тэш (химиявий модда).*

---

[60] Қиёс учун қаранг: Қуйи Қашқадарёдаги етти унлили шеваларда *қъчәди*. Шерматов А. Қуйи Қашқадарёдаги ўзбек шевалари, 67-бет.

[61] Баскаков Н. А. Каракалпакский язык. М., ч. I. 1952, с. 95; Ногайский язык и его диалект. М., 1940, с. 67; Абдуллаев А. Қирғиз тилининг чатқал говорү. Фрунзе, 1956, 57-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Спирантизация натижасида [*ч*] ва [*ш*] товушлари ўртасида ноаниқ бир товуш юзага келади. Бу ҳодиса, асосан, [*ч*] ундошининг [*т*, *д*] каби тил олди ундошлари олдидан келганда юз беради. Мас., *иштән кетти (ичдан кетди); жолдан қоштъ* каби.

Шеваларда [*ч*] ундоши бошқа товушларга алмашади: *ч//ш: пәшъдә пәйиз (почта поезд); күш топлап (куч тўплаб); ч//с: онүссом* (ўн уч сўм); *үссом (уч сўм); иссәң (ичсанг), йолдан қассън (йўлдан қочсин); ч//ж: илинжи (илинчи)* каби. *ч//ш* ва *ч//ж* ҳодисаси қозоқ, қорақалпоқ каби туркий тилларда ҳам учрайди.

[*ш*] — тил олди, жарангсиз, сирғалувчи товуш бўлиб, сўзнинг ҳамма бўғинларида кела олади. Шева вакиллари нутқида [*ш*] ундоши қуйидаги товушларга ўтади; *ш>с:иссиз (ишсиз); боссиз (бўшсиз; ш>ч: иччи (ишчи); қоччи (қўшчи); ш>й: тәйләтти (ташлатди);* жл. *жайна>жҗәшнә (яшна)* каби.

[*ж*] — тил олди, сирғалувчи, жарангли товуш бўлиб, талаффузда аффрикат (*дж*) товуши билан алмашади. *ж*-ловчи шеваларда қозоқ тилидаги (*ж*) каби айрим сўзларнинг бошида учраса-да, у мустақил фонема эмас. Мас., *жоқ* (йўқ), *жол (йўл); жақ (жағ)* каби ўзбекча сўзларда ишлатилади, лекин бу турғун бўлмай (*дж*) аффрикати томон силжийди. Ўзлашган сўзларда бу товуш [*ш*] ва [*ж*] оралиғидаги бир товуш сифатида қўлланади. [*дж<ж*] тил олди жарангли аффрикат, *ж*-ловчи шеваларнинг энг муҳим фонетик белгиларидан бири, адабий тилда [*й*] билан бошланувчи сўзларда (*ж*) ундошини қўллашдир. Мас., *жалғыз (ёлғиз); жалбыз (ялпиз); жашаң (кўкат, сут, қатиқ); жәмбәш (ёнбош); жәзу: (ёвуз); жолдыз (юлдуз); җүрәк (юрак). й*-ловчи шеваларда эса адабий тилда қоришиқ *җ* товуши билан бошланадиган ўзлашган сўзлар ўз ҳолича айтилаверади. Сурхондарёдаги *ж*-ловчи (2) группа шеваларда сўз бошида спорадик ҳолатда (*дж<й*) ҳодисаси борлигини кўрсатиш мумкин. Мас., *йувән<жувән (йўғон); йеган<джеган (еган), йолдош<джолдаш (йўлдош).* Баъзан (2) группа шеваларда (*дж<й*) ҳодисаси учратилади. Мас., *жун<йүң, жуган<йүгән, йөнә<жўна* каби.

Шуниси борки, ўзбек адабий тили ва ёндош қорлуқ тип шеваларнинг актив таъсири туфайли *ж*-ловчи шевалар нутқида ҳам сўз бошида (*й*) ишлатиш ҳолати (асосан) ўрта ёш ва кичик ёшдагилар нутқида кенг тарқалмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маълумки, сўз бошида [*й*] ва [*дж*] ишлатишнинг тараққиёти ҳақида бирқанча ишлар мавжуд.

[*н*]— тил олди, сонор (бурун) товуши. Бу товуш сўз таркибида қуйидаги товушларга алмашади: *н>л: миллəт (миннат)*; йл. *лəгəнт>*жл. *лəгəн (тўппонча)*; *нл>лл: тəллəп (танлаб); лəдəн (нодон); нб>мм: оммъp (ўн бир); оммеш>омбеш (ўн беш); суммулə (сумбула); н<м: нампар (нонпар)*; *нм<мм: кəммəдъ (кўнмади); сəйлəммə (сайланма); н,г<нг: йəңңгə сянга); тенгнгə (танга); н<нг: келасəнгмə (келасанми); топаланг (тўполон); н>т: китəптъ (китобни); н>д: үйди (уйни); тойдъ (тўйни); н>й: зъннəт (зийнат)*. Минор қишлоғи шевасида *«яна»* сўзининг *«нəнə»* шаклида айтилиши кузатилади. Шуниси қизиққи, [*н*] ундоши қорлуқ группа шеваларига нисбатан қипчоқ группа шеваларида кўпроқ ассимиляцияга учрайди.

Адабий тилдаги *билан* кўмакчиси таркибидаги [*н*] *ундоши* факультатив равишда тушиб қолади ёки [*м*] га ўтади. Мас., *м^{и}нə>м^{и}нəн>мъна>мəн: йəртə:мəн (эрта билан)*; *ме:минан (мен билан); киммннə келдиң (ким билан келдинг); й*-ловчи шеваларда эса *«бьлə»* тарзида айтилади. *ж*-ловчи шеваларда феълнинг истак майли негизида [*н*] тушиб қолади: *əлəймə (олайинми), қълайма (қилайинми)*.

[*л*]— тил олди, сонор ён товуш, мазкур шеваларнинг *ж*-ловчи группасида тил олди [*л*], тил орқа [*л'*] вариантлари бор. Қорлуқ тип шеваларда ва «икки тилли» шеваларда фақат [*л*] фонемаси мавжуд. Қипчоқ типидаги шеваларда (*л*) ва (*л'*) мавжуд бўлиши сингармонизм ҳодисаси билан боғлиқдир. Юмшоқ ва тил олди унлили сўзларда (*л*): мас.: *əлəм (алам), илим (илм)*; тил орқа унлили сўзларда (*л'*). Мас., *қал'ақ (қолоқ), тал'ах (талоқ)*.

ж-ловчи ва *й*-ловчи шеваларда феъл ўзагидаги [*л*] ундоши кўп ҳолларда тушириб талаффуз қилинади. Мас., *э: (ол); эң: (олинг); ке (кел); къ (қил); эгүнчə (олгунча); эптъ (олибди); кептъ (келибди); кегүнчə (келгунча) эмə (олма); кемə (келма); бо (бўл); богунча (бўлгунча)*; феъл ўзагида (*т*) дан олдин тушади. Мас., жл. *уотыр (ўлтир)*, йл. *кетур (келтур)*[62], бу товуш бошқа айрим товушларга ўтади; *л>н: никуби (ликув), кəмник (камлик); дəмнъ (дамли), дəмнə (дамла)*; *дымнама (дамлама); л>д: ҳəйəлдəтмə (ҳаёллатма), шақърдəтмə (шақирлатма)*. Лекин «икки тилда» сўзлашувчи шеваларда феъл ўзагида (*л*) нинг тушиб қолиши ва *л>н: лэдəн* каби ҳодиса учрамайди. *ж*-ловчи шева-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларда сўз ўзагига сонор товуш билан битган аффикс қўшилганда унинг ассимиляцияга учраши қонуний ҳодисадир. Бу ҳодиса айрим туркий тилларда, шунингдек, бошқа ўзбек шеваларида ҳам мавжуд[63].

[*р*]— тил олди, титроқ товуш бўлиб, шева вакиллари нутқида (қипчоқ группаси назарда тутилади), унлиларнинг тил олди бўлишига қараб, олд артикуляция қилинади, аммо улар алоҳида мустақил фонема эмас, балки комбинатор-позицион вариант ҳисобланади. Қорлуқ группа шеваларда фақат олд артикуляция хусусиятига эга. «Икки тилда сўзлашувчи шеваларда эса *(р)* анча барқарор товушдир. Асл ўзбекча сўзларда, сўз ўртаси ва охирида (*р*) ундоши келади. Мас., жл. *қариндэш-уру:>урув (қариндош-уруғ): уотыр (ўтир: қары-қартанг (қари-қартанг).*

ж-ловчи шеваларда [*р*] ундоши айрим сўзларда диссимиляция қилинади. *зэръл<зарур, зэрэл<зарар.* Бу ҳолат баъзан *й*-ловчи шеваларда ҳам кузатилади.

[*й*]— тил ўрта товуш. Артикуляция жиҳатидан тил ўрта қисмининг қаттиқ танглай томон кўтарилишидан ҳосил бўлади. Сўз бошида *(й)*нинг тарқалиши мазкур шеваларда бир хил эмас. *ж*-ловчи шеваларда сўз бошида [*й*] ўрнида [*ж*] ишлатилиши билан қолган шевалардан фарқ қилади. Сўзнинг қолган ўринларида [*ж*] ундоши қўлланади. *й*-ловчи шеваларда адабий орфографик *жуда, жун, жамол* каби сўз бошида [*ж*] ишлатиладиган сўзлар ўз ҳолича талаффуз этилади. *ж*-ловчи ва *й*-ловчи шеваларда [*й*] сўз ўртасида тушиб қолади. Мас., *ҳълэгэр (ҳийлагар); дъдэрънгнъ сэғъндъм//дийдэрингни сэғъндъм (дийдорингни соғиндим); қъхтън (қирқ тийин), тън (тийин)* бу сўзда [*й*] ва [*и*] тушади. Шимолий группадаги *й*-ловчи шеваларда сўз бошида [*й*] тушиб қолади. Мас., *ълқъ* [*йилқи*]; *ъл* [*йил*]; қипчоқ ва миришкор шевасида *ърън*[64]. Бундай ҳолат қипчоқ *ж*-ловчи шеваларда *ирң (йиринг); ирик (йирик)* каби сўзларда учрайди[65]. Бошқа *й*-ловчи шеваларда сўз бошида [*й*] орттирилади. Мас., *йълқъ, йъл*— қиёс: *ïlqï* (Длт, III, 33), ҳатто қипчоқ (2) группа шеваларда ҳам шундай талаффуз этилишини учратамиз.

---

[62] (*т*) ундошидан олдин (*л*)— тушиши қадимги ёзма ёдгорликларда ҳам қайд қилинган. *Қаранг:* «Аттуҳфа», 76-бет.

[63] Решетов В. В. Узбекский язык. Фонетика. Ч. I. 1959, с. 300—301.

[64] *Қаранг:* Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари, 57-бет; Шерматов А. Қуйи Қашқадарёдаги ўзбек шевалари, 1974, 72-бет; Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Бешкент район шевалари. ЎзДМ, 1-сон, 278-бет.

Тор унлилар олдидан [*й*] [*ж*] орттирилиши ва тушиши белгиси бўйича туркий тиллар орасида ҳар хиллик бор[65], бу белги ўзбек шеваларига ҳам тааллуқлидир. Мас., жл. *җилдәм*∼йл. *йълдәм* қиёс: туркм. *йылдәм*∼*гаг, йылдам*∼қирғ. *ыдлам*∼олт. *ьлтам*∼уйғ. *йилдам;* жл. *жырақ//жирах*∼йл. *йърәғ*∼қиёс: ҳақ. *ырах*∼қирғ. олт. *ырақ*∼қоз. ққ. *жърақ-жирақ*∼уйғ. *йироқ-жирақ;* сўз бошида (*й*<*дж*) ишлатиш қадимги ҳодисадир[66].

Тор унлилар олдидан [*й*] тушиши туркий тиллар орасида кенг тарқалган бўлса ҳам, айрим тиллар учун характерли эмас деган фикр биз текшираётган шевалар учун ҳам тааллуқлидир. *Ж*-ловчи шеваларда сўз охирида [*й*] ортади. Мас., *худай (худо); тэғай (тоға) бовәй (бобо), сарпэй (сарпо)* ва гувоҳ, гуноҳ сўзларига эгалик аффикси қўшилганда *ҳ*>*й* юз беради. Мас., *гүнәйим, нимә, гүнәйи йоқ, гувайинг келди (гуноҳим нима, гуноҳи йўқ, гувоҳинг келди), илләйъ қуръсън (илоҳи қурисин).*

Мазкур территориядаги *ж*-ловчи шеваларда ҳозирги замон феъл ясовчи *-ётир* қўшимчаси составидаги [*йэ*] товуш бирикмаси айрим ҳолларда *«дж»* билан алмашса ҳам кўпчилик ҳолларда [*й*] сақланади. Мас., *барайатыр, түйәйәтир, кэләйәтир, қәрәйәтир.* Шеваларда [*й*] товушининг қуйидаги ўзгариши учрайди; *ю//й*<*т//да: тумалах//думалах (юмалоқ); й*<*з: сөйләди (сўзлади): й*<*г: кийиз (кигиз); сыйыр (сигир); й*>*ч: уччил (уч йил); йа*>*да: дәшъмбэвък (бекинмачоқ); дашир (яшир); йә*>*дж: җашын (яшин); җашәр (яшар); җашық (ариқ гўшт* ёки янги туғилган қўзи); *йэ*>*д: дастық (ёстиқ)*; сўз ўртасида [*й*] орттирилади: *рәйис, иймән (имон)* ва бошқалар.

Сўз охирида [*й*] ундоши тушади: *қадимъ (қадимий).* Мас., *қадьмъ адамнар (қадимий одамлар); дэйъмъ (доимий), дэйьмъ тербәнъп турадъ (доимий тебраниб туради).*

Тил орқа ундошлари [*к*], [*г*], [*нг*], [*н*ᵍ], [*н*ᵏ], [*х*], *қ*, [*ғ*].

[*к*] — саёз тил орқа, жарангсиз портловчи товуш бў-

[65] Юнусалиев Б. М. Заметки о выпадении некоторых согласных в основах слов тюркских языков.— Вопросы диалектологии тюркских языков, Баку, 1960, с. 24—25; Малов С. Е. Енисейская письменность тюрков, с. 54; Бернштам А. Н. Общественный строй древних тюрков, с. 168.

[66] Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков, с. 19—20; Юнусалиев Б. М. Заметки о выпадении некоторых согласных в основах слов тюркских языков.— В сб.: Вопросы диалектологии тюркских языков. Баку, 1960, с. 25.

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ, шевада сўзларнинг барча бўғинларида келади. Мас., *кәптәрвәз (каптарбоз); къчкәнә (кичкина); кәрмәк (кармак).*

Бу ундош ўзидан кейинги унли ва жарангли ундош таъсирида жаранглилашади. Мас., *көгәл (кўкат); гәгирдәк (кекирдак); көгәрдъ кўкарди); тәгәрдъ тўкарди), текарди; тегьн<тегин (текин); егън (экин); төгън (тўкин).* [*к*] ундошининг ўзгариши қуйидагича; жл. *к<в: түзү://түзүв (тузук); сүрү: сүрүв (сурук)*[67]; *еллү://еллүв (эллик); к<г: сөгьп (сўкиб); тъгъп (тикиб); к<х: көхләм (кўклам); бөхләм (бўклам); к<й: тийгән (теккан);* сўз ўртаси ва охирида [*к*] ундоши тушади. Мас., *кәлик (каклик); тирилик (тириклик); кичи (кичик); көпръ (кўприк);* лекин текширилган *й*-ловчи ва «икки тилда» сўзлашувчи шеваларда [*к*] сўз охирида тушиб қолмай, балки жарангли [*г*] ва [*к*] ўртасидаги бир товушга айланади. Мас., *ънәг, суйәг, къчъг, копръг* тарзида талаффуз қилинади. Профессор А. Қ. Боровковнинг фикрича, «Сўз охирида ундош товушларнинг тушиб қолиши, урғунинг одатдагидан бошқача бўлганлиги бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда сўз охирида урғусиз унли ёки бўғин редукциялашади ва тушириб қолдирилади[68]».

Шуни айтиш керакки, қипчоқ тип шеваларининг (I) группасида феълнинг келаси замон истак майлига қўшиладиган *-лиқ* аффиксидаги *(к)* ўзак-негиз тил орқа унлилар билан келганда *(қ)*га ўтади ва *барайық, алайық* шаклида талаффуз этилади.

[*г*] — жарангли, саёз тил орқа, портловчи ундош бўлиб, барча ўзбек шеваларида мавжуд. Шевада қуйидаги ўзгаришларга эга: жл. *г>й: тийирман*∼йл. *тъгърман (тегирмон); түйүн (тугун); ийин>эгин (елка), ийин кипти (эгин—кифт—елка), ийнә (игна); г>ғ: қолиға (қўлига), тойға (тўйга).* Бу ҳодиса кўпгина *ж*ловчи шеваларда мавжуд.

[*нг*] — жарангли, тил орқа, сонор (бурун) товуш бўлиб, мазкур территориядаги *ж*-ловчи шеваларда икки варианти — тил олди унлилар билан келадиган *(нг)* ва тил орқа унлилари ёнида келадиган *(нг′)* варианти бор. Мас., *әкәнг, йәнәнг айтынг′ татынг′ (аканг, онанг, айтинг, тотинг)* каби. [нг] ундошининг саёз тил орқа талаффузи олдинги қатор унлининг таъсирида юзага келган деб қаралиши керак. *й*-ловчи шеваларда [*нг*]

---

[67] *Қаранг:* Длт, I, 70-бет.

[68] Боровков А. Қ. Ўзбек тилининг лексикасидаги ўзгаришлар ва янги алфавит, ЎзФАН ахбороти, 2-сон, Тошкент, 1940, 48-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

жл. *х<қ: қәйиш (хоҳиш); қызмат (хизмат); қырэж (хирож); масқарабэз (масхарабэз); қаламайди (хоҳламайди)*. *й*-ловчи шеваларда (*х*) фонемаси баъзи ҳолларда юз берадиган *х<қ* ўзгаришини ҳисобга олмаса адабий тилдан деярли фарқланмайди.

[ғ] — спирант (сирғалувчи), чуқур тил орқа, жарангли товуш, ҳамма ўзбек шеваларида ва турк системали тилларда қўлланадиган фонема. Текширилган *ж*-ловчи шеваларда сўз ўртаси ва охирида лабланади ва *ғ>в* ҳодисаси юз беради. Бу эса *ж*-ловчи шевалар учун хосдир[72].

й-ловчи, икки тилда сўзлашувчи шеваларда эса турғун.

Солиштиринг: *ғ>в*

ж-ловчи шеваларда		й-ловчи шеваларда	„икки тилли“ шеваларда	ўзбек адабий тили
бау || *бав*		*бэғ*	*бэғ*	*боғ*
тау || *тав*		*тэғ*	*тэғ*	*тоғ*
жҷау || *жҷав*		*йэғ*	*йэғ*	*ёғ*
жҷаун || *жҷавин*		*йэғън*	*йэғън*	*ёғин*
жҷаурын || *жҷаврин*		*йәғрън*	*йэғрън*	*яғрин* || *елка*
жҷаур	*жҷавыр*	*йәғър*	*йсғър*	*яғир*
ауз	*эвуз*	*эғъз*	*эғъз*	*оғиз*
аур	*авир*	*эғур*	*эғур*	*оғир*
баур	*бавур*	*бэғър*	*бағър*	*бағир*

Сурхондарёдаги *й*-ловчи шеваларнинг хусусияти шундаки, сўз ўртасида ва охирида *ғ>в* ҳодисаси юз бермайди. Лекин ҳар иккала группада айрим позицияларда *ғ<қ* ишлатиш ҳолати мавжуд.

[ҳ] — жарангсиз, сирғалувчи бўғиз ундоши бўлиб, ўзлашган сўзларда ишлатилади. Мас., *ҳъйлә//ҳъла (ҳийла); ҳиләгәр//ҳийләгәр (ҳийлагар); ҳъмэйә (ҳимоя)*. Бу товуш шевада айрим сўзларда (*х*) билан алмашади. Мас., *ҳамсэйә//хәмсәйә (қўшни); ҳәмшә:әр (ҳамшаҳар); хиқилдэғ (ҳиқилдоқ)* каби. Шевада (*ҳ*) ундоши қуйидагича ўзгаради: *ҳ<й: илэйим (илоҳим); қэйъш (хоҳиш); Ибрайим (Иброҳим); Рәйимә (Раҳима); бейи (беҳи); пайим (фаҳм); ҳ<с: мәссъ (маҳси); тассъл (таҳсил); х<ҳ, ахмақ (аҳмоқ); лаҳм>*жл, *ләҳим* (суяксиз гўшт); ҳ<в: *сәвбәт (суҳбат);* сўз ўртаси ва охирида тушади: *тә:ълъкә (таҳлика); гә:гә (гоҳ-гоҳ); нәсә:т (насиҳат);* сўз боши ва ўртасида орттирилади. Мас., *ҳәррә (арра), сәҳәт (соат); шәрәҳәт (шариат);*

---

[72] Уша асар, 144-бет; Решетов В. В. Узбекский язык, с. 280.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фонемаси махсус қўшимча *(г)* ёки *(гк)* товушлари билан айтилади. Солиштиринг: жл. *жангнга*~йл. *йэнгкъ* *(янги)* каби. «Икки тилда» сўзлашувчи шевада эса *(г* ёки *к)* билан айтиладиган қоришиқнома ундош[69] тарзида талаффуз этилади. Мас., *келънг* *(келинг); коръне* *(келинг, кўринг)*. Бу хусусияти жиҳатидан Бухоро диалектига кирувчи «икки тилли шеваларга ўхшайди. Баъзан [*нг*>*г*>*нг*] тарзида талаффуз қилинади. Мас., *жангнга, йэнгъ (ҳозир* ёки *янги), жаңңэқ — йюнғғақ*. Қиёс: Бух., *йангъ, йанғэқ*[70].

Шевада [*нг*] товуши қуйидагича ўзгаради: жл. *нг*< *в: көвним вомады* (I) *(кўнглим бўлмади)*.

[*қ*] — чуқур тил орқа, портловчи ундош бўлиб, мазкур шеваларда сўзнинг барча бўғинларида келади. *ж*-ловчи шеваларда позицияга қараб сўз ўртаси ва охирида (*қ*х) каби қоришиқнома талаффуз этилади. Мас., *талақ*х *(талақ); балақ*х *(балақ); тақ*х*ър (тақир); қуйруқ*х *(қуйруқ);* бир бўғинли сўзларда: *қақ*х, *бақ*х *(қоқ, тоқ, боқ);* аффикс қўшилганда *қ*>*ғ; қақ*<*қағып, тақ*>*тағып. бақ*>*бағып* хусусиятига эга бўлади. *й*-ловчи шеваларда [*қ*] ундоши билан туговчи сўзлар охирида [*ғ*] келади. Мас., *қаллъғ (қорлуқ), оқлэғ (улоқ ўйини), қулэғ (қулоқ)* каби. Шеваларда [*қ*] ундошининг қуйидаги ўзгариши учрайди. Мас., *қ*<*х тахсъмча (тақсимча); тамахсэв (томоқсов); тахсим (тақсим); харъш (қарич); уйху (уйқу); вахтэ (вақти); чихти (чиқди); ахлық (оқлик), қ*<*в: айув (айиқ); қуйув (қуюқ); суйув (суюқ); вотлэв (ўтлоқ); қамышлэв (қамишлоқ); қ*<*ғ: съғъм (сиқим), бэғылған (боқилган)*.

Сўз охирида тушади: жл. *қуры*>йл. *қуръғ (қуруқ), сары*>*йл. сэръғ*. Солиштиринг: *сарі* (Аттуҳфа., II), *саріғ* (ДЛТ, I, 106); сўз охирида *(қ, ғ)* тушиши муҳим диалектал ҳолдир[71].

[*х*] — жарангсиз сирғалувчи товуш, портловчи [*қ*]-нинг жуфти ҳисобланади. Бу товуш ўзбек шеваларининг ҳаммасида учрайди. Мас., *хэл (хол); хеш (қариндош); хэтун (хотин);* жл. *қатын; мих*~йл. *мех (мих)*. [*х*] фонемаси баъзи позицияларда қуйидагича ўзгаради:

---

[69] Боровков А. К. Ўзбек тилининг лексикасидаги ўзгаришлар ва янги алфавит, ЎзФАН ахбороти, 2-сон. Тошкент, 1940, 43-бет.

[70] Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари, 37-бет.

[71] Аттуҳфа......, 11-бет; Решетов В. В., Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек диалектологияси, 112-бет.

феъл негизида ва кишилик олмошларига *(ҳам)* сўзи қўшилиб келганда [ҳ] тушиб қолади. Мас., *кесәңңәм мәйлигә* (келсанг ҳам майлига); *менәм бәрәмән (мен ҳам бораман), бизәм келәмиз (биз ҳам келамиз)* каби.

Шевада товушларнинг ўзгариш хусусиятлари

Киши, одатда, нутқ органларининг фаолиятини максимал енгиллаштириш учун оғзаки нутқни ихчамлаштириш ва сўз ҳамда сўз формаларининг товуш составини қисқартиришга ҳаракат қилади. Талаффузда бунга интилиш товушларнинг ҳар хил комбинатор-позицион ўзгаришларини юзага келтиради. Бу хусусият туркий тилларда, шунингдек, ўзбек тилининг ўз фонетик системасига кўра бир-биридан фарқ қилувчи шеваларида ҳам учрайди[73]

Лекин уларнинг шевалараро тарқалиши ҳар хилдир. Мазкур шеваларда ҳам оғзаки нутқ процессида юзага келадиган ассимиляция, диссимиляция, сўз формаларининг тортилиши, метатеза каби ҳодисалар борки, улар тарқалиш хусусиятига кўра шевалараро бир хилликка эга эмас. Нутқ товушларининг комбинатор ўзгаришлари орасида энг кўп тарқалган ҳодисалардан бири ассимиляциядир.

Ассимиляция. Бу ҳодиса, асосан ундошлар системасида турли комбинатор шароитда вужудга келади. Ўхшатиш хусусиятига кўра ассимиляция ҳодисаси текширилган шеваларда ҳам тўлиқ ва тўлиқсиз ҳолатда юз беради. Лекин у тарқалишига кўра кўп ёки камлиги жиҳатидан шеваларда фарқланади. Мазкур шеваларнинг оғзаки нутқида учрайдиган ассимиляция ҳодисаси қуйидаги турларга бўлинади: 1) тўлиқ ва тўлиқсиз прогрессив ассимиляция; 2) тўлиқ ва тўлиқсиз регрессив ассимиляция.

---

[73] Бу ҳақда тўла маълумот олиш учун қаранг: Дмитриев Н. К. Ассимиляция и диссимиляция согласных в башкирском языке. ИССГТЯ. Фонетика. М., 1955, с. 304—306; Кононов Н. К. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.— Л., 1960, с. 41—45; Севортян Э. В. Ассимиляция и диссимиляция согласных в южных тюркских языках.— В кн.: ИССГТЯ. 1. М., 1955, с. 313—316; Решетов В. В. Узбекский язык, с. 290—300; Шаабдурахманов Ш. Карлукское наречие узбекского языка. Ташкент, 1983, с. 55—80; Шерматов А. Қуйи Қашқадарёдаги ўзбек шевалари. Тошкент, 1974, 3—27-бетлар; Алиев А. Наманган группа шевалари (Ўзбек диалектологиясидан материаллар). Тошкент, 1975, 10—15-бетлар; Ишаев А. Манғит шевасида ассимиляция ва диссимиляция ҳодисаси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1959, 3-сон, 52—57-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўлиқ прогрессив ассимиляция:

[*лд>лл*]: жл. *эллэди* — ад. орф. *алдади*
йл. *эллъгэ* — ад. орф. *олдига*
йл. *келлъ* — ад. орф. *келди*

[*нд>нн*]: жл. *нэннэн* — ад. орф. *нондан*
йл. *сэннэн* — ад. орф. *сендан*
жл. *күннэнкүн* — ад. орф. *кундан-кун*
жл. *байсыннан* — ад. орф. *Бойсундан*

[*мб>мм*]: жл. *кэммэғэл* — ад. орф. *камбағал*
йл. *суммулэ* — ад. орф. *сумбула*
жл. *дүммэ* — ад. орф. *думба*
жл. *дүммил* — ад. орф. *думбул*
жл. *гүммэз* — ад. орф. *гумбаз*
жл. *дэммэ* — ад. орф. *дамба (тўсиқ)*

[*нл>нн*]: жл. *кунник* — ад. орф. *кунлик*
жл. *тайиннади* — ад. орф. *тайинлади*
жл. *җийэннэри* — ад. орф. *жиянлари*
жл. *тинник* — ад. орф. *тийинлик*

[*тд>тт*][74]: жл.//йл. *эттъ* — ад. орф. *отни*
кеттъ — ад. орф. *кетди*
тэттъ — ад. орф. *тотди*

[*пм>пп*]: жл. *келэйэппс*>йл. *келэппиз* — ад. орф. келяпмиз
жл. *айтайаппыс*>йл. *айтэппъз* — ад. орф. *айтаяпмиз*
жл. *барайаппан>йл. бэрэппэн* — ад. орф. *боряпман*[75]

[*ст>сс*]: жл. *доссар* — ад. орф. *дўстлар.*

Тўлиқсиз прогрессив ассимиляция:

[*к>г*]: жл. *кэгэрсин* — ад. орф. *кўкарсин*
тегин — ад. орф. *текин*
туркэн — ад. орф. *туртган*

[*к>қ*]: *жл. көҳлэм* — ад. орф. *кўклам*
буҳлэм — ад. орф. *бўклам*

[*шг>шк*]: жл. *келишкэн* — ад. орф. *келишган*
түшкэн — ад. орф. *тушган*

[*сг>ск*]; ж.//йл. *кескэн* — ад. орф. *кесган*
искэ — ад. орф. *исга*
өскэн — ад. орф. *ўсган*

[*ск>сг*]: жл. *кесгир* — ад. орф. *кескир*
тесгэри — ад. орф. *тескари*

---

[74] *Қаранг:* Шаабдурахманов Ш. Қарлукское наречие, с. 55.

[75] Уша асар, 55—56-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[*зг>ск*]: жл. *сескән* — ад. орф. *сезган*
түскән — ад. орф. *тузган*

Тўлиқ регрессив ассимиляция:

[*нл>лл*]: жл. *тәлләди* — ад. орф. *танлади*
биртъллък — ад. орф. *бир тийинлик*
йл. *қъхтъллък* — ад. орф. *қир тийинлик*
жл. *төркүллик* — ад. орф. *турт кунлик*
[*тл>лл*]: жл. *ҳәлләди* — ад. орф. *ҳатлади.*
йл. *супәллъ* — ад. орф. *сифатли*
жл.//йл. *күлпәллъ* — ад. орф. *кулфатли*
жл.//йл. *рәҳмәллъ* — ад. орф. *раҳматли*
жл. *тэлли* — ад. орф. *тотли*
жл.//йл. *сулләмә* — ад. орф. *сутлама*
жл. *сүлли* — ад. орф. *сутли*
жл. *қаллама* — ад. орф. *қатлама*
йл. *онбеллъ* — ад. орф. *ўн бетли*
жл. *қоллывосын* — ад. орф. *қутлуғ бўлсин*
жл. *ҳиммәлли* — ад. орф. *ҳимматли*
жл. *э:ли* — ад. орф. *отли*
[*рл>лл*]: йл. *оллəм* — ад. орф. *ўрлам*
йъәллә — ад. орф. *эгарла*
тоғъллә — ад. орф. *тўғрила*
[*тт>дд*]: жл.//йл. *дуд* — ад. орф. *тутун*
[*зч>чч*]: жл.//йл. *бөччъ* — ад. орф. *бўзчи*
ъччъл — ад. орф. *изчил*
туччи — ад. орф. *тузчи*
[*шч>чч*]: жл.//йл. *иччән* — ад. орф. *ишчан*
иччи — ад. орф. *ишчи*
қуччи — ад. орф. *қушчи*
[*чс>сс*]: жл.//йл. *уссом* — ад. орф. *учсўм*
жл. *уссəм* — ад. орф. *учсам*
[*тс>сс*]: жл. *күссә* — ад. орф. *кутса*
йэссам — ад. орф. *ютсам*
тэссам — ад. орф. *тутсам*
[*нм>мм*]: жл.//йл. *әйләммә* — ад. орф. *айланма*
көммә — ад. орф. *кўнма*
ишамма — ад. орф. *ишонма*
[*шс>сс*]: жл: *иссиз* — ад. орф. *ишсиз*
бессом — ад. орф. *бешсўм*
[*зс>сс*]: жл. *йөссис* — ад. орф. *юзсиз*
йөссом — ад. орф. *юз сўм*
көссиз — ад. орф. *кўзсиз*

Тўлиқсиз регрессив ассимиляция:

[*қч<хч*]: жл.//йл. *кемәхчън* — ад. орф. *келмоқчи*
тақмахчи — ад. орф. *тақмоқчи*

www.ziyouz.com kutubxonasi

эқмэхчъ — ад. орф. *оқмоқчи*
қулахчън — ад. орф. *қулоқчин*
[*қт*<*хт*]: жл.//йл. *вахт*//*вах* — ад. орф. *вақт*
қирхтир — ад. орф· *қирқтир*
[*қс*<*хс*]: жл.//йл. *йохсан* — ад. орф. *йўқсан*
тохсан — ад. орф. *тўқсон*
чихса — ад. орф. *чиқса*
[*бс*<*пс*]: жл. *кепсэн* — ад. орф. *келибсан*
чығыпсан — ад. орф. *чиқибсан*
[*қм*<*хм*]: жл. *тэвлихма* — ад. орф. *тувлиқма*
ҳэвлихма — ад. орф. *ҳовлиқма*
[*қд*<*ғд*]: йл. *қэрлуғдэн* — ад. орф. *қорлуқдан*
узэғдэн — ад. орф. *узоқдан*
қьшлэғда — ад. орф. *қишлоқда*
[*бл*<*пл*]: йл. *кътэплэнъ* — ад. орф. *китобларни*
Тошк. *кътэплэнъ*
шитапларнъ — ад. орф. *штабларни*
[*бт*<*пт*]: жл. *излэптапар* — ад. орф. *излаб топар*
йл. *ъскэптэпэр* — ад. орф. *искаб топар*

Бу мисоллардан кўринадики, ундошлар системасида бўладиган ўхшашлик мазкур шеваларда сонор (*лд+лл, нд+нн, мб+мм, нл+нн, нм+мм*) ва *тд+тт, пм+пп, ст+сс, тг+тк, кл+ҳл, шг+шк, сг+ск, чс+сс, тс+сс, шс+сс* товушлари билан боғлиқ ҳолда кўп учрайди.

Диссимиляция. Сурхондарё ўзбек шеваларида диссимиляциянинг қуйидагича типи мавжуд:
Биринчи тип:[76]

[*ч*<*ш*]: йл.//жл. *көштъ* — ад. орф. *кўчди*
өштъ — ар. орф. *ўчди*
ашамайлы — ад. орф. *ачамайли (этноним)*
қэштъ — ад. орф. *қочди*
тэштъ — ад. орф. *тошди*
тайанш — ад. орф. *таянч*
[*дж*<ш]: жл. *ашайипхэна* — ад. орф. *ажойибхона*
вэштэн — ад. орф. *важдан*
жушур — ад. орф. *дежур*

Иккинчи тип (дистакт):

[*т*>*н*]: жл. *интипақ* — ад· орф. *иттифоқ*
интирмиш —(*ўтинни боғлаш усули*).
[*н*<*м*]: жл. *нэмпэр* — ад. орф. *нонпар*
йл. *зэмтэзэн* — *зэнтэзэн* (кампания)

76 Мазкур шеваларда ҳам диссимиляциянинг биринчи типи таянч шаҳар шеваларига ўхшашдир. Қаранг: Шаабдурахманов Ш. Карлукское наречие, с. 63.

www.ziyouz.com kutubxonasi

зәнзәмә — зәмзәмә — ад. орф. *зимзама*

[*р>н*]: жл. *қолномал* — ад. орф. *қўл рўмол*

[*р>л*]: жл.//йл. *зәрәл — зәләр* — ад. орф. *зарар*

бургәдъл — ад. орф. *бригадир*

дириктил — ад. орф. *директор*

кәлъдор — ад орф. *коридор*

зәрул — ад. орф. *зарур*

[*м>б*]: жл. *бе:кәм* — ад. орф. *маҳкам*

[*н<л*]: жл. *маймыл* — ад. орф. *маймун*

[*м<н*]: *ләнпә* — ад. орф. *лампа*

кәстин — ад. орф. *костюм*

кәннәмә — ад. орф. *камнома*

Метатеза (ундошларнинг ўрин алмашиши).

Бу ҳодисанинг шеваларда юз бериши икки хил: Контакт ҳолатда:

[*йр ~ рй*]: йл. *қарйэғ* — ад. орф. *қайроқ*

сарйэп — ад. орф· *Сайроб*

чэрйәк — ад. орф. *чайрак*

ҳәрйәт — ад. орф. *ҳайрат*

пәйрәт — ад. орф. *фарёд*

жл. *зүйрәт* — ад. орф. *зурёд*

дэйрә — ад. орф. *дарё*

чәрйәтим — ад. орф. *чайратим* (этноним)

[*пқ ~ қп*]: йл. *қақпақ* — ад. орф. *қопқоқ*

чақпъ — ад. орф. *чапқи*

[*гр ~ рг*]: йл. *огрълэй* — ад. орф. *ўргилай*

огрәттъ — ад. орф. *ўргатди*

Тошк. *ўргәт* ~ Фарғ. *эгрәт* (Шоабд. 66)

огръмчәк — ад. орф· *ўргимчак*

[*нй ~ йн*]: жл. *буйнэт* — ад. орф. *бунёд* ~

Тошк. *бъйнэт* (Шоаб. 66)

дуйнә — ад. орф. *дунё*

[*ғр ~ рғ*]: йл. *турға* — ад. орф *тўғра*

торғъ — ад. орф. *тўғри*

[*пр ~ рп*]: жл//йл. *турпэғ* — ад. орф. *тупроқ* ~

Тошк. *турпэ:* (Шоаб. 66).

сурпа — ад. орф. *супра*

йл. *кърпък* — ад. орф. *киприк* ~

Тошк. *кьпръй* (Шоаб, 66).

[*рз ~ зр*]: жл. *әрзәйил* — ад. орф. *азроил*

[*хш ~ шх*]: йл. *бәдәшхэн* — ад. орф. *Бадахшон*

жл.*ошқайди* — ад. орф. *ўхшайди*

[*бр ~ рб*]: жл. *тербәт* — ад орф. *тебрат*

[*вр ~ рв*]: йл. *сәвръ* — ад. орф. *Сарви* ~ Тошк. ***Сәвръ*** (Шоаб. 66).

жл. *әрвәди* — ад. орф. *авради.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

[*нҳ* ~ *ҳн*]: жл. *тәҳнә* — ад. орф. *танҳо*
нәҳәр — ад. орф. *анҳор*. Тошк. *эҳнар* (Шоаб. 66)

[*лв* ~ *вл*]: йл. *ҳэвлә* — ад. орф. *ҳолва*

[*нж* ~ *жғ*]: йл. *божғама* — ад. орф. *бўғжама*

[*ғм* ~ *мғ*]: жл. *йэғмир* — ад. орф. *ёмғир*

[*лг* ~ *рг*]: жл. *иргәли* — ад. орф. *илгари*

Дистакт ҳолатда:

[*н* ~ *л*]: *жл. тәләнгән* — ад. орф. *танланган*
әйнәлә — ад. орф. *айлана*

[*ж* ~ *н*]: жл. *мъънәз* — ад. орф. *мижоз*

[*р* ~ *т*]: жл. *гургут* — ад орф. *гугурт*

[*қ* ~ *в*]: жл. *бозәвбэш* — ад. орф. *бузоқбош*

[*т* ~ *ч*]: жл. *кирпичичқан* — йл. *кърпътъкән* ад. орф. *типратикон*

Сўз формаларнинг тортилиши

Барча ўзбек шеваларида бўлганидек, мазкур территориядаги шеваларда ҳам сўз формаларининг тортилиши кўп учрайди[77]. Бу ҳодиса қуйидагича юзага келади: 1) ўзак — негизда бўладиган торайиш: *ул* — ад. орф. *ўғил; ю*:— ад. орф. *ол; ке* — ад. орф. *кел; қы* — ад. орф. *қил; бо* — ад. орф. *бўл; урла* — ад. орф. *ўғирла*; *нә* — ад. орф. *нима*; йл. *йо* ~ жл. *жу-жу*:— ад. орф. *йўқ-йўқ*; 2) аффикслар қўшилганда бўладиган торайиш: жл: *ама* — ад. орф. *олма; амайма* — ад. орф. *олмайинми?; шүйдемә* — ад. орф. *шундай дема; туру* — *туры* — ад. орф. *турибди; кепти* — ад. орф. *келибди*; 3) икки сўз қўшилишидан ҳосил бўлган торайиш: жл. *шүйтип* — ад. орф. *шундай қилиб; үйтип*—ад. орф. *ундай қилиб: аппар —олиб бор; шүйтәйиннә—шүйтәймә—шундай қилайинма, быйтма* — *бундай қилма;* йл. *бэрәйдъм* — *борар эдим;* жл. *нарман* — *нармаған* — ад. орф. *нари томон; берман* — *бермаған* ад. орф.— *бери томон; қәйтәй* — *қандай қилай; шүйт* — *шундай қил.*

Ундошларнинг орттирилиши. Бу ҳодиса текширилган шеваларда қуйидагича учрайди*.

1. Сўз бошида *ҳ:* жл. *ҳүттә*<*үттә* — ад. орф *удда; ҳүзир* ад. орф. *узр; ҳәптюбәс* — ад. орф. *автобаза; ҳәптэбус*<*әптәбус* — ад. орф. *автобус*; *ҳәйлә*<*ҳәнә* — ад. орф. *ана;* дж: жл. *джылдам* — ад. орф. *илдам; джип* — ад. орф. *ип; джилик* — ад. орф. *илик; дживип* — ад. орф

[77] Ўзбек диалектологияси, 129-бет.

* Ундошларнинг орттирилиш қонунияти ҳақида қаранг: Шаабдурахманов Ш. Карлукское наречие, с. 65.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ивип; й. йл. *йилэн* — ад. орф. *илон; йӯзук<йузък* — ад. орф. *узук; йузъм* — ад. орф. *узум.*

2. Сӯз ӯртасида: *ҳ:* жл. *сэҳэт<соат; нэрсэҳэт* — ад. орф. *Норсоат*; *шэрэҳэт* — *шариат; в: суврэт* — ад. орф. *сурат; қэвмат* — ад. орф. *қомат; новмэрт* — ад. орф. *номард; кевзи* — ад. орф. *кӯзи; ревпэк* — ад. орф. *рӯпак; тунэвкун* — *тунэвин* — ад. орф. *ӯтган кун* (аслда туналган кун бӯлиши мумкин).

3. Сӯз охирида: *н:* жл. *амахчин* — *олмоқчи; кемахчин* — ад. орф. *келмоқчи; й:* жл. *сэрпой* — ад. орф. *сарпо*; *мамай* — ад. орф. *мома*;

Келтирилган мисоллар сӯз таркибидаги ӯзак ва аффиксларнинг ассимилятив ӯзгаришига кӯра мазкур шеваларда турлича эканлигини кӯрсатади. Агар *ж*-ловчи шеваларда *м(н>нг), д(>т), з(>с), (б>г), (>п, в), г(>к, й), б (>м, н), к(>й)* сӯз таркибида кӯп учраса, *й*-ловчи шеваларда бу ҳолат спорадик характерга эга.

Шундай қилиб, Сурхондарё ӯзбек шеваларининг фонетик хусусиятлари тӯғрисида шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Мазкур территориядаги шевалар ӯзининг лингвистик белгиларига кӯра *ж*-ловчи, *й*-ловчи ва икки тилда сӯзлашувчи шеваларга бӯлинади. *ж*-ловчи шеваларнинг унлилар системасида 9—10 та фонема мавжуд бӯлиб, унда сингармонизм қонуниятига бӯйсуниш туфайли контраст жуфт унлиларнинг мавжудлиги бу шеваларни қипчоқ группасидаги туркий тиллар, чунончи, қозоқ, қорақалпоқ, нӯғой тилларига ҳамда ӯзбек тилининг қипчоқ группасига кирувчи шевалар билан яқинлигини кӯрсатади. Бу шеваларда *(э)* унлиси ӯз позициясини адабий тил ва ёндош қорлуқ шеваларнинг таъсирида мустаҳкамлаб бормоқда.

2. *й*-ловчи қорлуқ лаҳжасига хос шевалар ӯзининг унлилар системасига кӯра ёндош Қарши, Самарқанд-Бухоро тип шевалар вокализмига жуда яқинлиги билан характерланади.

3. Ҳар икки группадаги шеваларнинг ундошлар системаси айрим истисонолар қилинса, масалан, *(ф)* товушининг[78] *(п)* тарзида айтилишини ва ӯзлашган *(ц)*ни ҳисобга олмаганда, ӯзбек адабий тили ундошлар системасидан фарқ қилмайди. Товушларнинг ӯзгариш процессини эса шева вакилларининг жонли сӯзлашув нутқи билан боғлиқ ҳодиса деб қараш керак.

---

[78] «*Ф*» ундоши фақат икки тилда сӯзлашувчи шевада мавжуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛЕКСИКА

Диалектал сўзларнинг типлари

Ҳар қандай халқ ҳаётида пайдо бўладиган воқеа-ҳодисалар дастлаб тилнинг лексикасида акс этади. Шунинг учун ҳам лексика тил структураси элементлари ичида энг ҳаракатчани[1] ва халқ маиший савиясининг ойнаси ҳисобланади[2]. Ўзбек халқи ўзининг тарихий тараққиёт процессида ғоят мураккаб ва турли босқичларни ўз бошидан кечирди, турли халқлар билан ижтимоий, сиёсий ва маданий муносабатда бўлиб, ўз лексикасини бойитиб келди. Шу сабабли ўзбек тилининг луғат состави узоқ даврнинг маҳсули бўлиб, шу халқнинг барча аъзолари учун тушунарли, турмушда кўп қўлланиладиган, аниқ маъно бера оладиган, сўз ясалиши ва ясаш учун асос бўладиган жуда бой сўз ва сўз формаларига, фразеологик бирликларга эгадир.

Ўзбек тилининг ана шу лексик бойлиги айни пайтда Сурхондарё шеваларининг ҳам бойлиги саналади. Чунки бу территорияда яшовчи аҳоли ўзбек халқининг этник составини ташкил этувчи аҳоли сифатида моддий ва маданий ҳаётнинг мажмуасини ўзида акс эттирувчи сўз мулкига эгадир.

Шундай экан, мазкур региондаги шевалар лексикасини умумхалқ ўзбек адабий тили луғат составидаги сўзларга қиёслаб ўрганиш, туркий тиллар ёки маълум группа шевалар учун умумий бўлган лексик-грамматик элементларни қайд қилиш ҳамда уруғдош тиллар ёки бир-бирига территория жиҳатидан яқин бўлган бир тилнинг иккита тармоғи ҳисобланган шеваларга таъсирининг кучи ва салмоғини атрофлича текшириш[3] ушбу шеваларнинг бугунги кундаги характери ҳақида тўла маълумот беради.

---

[1] Виноградов В. В. Развития советского языкознания. Изд. АПН. М., 1950, с. 23.

[2] Абаев В. И. О развитии литературных языков иранских народов Советского Союза.— В сб.: Закономерности развития литературных языков СССР в советскую эпоху. М., 1969, с. 72.

[3] Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари лексикаси, ЎзШЛ, 21-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу жиҳатдан қарасак, бошқа ўзбек шеваларида бўлганидек, Сурхондарё ўзбек шевалари лексик составидаги сўзларнинг кўпчилиги айрим фонетик ноўхшашликларни ҳисобга олмаганда, қўлланиш ва маъно хусусиятига кўра таянч шевалар лексикасидаги сўзларга мос келади. Солиштиринг[4].

Сурхондарё шеваси: ж-лэвчи	Сурхондарё шеваси: й-лэвчи	Тошкент шеваси	Ўзбек адабий тили
әбирий	*эбру*	*эврә*	*обрў*
а дах||:дақ	*адәғ*	*эдэғ*	*охир*
азғын||аррық	*аруғ*	*эзғьн*	*ориқ*
асант||энгсэн	*эсән*	*энсэн*	*осон*
аттаба	*эфтэбә*	*эбдәсә*	*обдаста*
башмардақ	*бэшмәлэғ*	*бәшмәлдәғ*	*бош бармоқ*
геларс	*гулэс||гълэ:*	*гълэс*	*гилос*
дәвчә	*дэвчә*	*дэвуччә*	*довучча*
жәзирә	*жәзърә*	*жәзърәмә*	*иссиқ*
сарғалдақ	*зәрғәллэғ*	*зарғәлдэғ*	*зарғалдоқ*
йе:қат	*ъққәт*	*ъккъқат*	*ҳомиладор*
жилик	*ълък||йълък*	*ълъй*	*илик*
жавық	*йәвуғ*	*йәвуғ*	*яқин*
жав||мэй	*йағ*	*йэғ*	*ёғ*
жавын	*йағмър*	*йэнгнгър*	*ёмғир*
жарты	*йәртъ*	*йэртъ*	*ярим*
жамбаш|| дастық||балыш	*йәстуғ||лола*	*йәстуғ*	*ёстиқ*

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Бошқа бир группа сўзлар эса қипчоқ ва ҳаммуҳит ўзбек шевалари лексик таркибидаги сўзлар билан умумийликка эгадир. Солиштиринг[5]:

Сурхондарё шеваси: ж-ловчи	Сурхондарё шеваси: й-ловчи	Самарқанд шеваси	Қашқадарё шеваси	Қипчоқ шеваси	Ўзбек адабий тили
ҳәлгән-чәк	*арғъмчэғ*	*арғунчақ*	*ҳәйънчәк*	*ҳәлгән-чәк*	*арғим-чоқ*
тәшнәв	*эврез||тәш-нәв*	*ташнав*	*эврәз*	*абруз*	*аврез*
қағанақ	*қоқәнэғ*	*фалла*	*эғъз*	*увуз||у;з*	*оғиз*
нэрвэн|| нарбан	*нәрвэн*	*нэрбэн*	*нәрвэн*	*нарван*	*шоти*
чымылдық	*гошәнгә|| чъмълъғ*	*чъмълъқ*	*чъмълъғ*	*чимил-диқ*	*гўшанга*
бөбәк	*чақалэғ*	*чақалэқ*	*бовағ|| чәқәләғ*	*бовак*	*чақалоқ*
вайиш	*олән*	*вайиш*	*валыш*	*вайиш*	*ишком*

---

[4] *Қаранг:* Шоабдураҳмонов Ш. Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 228—263-бетлар.

[5] Қиёс учун қаранг: ЎзШЛ., Тошкент, 1966, 13—110-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

<table>
<tr><td>мәккә|| мәккәйи</td><td>җугаръ</td><td>сарду-жуваръ</td><td>жуѓәръ</td><td>джугәри</td><td>макка-жўхори</td></tr>
<tr><td>бәнт</td><td>бәнт</td><td></td><td>дарғат</td><td>дарғат</td><td>тўғон</td></tr>
<tr><td>мәйәк</td><td>тухум</td><td>тухум</td><td>мәйәк|| тухум</td><td>мәйәк</td><td>тухум</td></tr>
<tr><td>бахмал</td><td>бахмал|| духэба</td><td>бахмал</td><td>бахмал</td><td>бахмал</td><td>бахмал</td></tr>
<tr><td>жеңеә</td><td>еңчә</td><td>эстъпчә</td><td>еңъчә</td><td>дженгса</td><td>енгича</td></tr>
<tr><td>вөргәмчи|| тәртәнәк</td><td>тартанак</td><td>тәртәнәк</td><td>тертәнәк</td><td>оргәмчи</td><td>ўргимчак</td></tr>
<tr><td>алашақша-қа</td><td>заѓъзѓэн</td><td>алашақ-шақа</td><td>зәѓъзѓэн</td><td>алашық-шақ</td><td>заѓизѓон</td></tr>
</table>

Профессор Ф. Абдуллаев кўрсатганидек, лексикадаги бундай ўхшашликлар вақт эътибори билан территориал яқинлик натижасида юзага келади[6]. Шуниси ҳам борки, ҳозирги замон диалектларининг лексик системасига характеристика беришда биринчи навбатда, ҳаётий зарур бўлган, энг барқарор, энг қадимий қатламни назарда тутишимиз, иккинчидан, адабий тил нормасида қўлланмайдиган, лекин маҳаллий шеваларда тарқалиш ўрнига кўра тор диалектал хусусиятга эга бўлган сўзларни ҳисобга олишимиз керак. Шу жиҳатдан, қараганда, Сурхондарё ўзбек шевалари лексик составидаги сўзларнинг бошқа бир группаси қуйидаги кўринишларга эга:

1. Эски ўзбек адабий тилида ишлатилган ва ҳозирги кунгача шевалар лексикасида аввалги ҳолатида қўлланиладиган сўзлар:

Навоий асарлари луғатига қиёсланг[7].

Масалан: *бәдәл — эваз, айирабош,*

Лаъли жон бошингга бир гавҳар агар топмиш халал,
Жавҳари жоним қабул этсанг анга айлай б а д а л,
(78-бет)

а в з э й ъ — *аҳвол, тузилиш, ҳолат*

Не бадиъ а в з о ъ эрурким, ақл боши айланур,
Гар даме фикр айласанг, бу гунбази давворага
(27-бет).

җ э р а п (Мач.) *супурги,*

Гисуки бўлиб юзига ж о р у б,
Оламга сочиб ғубор ошуб.
(233-бет).

в ә р з ъ ш//в ә р д и ш — *одат, машқ,*

[6] А б д у л л а е в Ф. Хоразм шевалари лексикаси. ЎзШЛ (тўплам), 23-бет.

[7] Ш а м с и е в П., И б р о ҳ и м о в С. Навоий асарлари луғати. Тошкент, 1972.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳажр ўқи билан менга ишқ берибтур в а р з и ш,
Воизо, дўзах ўқидин яна қилма тахвир
(145-бет).

и й б э//й б э — *ҳаё, тортиниш, кўнмаслик.*

Майхонада кимки майдин и б о *қилғай,*
Най уни бир дилкаш наво била расво қилғай
(262-бет).

и г р и м//и й р и м — *гирдоб, сувнинг айланиб оқадиган жойи*

Ҳар илдомлиқда сарсардек равона,
Ҳар айламакда игримдин нишона
(263-бет).

•м у ч э к//м у ч ч ы — *бўса, ўпиш, ўпич*

Висол шоми деолмон лабингни ёликсам,
Вале табонига кўз суртубон м у ч а к л а р *ила*
(432-бет).

2. Қадимги туркий ёзув ёдгорликлари ҳамда эски ўзбек тилидан то ҳозирги шеваларгача турли фонетик ва семантик ўзгаришлар билан етиб келган, лекин адабий тил нормасида қўлланмайдиган сўзлар: *мөрин* — девор тагидан арикча ўтказиш учун қўйиладиган тешик [Раб., Қоф., Ём.]; қиёс: *бөруң* — *сув ўйган ёриқлар* (ДЛТ., III, 380); қадимги туркий тилда *тиғап — дарё, ирмоқ* (Дтс., 354); *түраn — дарё, ирмоқ (Дтс., 354); мўран — дарё* (Рдл., II, 2222); А. М. Шербакнинг кўрсатишича, *тиған — дарё, дарёча* (<мўғ. *тиған — дарё, ирмоқ*)[8]; *чалғай — чопон ёқасига уланадиган қисм* [Кат., Танг., Бан.,]; қиёс: *чалғај — қуш патининг учлари* (ДЛТ., II, 259), *шалғай — кийим* (Рдл.. IV; I, 964); бу сўз айрим туркий тиллар ва ўзбек шеваларида турли маъноларда учрайди. Масалан:[9] ҳак. *чағала — тикилган чироз (иштон), ёқа;* чув. *чалқа — қийиқ, лента;* тат. *чалыш — қийшиқ, ғилай;* қирғ. *чалғай — газмолнинг учбурчак шаклидаги қийиғи;* нўғ. *шалғай — чопон этагига уланган қисм;* қоз. *шалғай — этак;* ққ. *шалғай — халат этаги*; ўзбек тилининг Қўқон группаси шеваларида *чалғай* — кийим ёқасига уланадиган қисм[10]; жл. *өркэн* 1) палакпояси; 2) сув юзида бўладиган тўлқин

---

[8] Щ е р б а к А. М. «Огузнаме», «Мухаббат-наме». М., 1959, с. 67.

[9] Хакасско-русский словарь. М., 1953, с. 305; Проф. А ш м а р и н Н. Н. Чаваш самахесен кенеки. Чебаксары, 1941, с. 137; Татарско-русский словарь. М., 1966, с. 690; Киргизско-русский словарь. М., 1962, с. 889; Ногайско-русский словарь. История казахского языка. Алма-Ата, 1959, с. 387; Каракалпакско-русский словарь, М., 1958, с. 722.

[10] Т у р а к у л о в А. Лексика Кокандской группы говоров узбекского языка. АКД., Ташкент, 1971, с. 7.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[Қум., Жарқ., Ден.]; қиёс: *өркон* — сув бетида бўладиган тўлқин (Длт., I, 132); *өркан* — жундан эшилган ип, каноп (ЭСТЯ., 548); кчм. кач. *öркäн — қавун öркөни* (Рдл., I, II, 1227); *ебәтәй* — ярoқли (кийимга нисбатан); *ебетай — қобилият, қобилиятли, қулай фурсат* (ЭСТЯ., 222); турк. ққ. *ибәтәй — қобилият, янгилик;* турк. *ебетей — қобилият; мўғ, евtai, эвәтәй — дўстлик, ярашиқли, қобилият маъноларида ишлатилади.* Э. В. Севортяннинг фикрича[11], *ебетей* сўзи — *дай-тай* аффикслари орқали ясалган, сўзнинг ўзаги *еп* — қулай фурсат маъносида, лекин *-а* унлисининг ўзакка *ебе — тай, иба — тай* тарзида қўшилиб келиши тушунарли эмас, *-тай, -дай* аффикси қоидага кўра ишлатилади, сўз ичидаги *пт>бт* фонетик қонуниятга кўра ўзгарган.

Фикримизча, ундош билан битган ўзак ва унга қўшилувчи аффикслар ўртасида унлининг орттириб талаффуз этилиши айрим туркий тилларда бор ҳодисалардандир. Шунга кўра ўзак *эп-еп* (қобилият — уқув) отидан *ебетәй>ибәтәй>епетәй* шаклидаги қобилиятли, уқувли сифати ясалган. Шевада эса маъно бир оз ўзгарган ва ярoқли, эпга келадиган, кийишга ярайдиган маъноларини ифодаловчи сўз ҳосил қилинган. Солиштиринг: *кеб — кебәтәй (ношукур кебәтәй бәндә)* каби. Мазкур территориядаги айрим шеваларда [Раб., Қум., Қарс., Азс.,] *қабучақ//қавачағ//қɔвɵчә* сўзи 1) сўриб олинган тухум пўстлоғи; 2) ёнғоқ пўчоғи; 3) ичи бўш пахта чаноғи маъноларини ифодалайди. Ўзак тахминига кўра, *қабу>қава>қɔва* бўлиб, *чақ-чә* эса кичрайтиш аффиксларидир. Сўзнинг ўзаги адабий нормада *қобиқ* — пўстлоғ; ққ. *қабық — пўстлоқ;* турк. *габык — қат;* қирғ. *кабык — пўстлоқ;* яқ. қап. — *эшик, қапу — бўшлиқ, қопқоқ*[12] шаклларида учрайди, лекин шеваларда қўлланаётган морфемаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган *қабучақ//қавачағ//қɔвɔчә* лексемаси ўзбек адабий тилида ишлатилмайди. Бу сўз В. В. Радлов луғатида *қабуіақ — кичкина қопқоқ* ёки *пўстлоқ* (Рдл., II, 456), яна бир жойда *қабурчақ — кичкина қутича* (Рдл., II, 660) тарзида изоҳланади. Бошқа айрим манбаларда ҳам шу сўзнинг этимологиясига оид фикрлар учрайди[13].

Бизнингча, ушбу шеваларда қўлланадиган *қабучақ// қавачақ//қɔвɔчә* сўзи (шева талаффузида) манбаларда

---

[11] Севортян Э. В. Этимологический словарь...., с. 222.
[12] Русско-каракалпакский словарь М., 1967, с. 362; Русско-туркменский словарь. М., 1956, с. 267; Русско-киргизский словарь. М., с. 300.
[13] Щербак А. М. Огузнаме, с. 71—72.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрсатилган *қабуiақ//қабурчақ* билан алоқадор ва сўзнинг ўзаги *қобиқ//қабық//кабык//қап//қапу* шаклида кўпгина туркий тилларда мавжуд. Бу сўзлар маънода ҳам бир-бирига яқин (маънолари юқорида кўрсатиб ўтилди). *-ча, -чақ* эса кичрайтириш аффиксларидир. Даврлар ўтиши билан *қобиқча* сўзи таркибида *и//у, и//а//ә* мослиги ва *б<в* ҳодисаси юз бериб, ўзакдаги *қ* тушиб қолган, ўзакка *-ча, -чақ* шаклидаги кичрайтириш аффикси қўшилиб *қобиқча>қабучақ>қавачақ>қэвэчә* тарзида *пўстлоқ, қобиқ* маъноси билан бизгача етиб келган. Бу сўзни шеваларда ҳозирги қўлланишга кўра морфемаларга ажратиб бўлмайди[14]. Шеваларда учрайдиган баъзи сўзлар қадимдан ясалган бўлса ҳам бора-бора турли сабаблар натижасида уларнинг бу ҳолати йўқ бўлган, ажралмас бир элементга айланган. Масалан: *сабақа//собиқа* сўзи шеваларда муомала, алоқа, келишув маъноларини ифодалайди. Бу сўз аслида мусобақа лексемасининг ўзаги арабча *сабақа* билан алоқадордир. Эски ўзбек тилида *собиқа — бурунги, аввалги* маъноларини ифодалаган[15]. Мисоллар: жл. *көлик — миниш учун яроқли от, улов*, қиёс: *кölук — юк ортиш учун мумкин бўлган ҳайвон орқаси* (Длт., I, 372); қад. ёз. *кӧлук — иш ҳайвони* (Млв., I, 395); эски ўзбек тилида *кӧлук — от, улов* (Рдл., II. 147 I); *kolik — ҳайвон орқаси* (Дтс., 314); ққ. қирғ. *көлук — иш ҳайвони* (Юдх, 269); қоз. *көлік — иш ҳайвони: қар қорм.* шевасида[16] *көлик* 1) *от, улов;* 2) *дам, темирчиликка оид асбоб* (ЎзХШЛ., 148); *көльк* — юк ортилган ҳайвон (ФА., 91) каби маъноларда учрайди. жл. *бэксэк — тўш, кўкрак* ~ қиёс: *бөксак* —1) *хотинлар бўксаси (кўкси) билан қўйни орасидаги жой*; 2) кўкракнинг юқори қисми (Длт., I, 441); *вöksак — кўкракнинг юқори қисми* (Дтс., 117) ~ турк. *бөкса — туш. кўкрак;* қоз. *бөксә — яғриннинг пастки қисми, икки томони, икки ёнбош тўши*[17].

Шундай сўзлардан бир нечтасини қиёсланг: жл: *көтэл — тепа, баландлик* ~ *кöтäл* (Рдл., II, II, 1277); *көтэрэм — майиб* ~ *кöтўрäм* (Рдл., II, II, 1280); *көпчик* —

---

[14] Проф. А. Ғуломов баъзи сўзларда аффиксларнинг борлиги сезилиб турса ҳам уни морфологик жиҳатдан қисмларга ажратиб бўлмаслигини *хурмача, шолча* каби сўзлар мисолида кўрсатиб берган эди. Қаранг Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида. ТАИ асарлари. Тошкент, 1949, 44-бет.

[15] Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. Тошкент, 1972, 565-бет; шу характерлики, урду тилида *собиқа— алоқа, келишув, муомала.* Урду-русский словарь. М., 1964, с. 457.

[16] Қисқартма: қар.— *карноб, қорм* — Қорамурт шевасида.

[17] Русско-туркменский словарь. М., 1956, с. 127; Қазақ тілінің тусіндрме сөздіги, Алматы, 1959, 122-бет.

 www.ziyouz.com kutubxonasi

эгар устига ёпиладиган кўрпача~*көпчүк* (Рдл., II, II, 1314); *үөтирик — ёлғон ~ өтүрүк* (Рдл., I, II, 1266); *чиркэй — майда чивин~сірка* (Рдл., IV, I, 705); *уошэк — ғийбат~өсөк* (Рдл., I, II, 1293); *шабыр — хабар, дарак~шабыр* (Рдл., IV, I, 988); *чэбра — бузуқ~шабра* (Рдл., IV, I. 989); *нэс — ифлос~нäс* (Рдл., III, I, 656); *боғжама — кийим ўраладиган материал~бöкшäмä* (Рдл., IV, II, 1647); *бағана — қоракўли тери~бағана* (Рдл., IV, II, 1448); *кұрмэв — боғлаш усули~курмä* (Рдл.. II, II, 1464); *күничи — рашкчи~күнүчі* (Рдл., II, II, 1441); *мағалдағ* — ҳар хил гап латифага ўхшаш~*мақалда* (Рдл., IV, II, 1994); *ҳэрамза — отасиз туғилган бола~арамза* (Рдл., I, I, 1264); *ындалла — гумон~indal* (Рдл., I, II, 1449); *эшу: эшив —довон~ошув//эшив—довон—ашув* (Рдл., I, I, 597); *эсэба—яқин қариндош~асаба* (Рдл., I, I, 537); *чағыл// чағат — оқ қояли қирлар~чағыл* (Рдл., III, II, 1846); *ық—шамол тегмайдиган жой~ық* (Рдл., I, II, 1353); *үңүр, ғор, чуқур~ўңўр* (Рдл., I, II, 1814); *қэ:дэ—урф~қаада* (Рдл., II, I, 2110); *йэсэр—енгилтак~есäр* (Рдл., I, I, 874); *табалдырық—таъна~табалдырық* (Рдл., III, I, 968); *эвлақ хилват~аулақ* (Рдл., I, I, 76); *ҳэшүвэ — масхара~ажуа* (Рдл., I, I, 610); *чарана* (Рдл., III, II, 1862); ~*чарана — эш.*

3. Адабий тилда учрамайдиган, қадимги туркий ёзув ёдгорликларида ҳам қайд қилинмаган шеванинг ўзи учунгина хос бўлган тор диалектал сўзлар[18].

Маълумки, диалект ва шеваларнинг луғат составини характерлаб беришда диалектал сўз ва иборалар муҳим аҳамият касб этади. Чунки диалектал сўз ва иборалар шеваларни бир-биридан ажратиш ва фарқлашда асосий белги саналади. Бундай сўзлар маълум бир шева ёки шевачалар доирасидагина қўлланганлиги сабабли тор диалектал сўзлар ҳисобланади. Ана шундай сўзлар қуйидаги кўринишларга эга: 1) адабий тилда доминанти бор диалектал сўзлар: жл. *тэти*~йл. *тэтъ* (*ҳеч*); *кэән* (*мўл, кўп*); *пэли* (*дашном, танбеҳ*); *джик* (*дарз*);

[18] Проф. А. Ғ. Ғуломов бундай сўзларни лексик диалектизмлар деб атайди. Қаранг: Ғуломов А. Диалектал луғат ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1968, 4-сон, 15-бет.

[19] Баъзан тор диалектал деб ҳисобланган сўз бошқа ёндош шеваларда ҳам учраб қолиши мумкин. Масалан, Қашқадарёнинг Деҳқонобод, Ғузор районлари Сурхондарё области билан яқин чегарадош бўлгани учун аҳоли ўртасида қадимдан интенсив алоқа бор. Шунингдек, биз келтирган айрим сўзлар ҳам уларда қўлланади. Қаранг: Шерматов А. Узбекские народные говоры Кашкадарьинской области. Ташкент, 1978, с. 93—105.

www.ziyouz.com kutubxonasi

өр (*қайсар*); *пәк* (*сал*); *хүччи* (*чўққи*); *ҳимю* (*туртки, ёрдам*); *ҳэннэт* (*айёр, иш ёқмас*); *аҗ* (*ўжар*); *сус* (*ҳайбат, салобат*); *сэв* (*хато*), *гүдүр* (*шубҳа*); *ғужыр* (*ғайрат*); *ғаным* (*душман*); *пилла*//*пәлә* (*пайт*); *ҳиллә* (*аранг, зўрға*). 2) адабий тилда доминанти йўқ, алоҳида изоҳ беришни талаб қиладиган тор диалектал сўзлар[19]. *джирмэч — тўн, яктакларнинг барида, чолварнинг почасида махсус қўйилган чок ёриғи* [Кат., Бан.]; *җеллик — ҳаво кириши учун тандирнинг ён томонидан қўйиладиган тешик* [Кат., Қарс.]; *сапе — гуручни қозонга солишдан олдин илиқ сувда ивитиш усули: дъгъл — қоракўл қўйнинг думбаси, кичик тури* [Бой.,] *мәлэпә — кийим бичилганда чиқадиган бўлакчалар, қийқимлар* [Кат.]; *чәбә — янги туғилиб оёқланмаган қўзи* [Сарқ.]; *ғорғил — сел суви оқадиган катта сойлик* [Бан.]; *чунгнгул — дарё* ёки *ариқнинг чуқур ери; сызлавық — уч бериб чиқадиган шиш; чөмәгөй — майизнинг паст сорти; чүйдә — орқа мия; чынақ — бучча; чава — кичкина ёғ кади; доғэва — сопол коса; җөрма — тикиш усули; зэв — катта жарлик, дара; сэнҗәп — тинч, эркин; талхашав — тинмас, жанжалчи; серпилмақ — сийраклашмоқ; шәллук — ҳориш, чарчаш натижасида баданнинг увишиб қолиш ҳолати; ҳювпэн — бейхшов; минисэк — адрасдан тикилган хотин-қизлар халати; мәпрәмәч*//*нэпрәч — кийим-кечак солиб қўядиган махсус халта; шеркәт — навбат* (мол сўйиб ўзаро тақсимлаш); *шәтәл— танбеҳ; шалайым — ҳазилкаш, қувноқ; җайдары — маҳаллий, мослаштирилган; эзув — икки лабнинг бириккан жойи; шотанах — шўх, қувноқ; шайтаймас — тиниб-тинчимас* (бола ҳақида); *шалайым — қувноқ, ҳазилкаш; җэлпақ — ясси, юпқа-қалин эмас; ҳоққи — қўпол; ҳәмил — нафас*; дам; *хорәзәк — бўғма касал*; *хэримтал — дангаса, иш ёқмас; халэлъ — сочпопук; барэқ — сермўйлов. Бэйсунда барэқлар бэр; балақам — ҳуркак* [Бой., Раб., Ём.,] *дәҗәм — чаққон, илдам* [Бой., Ден., Сар.]; *зәвлим* 1. *қоронғи*, 2. *чуқур жарлик* [Раб., Ём., Дашт.]; *зейил — жоҳил, сержаҳл* [Қум., Сурх.]; *пәръдә — карниз* [Бой.,]; *пешчуп — бўйинтуруқ олдига кўндаланг қўйиладиган чўп* [Бой.,]; *суғути — болта, тешанинг даста ўтказиладиган қисми* [Дашн., Газк., Хон.,]; *қылтамақ* —1. *рак касаллиги*. 2. Овқатни кам истеъмол қиладиган одам (жл.,); *кебәтәй — ношукур* (жл.); *бой — уйланмаган, бўйдоқ* (жл.,); *қақасламоқ — ажратмоқ, бир ёқли қилмоқ* [Бан., Коф.,]; *кэпик — етим қўзи* [Чил., Қалм., Раб., Ём.,]; *чәгәнә — шахсий моллардан ташкил топган сурук* [Бой., Раб.,]; *қуңңыл-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

тақ — этик ёки *муккини пайтавасиз кийиш* (жл.,); *чәкәгъәр — чеккадан улоқ олиб қочишга ўргатилган от* [Бой., Ден., Сар.,]; *селэбә — сел суви билан оқиб келган хас-чўп* [Бой.]; *тайсалтаппақ — ором топмоқ* (жл.,); *тайсалламақ — ўзини бирор ишдан четкага олиб қочмоқ* (жл.,); *қыра-қыра — кўк қарға* [Раб., Ём.,]; *ашқуйар — ош қозон* [Қум.,]; *хеззәң//хеззән — тез, хеззәң джигит* [Қум.,] *тышқалы — тишни қорайтириш учун қўйиладиган бир хил химиявий модда* (жл.,); *рөпәк — тегирмон унини тозалайдиган предмет* [Бой.]; *әләйнә — алоҳида, ажралиб, турувчи* (жл.); *дуҗән — ҳомиладор* [Бой., Раб., Газ., Сар., Дашн.,]; *чортә — тамоман* (жл.,) *ғәнәк — пилла қуртига бостириладиган ғарам* [Бой., Раб., Коф., Газ.,]; *ҳәлләлә — талоқ қилиб қўйилган хотиннинг ўз эри томонидан қайта никоҳ қилиб олиниши* (жл.,); *шэввэз — мурожаат, биродар ўрнида айтиладиган сўз* (жл. йл.,); *ҳәшәкәлләлә — албатта, тайин* (жл.,); *ғужула — узумнинг эзилган қисми* [Бой.,]; *шэтим — шояд, балки* (йл., жл.,); *йәкәтир — 16 калибрли милтиқ* [Раб., Ём.,]; *ҳурәл — гапнинг келишида тўғри маъносини ифодалайдиган сўз; қаршыбайқара — тарвузнинг юқори сорти* (жл.); *мәрсиммақ — мақтанмоқ* (жл.,); *көлабитоппә — шилпилдоққа ўхшаш овқат тури* [Раб., Ём.,]; *шэдатбармэғ — кўрсаткич бармоқ* [Сар., Газк., Хон.,]; *баурмал — қўлга ўргатилиб семиртирилган қўй* [Қум.,]; *садқақ — совуқдан ичда пайдо бўладиган санчиқ* (жл.,); *чәрбәрәй — рўпара, юзлаштириш* (жл.); *төбәл — пешанасида белгиси бор мол* (жл.,); *әрәмҗәл — дармонсиз, кучсиз* (жл.,); *арачачъ — жанжаллашган икки кишини ажратувчи; орага тушувчи* (йл. жл.,); *сөл — куч, дармон* (жл.); *қартымақ — кучли, бақувват* (жл.); *нәдэми — кўнгли* (жл.,); *надәйим — хасис* (жл.,); *кәләйиғам — каромат* [Раб., Ём.,]; *зэгәтэп — экиндан чиққан ёки зовур суви* [Жоб., Ип.,]; *зэнтәзэн — урҳа-ур, энг қийин кампания даври; таптайыз — теп-текис, сип-силлиқ маъноларига тўғри келади; аймақылар — 20-йилларда босмачилик билан шуғулланган кишилар* [Обд.,]; *абақ — хафа, ажралиш* [Раб.,]; *гувәйнақ — гап таъсир қилмайдиган шахс; бесувэ — маҳрум бўлган, ажралган; гэвдәшә:ли — келишган, фигурали, гавдаси йирик; вайвайникә — эўрлаб никоҳ қилиш; темтиммақ — интилмоқ, ҳаракат қилмоқ; чәргөз — юзма-юз, рўпара; җатта — жанжалкаш; гәвсөкэт — қўлидан иш келмайдиган, анқов; этәнә —* (аслида эт ва тана сўзлари бирикувидан ҳосил бўлган) *етилган, кучга тўлган; сәйгул —*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар бир нарсанинг саралангани; *эвмалы — гапида турмайдиган, тутуруқсиз* ёки *тентак; зэбидэ* — ўта куйган; *рэвэннэ — супиринди* ва шунга ўхшаш нарсалар; *рэсэмэтлаш — ўрнашиш, хотиржам жойлашиш; ындырыш — озғин* ёки *ўта инжиқ одам*. Бундай сўзларнинг семантикасини баъзан контекстдагина аниқлаш мумкин бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, тор диалектал сўзларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда, асосан, кекса авлод нутқини характерлайди, ёш авлод эса бундай сўзларни ишлатмайди. Ҳатто бу сўзлардан кўпининг маъно хусусиятларини кекса авлод ҳам унутиб бормоқда. Тор диалектал сўзлар ўрнида янги сўзларнинг ишлатилишида бевосита адабий тилнинг интенсив таъсири каттадир[20].

Адабий тилда қўлланилмайдиган, қадимги ёзма ёдгорликларда ҳам учрамайдиган, бироқ шеваларaро мавжуд бўлган бундай сўзларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга[21].

4. Адабий тилдаги сўз билан фонетик структураси ўхшаш бўлса ҳам шевада бошқа маънода қўлланадиган сўзлар[22]: *шалпар (катта қулоқ)* — ад. орф. *шалпар — юнгдан тўқилган мато* (ЎзТИЛ., II, 424); *тарсэ (тез, дарҳол)* — ад. орф. *тарсо — ғайридин* (ЎзТИЛ., I, 129); *нэйнэв* — (анқов, гаранг) — ад. орф. найнов — новча, узун (ЎзТИЛ., II, 494); *қарқара* (овоза) — ад. орф. *қарқара — тумшуғи, оёқлари узун ботқоқ қуши* (ЎзТИЛ., II, 558): *қасмэқ (гардиш)* — ад. орф. *қасмоқ — қатқалоқ, кир* (ЎзТИЛ., II, 558); *арна (жар, чуқурлик)*, ад. орф. *арна — дарёдан ажралиб чиққан ариқ* (ЎзТИЛ, I, 54); *айғэқ (жанжалкаш, урушқоқ)* — ад. орф. *айғоқчи, сергак* (ЎзТИЛ, I, 35); *жондор (бўри)* — ад. орф. *жондор (жонзод)* қиёс: *бир турли жондорлар пайдо бўлибди, у жондорларни Муроджон кўрибди* (ЎзТИЛ., I, 288); *аймэқи (босмачи)* — ад. орф. *аймоқи* — кузда кўммай қишда совуққа ўргатилган ток (ЎзТИЛ., I, 20-б.).

5. Адабий тил ва шеваларда мавжуд бўлиб, уларнинг бирида айрим маънолари ўзгаришга юз тутган ёки стилистик бўёқ касб этган сўзлар: *ҳэннэт (айёр, муғомбир)* — ад. орф. *ҳаннот — дон олиб сотувчи савдо-*

---

[20] Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 206-бет.

[21] Бурганова Н. Б., Заляй Л. З. О принципах составления диалектологического атласа татарского языка.— В сб.: Вопросы диалектологии тюркских языков. Казань, 1960, с. 60.

[22] Қиёслаш учун қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981, қисқартмаси ЎзТИЛ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гар, жаллоб (ЎзТИЛ., II, 687); *ҳəккə (сезгир)* — ад. орф. *ҳаққа — зағизғон* (ЎзТИЛ, II, 679); *чəвкэн//чəвки* (кечаси гулхан ёқиб қилинадиган миллий кураш) — ад. орф. *чавкон — от устида эгри таёқ билан тўпни уриб ўйналадиган ўйин* (ЎзТИЛ., I, 349); *нэзəнин (эркатой)* — ад. орф. *нозанин — қадди қомати келишган аёл* ҳақида (ЎзТИЛ., II, 506); *дəррəндə (қип-яланғоч)* — ад. орф. *дарранда — сут эмизувчи ҳайвонлар* (ЎзТИЛ., I, 212).

6. Адабий тилда тўла нормаллашмаган ёки доминанти белгиланмаган, бадиий адабиётларда параллел қўлланаётган сўзлар[23]. Сурх. *чақа//бөбəк* ~ Тошк. *чəқəлэ//чэқэлюғ* ~ Фарғ. *бувəк*; Сурх. *вөлəн//вəйъш* ~ Тошк. *ъшкэм* ~ Самарқ. *вəйъш* ~ Фарғ. *вəлъш*; Сурх. *мəйəк//тухъм* ~ Тошк. Самарқ. *тухум* ~ Фарғ. *мэйəк* ~ Хор. *йъмъртқа;* Сурх. *сота* ~ Тошк. қипч, *сота* ~ Фарғ. *мəрдəк:* Сурх. *қалампир* ~ Тошк. *гəръмдэръ* ~ Самарқ. *қалампур* ~ Фарғ. *қалампър* ~ Хор. *бурч;* Сурх. *кели* ~ Тошк. *ўғър* ~ Самарқ. *оғур* ~ Фарғ. *келъ* ~ Хор. *со:қы;* Сурх *ҳəлгəнчəч // эрғъмчəғ* ~ Тошк. *эрғъмчоғ* Самарқ. *эрғунчəқ* ~ Фарғ. *ҳəйунчək* ~ Хор. *сарынджақ;* Сурх. *тартанак//вөргəмчи* ~ Тошк. *ургумчəй* ~ Самарқ. *тəртəнəк* ~ Фарғ· *ормəнчък;* Сурх. *чымылдық//чъмълъғ* ~ Тошк. *гўшангə* ≈ Самарқ. *чъмълдъқ* ~ хор. *гошэйнə;* Сурх. *тəшнəв* ~ *эбрез* ~ Тошк. *ханъй* ~ Самарқ. *ташнəв* ~ Фарғ. *эвруз* ~ Хор. *тэшшъ;* Сурх. *нəрвəн//нюрбэн* ~ Тошк. *нəрвэн* ~ Самарқ. *нэрбэн* ~ Фарғ. *шотъ* ~ Хор *зəңңи.* Бу табиий ҳол, лекин адабий тил бундай сўзлар орасидан территория жиҳатидан кенг тарқалганларини танлаб олиб адабий норма сифатида белгилайди.

Демак, халқ шеваларига хос бундай лексик бирликларнинг мавжуд бўлишини сўз маъноларининг тараққиёти билан боғлиқ ҳодиса деб қараш керак.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, жонли сўзлашув тили ўзига хос бир қатор специфик хусусиятга эга бўлиб, унда сўз бойлиги, ифода имкониятларининг хилма-хиллиги чексиздир.

Диалектал сўзларнинг тематик группалари

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилининг луғат системасида ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг барчаси учун

---

[23] Қиёсланг: Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 229—310-бетлар; Лексик дублетлар ва уларнинг адабий нормасини белгилаш, ЎзТАМ, 1966, № 6, 20—22-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушунарли бўлган умуммиллат характеридаги сўзлардан ташқари, миллатнинг ижтимоий группаланиши, яъни генетик жиҳатдан айрим қабила ва аҳолининг территория белгисига кўра жойлашиши ҳамда маданий, хўжалик, маиший ҳаёти билан боғлиқ бўлган сўзлар ҳам учрайди. Бундай сўзлар орасида традицион лексика ва этнографизмлар алоҳида ўрин тутади, бошқа предмет, ҳодисалар атамасида ҳам шеванинг ўзига хосликлари бор.

Биз қуйида Сурхондарёдаги ўзбек шевалари бўйича тўпланган материаллар асосида традицион лексика (қариндош-уруғчилик, этнография)га оид сўз ва терминлар ҳамда айрим предмет, ҳодисалар атамасини лексик-тематик группалаб беришга ҳаракат қиламиз.

1. Қариндош-уруғчиликни билдирувчи сўз ва терминлар. Булар ўзбек тили ва унинг маҳаллий шеваларига хос бўлиб, традицион лексикани ташкил этади. Традицион лексиканинг пайдо бўлиш илдизлари ва маъно хусусиятлари жуда қадимий эканлиги олимлар томонидан қайд қилинган[24].

Қариндош-уруғчиликка оид сўз ва терминларнинг шеваларда деталлаштириб ишлатилиши уларни адабий тилдан ва шевалараро ўзаро бир-биридан фарқлайди. Масалан: Сурхондарёдаги *ж*-ловчи шеваларда:

бала (бола)
небәрә//невәрә (невара)
чебәрә//чевара
дүбәрә (неваранинг боласи)
себәрә (дуваранинг боласи)
әбәрә (себаранинг боласи)
зуволә (эваранинг боласи)
үвәрә (зуваланинг боласи)
бегәнә (уваранинг боласи).

} *ата (ота)—йенә (она)*

Сурхондарёдаги *й*-ловчи шеваларда:

болә (бола)
невәрә (невара)
чувәрә (невараларнинг боласи)
дувәрә (чуваранинг боласи)
севәрә (дуваранинг боласи)
зуволә (севаранинг боласи)
бегэна (зуваланинг боласи)

} *додә//отә әҗе//өнә//она*

[24] Ўзбек диалектологияси.., 166-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз шевалар лексикасидаги қариндошчилик, яъни фарзандларга оид сўз ва терминларни беришда профессор А. Шерматов, А. Ишаевлар томонидан берилган схемага асосландик[25].

Шу факт ҳам қизиқки, ушбу шеваларда ишлатиладиган кўпгина қариндош-уруғчилик терминлари ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилмайди ёки бошқа сўзлар орқали ифодаланади, лекин айрим туркий тиллар ва ўзбек шеваларида учрайди. Мисоллар: жл. *чеча*//*җеңңә*∼йл. *йәнгә (келин ойи* ёки *хотинларга мурожаат)*; қиёс: *шешä — она* (Рдл. IV, I, 1015); қоз, *чече — она, ойи*//ққ. *шеше — буви, кекса аёлларга мурожаат қилганда ишлатиладиган сўз;* Хор. *чечә — келин ойи*[26] Юқш. *йәнгнгә*[27]; жл. *җеззә*//*җездә*∼*йезнә*≈йл. *йәзнә— почча почча;* қиёс: *jазнä* (Длт., II, 42); тат. бошқ. *езнә*// қоз. ққ. *жезде*//қирғ. *жезде*; Хор. *йезна* (ЎзШЛ., 40); *әҗә —она* [Бой.,] қиёс: *äҗä — буви* (Рдл., II, 914); жл. *бөлә — холавачча* — қиёс; *бöлö* (Рдл., IV, II, 170); йл. *әйә — ойи*∼қиёс: *аjа* (Рдл., I, I, 199).

Сурхондарёдаги *й*-ловчи шеваларда, хусусан, Газарак, Қорасув, Хоним, Тоқчиён қишлоқлари шевасида *кәттә өтә* — отанинг отаси, *къчъг өтә (онанинг отаси), кәттә өнә (отанинг онаси), къчъг өнә (онанинг онаси); ювә (амаки):* ошоба шевасида *эвэ*[28]; жл. *бөлә (холавачча); бöлö — опа-сингилнинг болалари* (Рдл., IV, II, 170) каби қариндошчилик терминлари учрайди[29]. Шунингдек, *ж*-ловчи шеваларда: *әйчә*>*бәйчә* — хотин-қизларга мурожаат қилинадиган сўз∼йл. шеваларда *бъйе;* юқори Қашқадарёдаги шеваларда *бийе* сўзи ҳам шундай маънога эга[30]. Зарабоғ, Қорабоғ, Хатак, Газарак, Қорасув шеваларида *бийе*//*бувъ (буви)*; Бухоро шаҳар шевасида ҳам *бибъ* сўзи буви маъносини англатади. Жл. шеваларда хотин-қизларга мурожаат қилишда ишлатиладиган *бәйвича*//*бәйчә* сўзи ҳурмат маъно-

---

[25] Шерматов А., Ишаев А. Ўзбек шевалари лексикасидан материаллар. Илмий асарлар. ТДПИ. Тошкент, 1964, 327-бет.

[26] Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари лексикаси. ЎзШЛ, 41-бет.

[27] Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари лексикаси. ЎзШЛ, 215-бет.

[28] Шералиев Э. Ошоба шеваси. Тошкент, ЎзТА, 1980, 1-сон, 70-бет.

[29] Бошқа қариндошлик терминлари ҳақида тўлароқ қиёсий маълумот олиш учун қаранг: Ишаев А. Ўзбек шеваларидаги қариндошлик терминлари. ЎзХШЛ, 320—385-бетлар.

[30] Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари лексикаси. ЎзШЛ., 163-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сидан ташқари узоқ қариндошчилик маъносини ҳам ифодалайди: қиёс: *баібіча — биринчи хотин, катта хотин*[31].

2. Одам узвини ифодаловчи атамалар[32]: жл. *тақа*//*қошығыч*//йл. *ҳэвъч—ҳовуч*//қоз. *уыч*//*ауш* озар. туркм. *авуч*//қирғ. *ууч*//турк. *овуч;* жл. *бавыр*~йл. *бағър — жигар*//турк. озар. *багыр*//тат. *баур*//бошқ. қоз. *бауыр;* жл. *балдир — болдир суяк*//турк. озар. *болдыр*//қоз. ққ. *балдыр*//туркм. *балдыр*; жл. *йиәк*~йл. *энгәк — энгак*// қирғ. *эңк*//турк. *эңәк*//Хор. *эңәк;* жл. *джелка — ийин*~ йл. *эгън — елка*//қоз. ққ. *ийин*//қирғ. *ийин*//турк. *эгин*// Хор. *эңъл;* жл. *мурыт*~ йл. *муйлап — муйлов*//қоз. ққ. *мурт*//қирғ. *мурут*//турк. *бурут*//Хор. *бурът;* жл. *жулын — харам тамыр — мағиз*//қоз. ққ. *жулың*//*қирғ. жилинчак*//Хор. *йулън;* жл. *айа — кафт*~*айа* (Рдл., I, I, 200); *урт — лунж*~*урт* (Рдл., I, II, 1670); жл. *маңнай*//*махлай*~*манlаі* (Рдл., IV, I, 2009); жл. *вөңңөч — бўғиз оңгач* (Рдл., I, II, 1206); *чатан — қов*~*чатан* (Рдл., III, II, 1895).

3. Уй-рўзғор предметлари: *жэрап (Мач.,) — супурги, чапқы — қаламтарош*~*чақъ — пичоқ* (Рдл., III, II. 1884); йл. *кэпчә (кичкина белкурак)*~*кäпчä — катта қошиқ* (Рдл., I, II, 1189); йл. *ҳәкәндәз — кул оладиган асбоб; йәкәндәз (энсиз кўрпача); тәсәндық — кўрпа-тўшак йиғиладиган катта сандиқ* (қадимда Бойсун усталари ясаган); жл. *солама сандық (юк остига қўйиладиган сандиқ)*; *сөкъчек — юк йиғиладиган кичкина чорпая* [Бой.,]; жл. *тәкиййәмәт*~йл. *тәкънәмәт — кигизнинг бир тури; ҳәпрән*//*әпрәң (ҳар хил гулли кигиз);* жл. *чымчиқкөз (гиламнинг бир тури);* жл. *қаҳма—арқоғи пишиқ тўқилган гилам*. Бу сўзлар, асосан, чорвачилик билан шуғулланувчи Бойсун, Шўрчи, Қумқўрғон районлари территориясидаги қишлоқ шеваларида нисбатан кўпроқ учрайди.

4. Озиқ-овқатга оид атамалар: жл. *чүлән (ёвғон атала); варах (янги туққан сигир сутини пишириб тайёрланадиган овқат);* жл. *геләгәй*//*келәгәй (оғиз сутидан тайёрланадиган овқат);* жл. *төппә (шилпилдоқ);* жл. көчә~йл. *гожә (ёрма ош)*; *чүнчилә (буғдойни қайнатиб қатиқ қўшиб ичиладиган овқат);* жл. *қойырмах*

---

[31] Шу факт қизиқки, акад. Радлов *байбича* сўзини шундай изоҳлайди: манголы называют старшую жену — *хотинъ*, таджики *бону*, ўзбеки байбича. Қаранг: Опыт словаря тюркских наречий. IV, II, 1431.

[32] Одам узвига оид терминлар ҳақида қаранг. Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари лексикаси. ЎзШЛ, 41—56-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(қайнатилган сутга қатиқ аралаштириб истеъмол қилинадиган ютум); жл. *бризин (пишлоқ). тøнтəрмə (бўғлама); қақаш (қоқини майдалаб қатиқ аралаштириб ейдиган ютум); нэнсøлсøл (қовирилган гўштга нон тўғраб пишириладиган овқат); ахбыламық (қуюқ атала); ҳəй-ҳəй (ҳолвайтар); үчпишəр (сут, ун, ёғ, шакар аралаштирилиб пишириладиган ютум); ширбиринч//ширбиниң (ширгуруч); ширчой (шир+сут+чой); ширəвəр (қанд-қурс, мева-чева); қағанах (оғиз сутидан ерга кўмиб тайёрланадиган пишлоқ); тəндир (тандир кабоб); шүлəбə (шовла) овиз//у:ыз (оғиз сути); қор//кøнəрги (томизғи).*

5. Бинокорликка оид атамалар: *бомъ (усти лой сувоқ қилинадиган уй); чэвкэндъ (ёзлик шийпон); бэлохэнə (маҳаллий уйнинг иккинчи қавати); бэлəр (тўсинлар ораси, ҳар икки хари ораси бир болар ҳисобланади)*; жл. *итарқа (устининг икки томони нишаб қилиб ёпиладиган уй)*; *чøпкаръ (синч уй); үмбəр (уйнинг хари қўйиладиган жойи, бурчакка нисбатан); зардувал (уй устига хари қўйилгандан кейин уриладиган девор); вəссə (харилар орасига қўйиладиган ёғочлар)*; жл. *сутум (устун); тəкчə (юк йиғиладиган токча); да:лиз* ~ йл. *дəҳлез (оёқ кийим ечадиган хона); җэндэръ (эшикни икки томондан қисиб турадиган ёғоч қурилма).*

6. Кийим-кечакка оид атамалар: *чалбар (шим)*, қиёс: *чалбар* (Рдл., III, II, 1891); *қалпақ (эркаклар дўпписи)* қиёс: *калфак* (Рдл., II, I, 272); *қасаба (картондан қилинган хотин-қизлар дўпписи)*, қиёс: *касаба* Рдл., II, I, 349); *кøртə (хотин-қизлар бошига ёпинадиган яктак)* қиёс: *кöртö* (Рдл., II, II, 1265); *кебəнəк (чўпонлар қишда киядиган пўстин)*; қиёс: *кебäнäк* (Рдл., II, II, 1192): *тақиа (хотин-қизларнинг енгил бош кийими)* қиёс: такіа (Рдл., I, 789); *җелəк (яктак); чəпош//тəпøш (эркакларнинг телпак тагидан кийдиган енгил бош кийими)*; йл. *арақчън* (шу маънода), қиёс. Нам. *арақчин; кəллəпøш//кəллəвəш (маҳаллий дўппи); лəчəк — кийгич* (хотин-қизлар фўтаси тагидан кийиладиган бош кийим), қиёс, *іäчик* (Рдл., I, I, 765):

7. Деҳқончиликка оид атамалар: *шэх (кичкина ариқ)*; жл. *воғарық* (поллар орасидан олинадиган арикча); *бəнт (тўғон ва ариқчалар сувини бўлиш учун қўйиладиган тўсиқ); дектəр (50-йилларгача бўлган улоз билан ғаллани ташиш усули;* йл. *ҳəкулə (хирмон ҳосилидан бериладиган улуш); кəпсəн* (шу сўзнинг синоними); *кøгарсин (ўсимлик)*, қиёс: *кўгäрчін — кўкат* (Рдл., II, 1727); *гəлəгəв (хирмон янчиш усули); чиғана (қа-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Рдл., II, II, 1294); жл. *вочқар//ғочқар* — *қўчқор* — қиёс: *қочінқар* (Длт., 311) *дәгәр* — эркак қўзи [Бой.]; *эхта* — бичилган қўй, *ғарағой* — ҳисори қўй; *чибәләң* — қоракўл қўй; *ширбоз* — олти ойдан бир ёшгача бўлган қўзи.

Шу факт қизиқки, Қозоғистоннинг Семипалатинск области шеваларида *сырбаз* — қуритилган гўшт, Гурьев областининг Манғистов шевасида эса гўштдан тайёрланган овқатнинг бир тури[34] маъноларини ифодалайди; б) эчкилар: оғлағ — улоқ [Газк., Хон, Қарс.] қиёс: *оғлақ* (Длт., I, 141); жл. *җалпы//җалпылақ* — *бир ёшли* улоқ; *җанныҡ* — олти ойдан бир ёшгача бўлган улоқ; *чъбъч* — бир яшар туғмаган эчки — қиёс: *чэбіш* — олти ойлик эчки (Длт., I, 349); *шыбыш* (Рдл., II, I, 1063); *сәңңэч* — бир ёшли эркак улоқ; *тувчә* — икки ёшли қисир эчки; *сәркәч* — бичилган улоқ; *көсәм* — беш ёшдан ошган серка; *чирий//чирәләй* — онаси ўлган сут улоқ; в) сигир ва қорамолга оид атамалар: *қәрә* (умуман қорамол); жл. *бозав* — *бузоқ;* қиёс: *бузағу* (Длт., I, 417); йл. *торпъ* — бир ёшдан ўтган бузоқ; қиёс: *турбі* (Длт., 393); жл. *тана*∼йл. *тонә* — икки ёшли — *тадун* (Длт., II, 186); *буқа* — боқимдаги тўрт яшар эркак мол; қиёс: *буқа* (Длт., III, 246); *җувэнә* — уч ёшли эркак мол — *ғазўн* (Длт., I, 380); *ънәк//сигир//сийир;* қиёс: *сіғір* (Длт., I, 344); *інақ* (Длт., I, 135); *ғунажин* — икки яшар урғочи мол∼гунуін (Рдл., II, II, 1542); *созаған* — шохлайдиган мол — қиёс: *сўсӓгӓн* (Длт., II, 375); г) отлар: *қулън* — қулун олти ойгача; қиёс: *қулун* (Длт., I, 387); *тай//тэй* — бир ёшдан икки ёшгача *таі* (Длт., I, 364); *онан* — икки ёшдан уч ёшгача; қиёс: *тӧсӓн* (Длт., I, 82); *ғунан* (Рдл., II. II, 1542); *дүнән* — уч ёшдан тўрт ёшгача — қиёс: *ӧгӓт* (Длт., I, 82); жл. *жылқы*∼йл. *йылқъ* — умуман отга нисбатан∼*ілқі* (Длт., I, 140); *байтал* — урғочи йилқи; қиёс: *қісрақ* (Длт., I, 344); *паїтал* (Рдл., VI, II, 1122); *торы* — тўриқ от∼*торіат* (Длт., I, 354); *җийрэн* — *җийрон от* — қиёс: *чинданот* (Длт., I, 309); *кураң* — *кулранг от* — қиёс: *қізғіл от* (Длт., I, 416); *кураң* (Рдл., II, II, 1450); *чил* — қўнғир тусли от — қиёс: *чілкў* (Длт., I, 404); *чобир* — ишчи от; д) туялар: *тайлақ* — олти ойгача; *боталақ* — олти ойдан бир ёшгача; *бота* — бир ёшдан ошган — қиёс: *боту* (Длт., I, 142); *мэйә*—урғочи туя — қиёс: *тітір* (Длт., I, 412); *нэр* — эркак туя — *буғра* (Длт., I, 397); *лөк* — бўтакак туя; *туйә//тевә* — туя∼қиёс: *дәшмә* (Длт., III, 158). Шуниси ҳам борки, чорвачилик билан шуғулла-

[34] А й д а р о в Т. Қозоқ тили Томди шевасининг лексик хусусиятлари ҳақида. ТДПИ илмий асарлари, 1-китоб, 1963, 499-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

димдан ҳўкиз қўшиб ғалла ташиладиган ғилдираксиз арава); *гаврэн (хирмон янчишда ҳўкизларни ҳайдаш учун ишлатиладиган таёқ)*; *сэвәра (буғдой пояси)*; *әңңәрә (ҳосили йиғиб олинган майдон)*; жл. *қабучақ*~йл. *чанғалақ (пахтаси олинган кўсак)*; *чығыл (буғдой элайдиган ғалвир)*. Шуни ҳам айтиш кераккки, бу сўзларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда шевалар нутқида архаиклашган ёки тарихий сўзларга айланиб қолган.

8. Чорвачиликка оид атамалар[33]. Сурхондарё ўзбек шеваларида чорвачилик ва у билан боғлиқ бўлган сўз-терминларининг тарқалиши бир хил эмас. Областнинг Бойсун, Шўрчи, Шеробод, Қумқўрғон районларида чорвачилик тармоқлари нисбатан ривожланган бўлса, қолган районларда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари ривожланган. Шу сабабли чорвачилик билан шуғулланувчи шева вакиллари нутқида шу соҳага оид атамалар кўп учрайди. Биз қуйида чорвачилик сўз-терминларини қиёсий фактик материаллар асосида беришга ҳаракат қиламиз: *чөңңә* — қўйнинг шўр ейиш натижасида ҳосил бўлган қийи [Шўрчи]; *джайыв* — **молларни** баҳорда кечаси 1—2 соат ўтлатиш усули; *қошахлаш* —4—5 қўй, қўзини бирга қўшиб боғлаш усули; *мэташ* — молларни боғлаш усули (бирин-кетин); *куликләш* — молни ётқазиб тўрт оёғини бирга қўшиб боғлаш; *куганнаш* — улоқ-қўзиларнинг бошини ҳалқага солиб боғлаш усули; *җәмрәш* — тўл пайти улоқ, қўзиларнинг онасига қўшилиб кетиш ҳоллари; *вөриш* — молларни ўтлатиш учун ҳайдаш; *вөрләм* — молларни баҳорнинг охирларида тоққа ҳайдаш пайти; *төрай* — қўйларни соғиш пайтида тинчитиш учун айтиладиган сўз; *ҳөшиң* — сигирни соғишда айтиладиган сўз; чорва молларини ёши, жинси ва турига қараб номлаш: а) қўйлар: *чәбә* — янги туғилган қўзи [Бой.,]; қиёс. *чäбä* (Рдл., III, II, 1933); *дъгъл* — қоракўли қўй [Бой.,]; *бәррә* — энди туғилган қўзи (бир ойгача); *кәпък* — етим қўзи; *қозъ* — олти ойгача, қиёс: *қозі* (Длт., III, 243); *тосах* — қисир қўй; *тоқли* — бир ёшдан ошган эркак қўй; *токлі* (Длт., I, 405); *шъшәк* — уч ёшли қўй ~ тішак (Длт., I, 368); *чэръ* — тўрт ёшли қўй; *панжъ* — беш ёшли қўй; *маңңы* — олти ёшдан етти ёшгача; қиёс: *маң ашліғ қоі* (Длт., III, 172); *ҳәңңи* — етти ёшдан ошган қўй; *көсәм* — кекса қўй, қиёс: кöсäм — олдинги қўй

[33] Чорвачилик ва у билан боғлиқ бўлган атамалар ҳақида айрим ишларда ҳам маълумотлар берилади. *Қаранг:* **Абдураҳмонов Д.** Бешкент район лексикасидан материаллар. ЎзДМ, II. Тошкент, 1961, 221—228-бетлар.

нувчи шева вакиллари ўтовларга нисбатан ишлатила-
диган предметларни ҳам деталлаштириб номлайди,
уларнинг кўпи ўзбек адабий тилида акс этмаган. Диа-
лектологик ишларда бу ҳақда жуда кам фикр юритила-
ди. Шунинг учун мазкур шевалар нутқида ишлатилади-
ган ўтовларга оид сўз ва терминлардан айрим намуна-
лар беришни лозим топдик.

жл. *ғарауй* — эски ўтов; *вотав* — янги ўтов: жл. *ғош-
ғанат* — икки керагали ўтов; *җарағанат* — 62—64 бошли
тўрт керагали ўтов; *мушкөзанак* — керагаларидан коса
ўтадиган ўтов; *қур* — ўтов кигизларини боғлайдиган
жун белдоғ; *бағиш* — керагаларни айлантириб боғлай-
диган энли белбоғ; *җапсар* — ўтов айланаси; *җапсар
чарығыч* — керага ва увуқни бирлаштириб боғлайдиган
ип; *узук* — ўтовга ёпиладиган кигиз; *тувырлық* — кигиз;
түйтузма — увуқни боғлайдиган ип; *белдэв* — белдоғ; *түй-
ник* — чанғароққа ёпиладиган кигиз; *йергэнэк* — ўтов
эшигига қўйиладиган устун; *босаға* — остона; *кергэгэ* —
ўтовни кўтариб турадиган қурилма; *кеңңэрэк* — керага
билан увуқнинг бирлашган жойи; *чаңңарақ* — ўтовнинг
устки қисми; *басылдырық* — ўтовни довулдан сақлайди-
ган қурилма; *бэшбэв* — эшик билан керагани бирикти-
риб боғлайдиган иплар.

III. Этнографизмлар. Маълумки, ҳар бир сўз, тер-
мин ўзининг келиб чиқиши ҳамда ишлатилиши жиҳа-
тидан халқ ҳаёти, урф-одати ва бошқалар билан боғ-
лиқдир. Умуммиллат характерига эга бўлган сўз ва тер-
минлар адабий тил билан муштарак бўлгани ҳолда,
баъзан шеваларaро фарқ қилувчи хусусиятларга эга
ҳамдир. Бундай фарқланиш кўпроқ этнографик лекси-
када учрайди. Шеваларни кузатиш пайтида ёзиб олин-
ган этнографияга оид сўз ва терминларни қуйидагича
группалаштирдик: а) к е л и н - к у ё в л и к к а о и д э т-
н о г р а ф и з м л а р: жл. *йетакҗиртиш* ~ йл. *бешъккет-
тъ* — бешиккертти//*нансындырыш* ~ йл. *аташтъръш* —
унаштириш; жл. *җавчи* ~ йл. *зэвчъ* — совчи; жл. *ҳэйил-
лик* ~ йл. *ҳайтлъг* — қизга юбориладиган кийим-кечак-
лар; жл. *пэтийэтой* — унаштириш тўйи; *иҗаптой* — ни-
коҳ тўйи; *иҗэплик* — никоҳ тўйдан бир неча кун олди
юбориладиган тўёна; *иҗэп*//*никэ* — никоҳ; *никэ қий-
мақ* — никоҳ ўқимоқ; *идиш* — унашишдан кейин юбори-
ладиган тўёна; жл. *қанҗиға* — никоҳ тўйига олиб бори-
ладиган улоқ шохига боғланадиган рўмол; *шэвулақ* —
тўйга олиб бориладиган улоқ; жл. *җалаққызартар* —
тўйдан олдин қўй сўйиб қон чиқариш; жл. *вакилэтэ*
вэкилсорағыч ~ йл. *пэдэрвэкъл* — никоҳ кечаси қизнин

www.ziyouz.com kutubxonasi

розилигини сўровчи шахс; *тоққызтабақ* — йигитнинг ўртоқларига бериладиган зиёфат; *қайнатабах* — куёвга махсус аталган зиёфат; *қарыжилик* — никоҳ кечаси куёв олдига қўйиладиган илик; жл. *итириллатар, айнакөрсатар кэмпирвөлди, айахбасар, чачсийпатар* — никоҳ кечаси қилинадиган удумлар; *жипакилув* — келиннинг отаси уйи эшигига ипак илиб кириш одати; *йелакбэши* — никоҳ кечаси келиннинг ун элаб кўрсатиши.

Юқорида санаб ўтилган этнографизмлар мазкур территорияларда *й*-ловчи шева вакиллари нутқига нисбатан *ж*-ловчи шеваларда кўп учрайди. Бу эса қипчоқлар энг қадимги ва энг илғор қабила сифатида кўпгина туркий халқларнинг шаклланишида, туркий тиллар тарихида алоҳида ўрин тутган[35], деган фикрнинг тўғрилигини кўрсатади. Халқнинг ўтмиш урф-одатлари билан боғлиқ бўлган этнографизмлар ҳозирги авлод учун тушунарли эмас, чунки жамиятимиз ва кундалик маданий турмушимизнинг мислсиз тараққиёти бу урф-одатларни сиқиб чиқармоқда, шу сабабли уларни ифодаловчи тушунча ва сўзлар ҳам истеъмолдан чиқиб, улар ўрнини янги замонавий анъаналар, сўз ва терминлар эгалламоқда.

Кекса авлод тилини характерловчи архаик сўзларни, этнографизмларнинг жуда кўп қисмини адабий тил нормаси сифатида қабул қилиб бўлмайди. Лекин уларни тўплаш, тарих, этнография, тил тарихи каби фанларда айрим масалаларни ҳал қилишда улардан фойдаланиш керак. Диалектал сўзларнинг тематик группасидан шу нарса аниққи, уларнинг кўпини асл ўзбекча — умумтуркий сўзлар ва маълум даражада ўзлаштирилган сўзлар ташкил қилади.

Демак, ўзбек адабий тилида ҳам, текширилаётган шеваларда ҳам 1) умумтуркий лексик қатлам; 2) ўзлаштирилган лексик қатлам мавжуд.

1. Умумтуркий лексик қатлам. Ҳар қандай конкрет туркий тилларнинг диалектал системаси ўзига хос специфик хусусиятга эгаки, у кўпинча турли тарихий шароитлар билан боғлиқдир. Шунга қарамай, туркий тиллар луғат составидаги жуда кўп сўзлар этимологик жиҳатдан ўхшашликларга эга. Профессор А. Н. Баскаков жуда тўғри кўрсатганидек, туркий тиллар асосий лексик фондининг характер хусусияти уларнинг барча

---

[35] Аттуҳфа,... 4-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тиллар учун умумий бирлигидадир[36]. Чунки ҳамма туркий тиллар олтой тиллари билан биргаликда умумий типологик белгиларга эга бўлиб, бу белгилар унлилар сингармонизми, ундошлар ассимиляцияси, унли ва ундош фонемалар состави, сўз ўзакларининг структураси, шу тиллар лексикасидаги сўз маъноларида кўринади. Умумтуркий сўзлар мазкур шеваларда ва ҳозирги туркий тилларда айрим фонетик ўзгаришлар билан ишлатилади. Қуйида бир неча сўзларнинг қўлланишини кўрайлик: Сурх. *эға//аға* ўзб. ад. орф. *оға:* туркм. *а:га,* қоз. *аға,* ққ., қирғ. *ага,* озар. *ага,* тат. *ага,* бошқ. *ага,* турк. *ага*; Сурх. *эвуз//ағъз,* ўзб. ад. орф. *оғиз,* туркм. *ағыз,* қоз. *ауыз,* ққ. *ауыз,* қирғ. *ооз,* озар. *ағыз,* тат. *агыз,* бошқ. *агыз,* турк. *агыз;* Сурх. *арқа,* ўзб. ад. орф. *орқа,* туркм. *арка,* қоз. *арқа,* ққ. *арха,* қирғ. *арқа,* озар. *арха,* тат. *арқа,* бошқ. *арка,* турк. *арка;* Сурх. *бавыр, бағыр,* ўз. ад. орф. *бағир,* туркм. *бағыр,* қоз. *бауыр,* ққ. *бауыр,* қирғ. *боор,* озар. *бағыр,* тат. *баур,* бошқ. *бауыр,* турк. *багыр;* Сурх. *мурин,* ўзб. ад. орф. *бурун,* туркм. *бурун,* қоз. *мурын.* ққ. *мурын,* қирғ. *мурун,* озар. *бурун,* тат. *мөрөн,* бошқ. *мөрөн,* турк. *бурун;* Сурх. *сүйәк, сүнгәк;* ўзб. ад. орф. *суяк;* туркм. *сунгк,* қоз. *сүйек,* ққ. *сүйэк,* қирғ. *сөөқ,* озар. *сүмүк,* тат. *сөяк,* бошқ. *сөйек,* турк. *сүмүк;* Сурх. *эйу://айъғ,* ўзб. ад. орф. *айиқ,* уйғ. *адығ,* ҳақ. *азыҳ,* қоз. *айық,* қирғ. олт. *айуу,* туркм. турк. *айы.*

Бу қиёсий материаллар ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман, уйғур, татар, бошқирд, чуваш, озарбайжон, турк, хакас, тува, ёқут каби туркий тилларнинг лексик состави ва грамматик структураси жиҳатидан бир-бирига ўхшаш эканлигини равшан кўрсатади[37]. Тиллардаги бундай ўхшашлик тасодифий ҳодиса бўлмай, балки уларнинг келиб чиқиш негизи бир хил эканлигидан далолат беради[38].

Шу нарсани алоҳида қайд қилиш кераккки, текширилган шевалардаги бир группа асл туркий (ўзбекча) сўзлар қадимий турк ёдгорликлари шаклида талаффуз қилинади. Мисолларни солиштирайлик:

---

[36] Баскаков Н. А. Введение в изучение тюркских языков. М., 1969, с. 118—119.

[37] Ўша асар, 76—77-бетлар; Мусабаев Г. Н. Современный казахский язык. Лексика. Алма-Ата, 1968, с. 37—38.

[38] Архив К. Маркса и Энгельса, том I. М., 1941, с. 137.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сурхондарё шевасида[39]	ДЛТ да		ад. орф
алқъш	*алқіш*	(I,123)	*олқиш*
ахур‖ақур	*ақур*	(I,46)	*охур*
амач	*амаç*	(I,86)	*омоч*
бэл‖бал	*бал*	(III,171)	*асал*
бақа	*бақа*	(III,146)	*қурбақа*
айрэн	*айран*	(I,142)	*айрон*
айа	*аiа*	(I,333)	*кафт*
қор	*қор*	(III,133)	*томизғи*
ушук	*ушук*	(I,102)	*совуқ*

Бу қиёсий мисоллар диалектолог А. Ишаевнинг XI аср ёзма ёдгорлиги бўлган «Девон»даги тил фактларининг асосий қисми ҳозирги ўзбек адабий тилига нисбатан ўзбек тилининг қорлуқ, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларига мансуб шеваларда кўпроқ сақланган[40], деган фикрини тўла тасдиқлайди. Худди шундай мисоллардан бир нечтасини бошқа манбаларга солиштирайлик:

Сурхондарё шевасида	ДТС		Ад. орф
өрләм	*очlам* (389-б)		*ўрлам*
қойын	*Qojjn* (453-б)		*қўйин (қўлтиқ)*
тамақ	*tамаq*	(529-б)	*томоқ*
төр	*тӧч*	(5?0-б)	*тўр(уйнинг тўри)*
авыр‖эғър	*ауіч*	(18-б)	*оғир*
әдәт	*adat*	(?-б)	*одат*
ачлық	*ačliq*	(?-б)	*очлик*

Сурхондарёдаги шеваларда бир қатор қадимий туркий ва эски ўзбек тили сўзларининг амалда ишлатилаётганлиги ҳам диққатга сазовордир. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган ёки истеъмол доирасидан чиқиб кетган *арна*[41], *байыр*[42], *чағыл*[43], *бөктәрү*[44], *йувуқ*[45],

[39] Ҳар икки типдаги шевалар учун умумий бўлган мисоллар берилди.

[40] *Қаранг:* Ишаев А. «Девону луғотит турк» ва ўзбек шевалари. ЎзТА, Тошкент, 1971, 5-сон, 65—67-бетлар.

[41] Акад. В. В. Радлов луғатида *арна* сўзи канал маъносида ишлатилган (Рдл, I, 303); проф. Ф. Абдуллаевнинг ёзишича, *арна* сўзи ўғуз диалектида катта ариқ, анҳор маъноларида қўлланган. (ЎзШЛ., 63-б); қорақалпоқ тилида *арна* — канал.

[42] Қадимги туркий ва эски ўзбек тилида *байир* сўзи тепа, қир маъносида ишлатилган. Қаранг: (Рдл., IV, II, 1469) ва Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. Тошкент, 1972, 57-бет. Бу сўз туркман тилида ҳам худди шундай маънони билдиради.

[43] Акад. В. В. Радлов луғатида *чағыл* — қумлик жой (Рдл., IV, II, 1424).

[44] Туркий тиллар луғатида *бӧктӧргӧ* (Рдл., IV, II, 1995) ва *бӧктäр* (Аттуҳфа., 76).

[45] Яқин маъносидаги *йувуқ* сўзи қумуқ тилида *јавуқ* қадимги туркий ва уйғур тилида *јақуқ,* чиғатой тилида *јавуқ,* олтой тилида *јауқ,* қаранг: (Рдл., III, I, 17, 49, 293).

www.ziyouz.com kutubxonasi

қурсақ[46], *авлақ*[47] каби сўзлар ушбу шеваллардаги бошқа сўзлар (синонимлар) билан бир қаторда (кўпинча кексалар нутқида) қўлланилмоқда. Масалан: *сел кеп көп җойды арна қып кетти* [Раб.]; *Бэйсун йоль байърлъ, бъткэн гулъ хэйрълъ*[48], *қуръп кеткур бэсмачъ оз эғамдан айърдъ* (термадан), *малды чағылга ҳэйдэди* [Бан.]; *илгэрилар бэйлэвдэн чиққан атминэм узаққа қидирса, йегэр арқасиға бөктэру қығычийди.* [Талм.]; *йърэқ — йувуқтэн эгэйънлэ келлъ* [Лай.].

Текширилган шевалардаги бир неча қадимий сўз ва иборалар бизгача фақат фонетик томондангина *булдір* (Длт., I, 425), *былтыр>бултир; ташіширған* (Длт., I, 469), *табышған* (Ибн Муҳ.), *тавшан* (Аттуҳфа.., 15) тарзида ўзгариб қолмасдан, балки семантик жиҳатдан ҳам ўзгариб етиб келган. Масалан, *алқінді* сўзи дастлаб ҳар бир нарсага нисбатан *тамом бўлди, тугади* маъносини билдирган бўлса (Длт., I. 1255), қипчоқ типидаги шеваларда *алқынды*~*қорлуқ* типида *олқуне* — фақат совун қолдиғи маъносида қўлланади. Қадимий туркий сўз *алчақ* — юмшоқ табиатли (Длт., I, 126) шевада бу сўз калондимоғ маъносида ишлатилади. *Қур* сўзи шевада давра маъносида; қадимий ёзув ёдгорликларида камар (Длт., I, 314); *өгўнч* — мақташ (Длт., I, 152); шевада эса ўксиниш, хафаланиш маъноларини билдиради. Бундай семантик ўзгаришларни кўплаб келтириш мумкин. Хронологик жиҳатдан олганда, бундай сўзлар академик Ш. Шоабдураҳмонов кўрсатганидек, эски сифат элементларининг ўлиб бориши, янги сифат элементларининг пайдо бўла бориши билан вужудга келгандир[49]. Демак, умумхалқ ўзбек тили ва унинг шеваларида бўлганидек, текширилган шевалар лексик составининг ҳам асосий қатламини умумтуркий сўзлар ташкил этади, иккинчидан эса, шевалар лексик қатламининг бойишида умумтуркий сўзлар билан бирга туб ўзбекча сўзлар ҳам катта роль ўйнаган бўлиб, улар пайдо бўлиши жиҳатидан турли тарихий даврларга хосдир.

II. Ўзлаштирилган қатлам. Маълумки, ўзбек тили лексикаси ўзининг бутун тарихий процессида, бир томондан, сўз бойлигининг ички ресурслари негизида, иккинчи томондан, бошқа тиллардан кириб ўзла-

---

[46] *Қурсақ* — қатқарин (Аттуҳфа, 60).

[47] Қаранг: *авлақ* — ҳилват (Аттуҳфа, 52).

[48] Бу ерда *гулхайри* сўзи ўрнида ишлатилган.

[49] Шоабдураҳмонов Ш. Таянч шаҳар шевалар лексикасидан. ЎзДМ, II. 1961, 285-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шиб қолган сўзлар ҳисобига ривожланиб такомиллашган.

Шунга кўра адабий тилда ҳам, текширилган шеваларда ҳам ўзлаштирилган сўзлар асосий бир лексик қатламни ташкил қилади. Бу қатлам, асосан, уч хил: 1) тожикча сўзлар; 2) арабча сўзлар; 3) русча-интернационал сўзлар.

I. Ўзлаштирилган тожикча сўзларнинг салмоғи Сурхондарё ўзбек шеваларида ҳам алоҳида бир қатламни ташкил этади. Чунки ўзбек ва тожиклар Ўрта Осиёнинг энг қадимги халқларидан биридир. Бу икки халқнинг узоқ замонлардан бери бирга ҳамкор ва территория жиҳатидан яқин бўлганликлари ўзбек тили ҳамда уларнинг шеваларига кўплаб тожикча сўзларнинг ўзлашиб, сингиб кетишига сабабчи бўлган[50].

Профессор Б. Г. Ғофуровнинг гувоҳлик беришича, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги яқинлик қадимги даврлардан, яъни эрамизнинг VI асридан бошланган[51]. Бошқача айтганда, ўзбек ва тожик халқларининг урф-одати, психик ҳолати деярли бир хил. Улар тил жиҳатидангина бир-биридан фарқланадилар[52], деган фикрни, айниқса, совет ҳокимияти йилларида вужудга келган мустаҳкам дўстлик алоқалари билан изоҳлаш керак. Бу икки қадимий халқ ўртасидаги узвий яқинлик ва ҳамжиҳатлик бир жиҳатдан ўзбек ва тожик тилларидан иборат «икки тиллилик» процессини вужудга келтирган бўлса, иккинчидан, «бир тилли» шевалар лексикасининг бойишида ҳам баракали ҳисса қўшди. Сурхондарё ўзбек шевалари юзасидан олиб борилган лингвистик кузатишлардан шу нарса аниқландики, Бойсун, Сариосиё, Шеробод, Денов районлари территориясида ҳам худди Бухоро, Самарқанд, Қуйи Қашқадарёдаги шевалар сингари «икки тиллилик» мавжуд.

Сурхондарё ўзбек шеваларига ўзлашган тожикча сўзлар қуйидаги хусусиятларга эга: 1) ўзбек адабий тилида қўлланилаётган сўзлар: *офтоб, шабнам, гул, даст, панжа, пештоқ, созанда, номзод, барг, оҳанг, жанжал, шикаст, шудгор, хурсанд, зўр, ҳунарманд, равшан;* 2) айрим ёндош шевалар билан ўхшашликка эга бўлган, лекин ўзбек адабий тилида қўлланилмайдиган сўзлар.

---

[50] Фахри Камол. Лексикология. Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, 1957, 96—98-бетлар.

[51] Гапуров Б. Г. История таджикского народа. М., 1952, с. 109—110.

[52] *Қаранг:* Наливкин Н. В. Очерки быта женщин оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886, с. 95.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сурхондарё шеваларида	Бухоро ўзбек шеваларида[53]	Тожик адабий тилида[54]	Ўзбек адабий тилида
кэдъ//каду	*каду*	*каду*	*қовоқ*
ҳамсэйә	*ҳамсэйа*	*ҳамсойа*	*қўшни*
хеш-табэр	*хеш-табор*	*хеш-табор*	*қариндош*
зәрдэли	*зардэлъ*	*зардолу*	*ҳўл ўрик*
кәләпөш	*каллапўш*	*каллапўш*	*дўппи*
гулэбъ	*гулобъ*	*гулоби*	*пушти ранг*
мәйнә	*майна*	*майна*	*мия*
кунжҫак	*кунджак*	*кунджак*	*бурчак*
пъшәк	*пъшәк*	*пишак*	*мушук*
ғөлъң	*ғўлънг*	*ғўлин*	*ўрик*
чө	*чўп*	*чўп*	*ёғоч*

3) семантик доираси ўзгарган тожикча сўзлар: тож. *баводжуд-яққол*<*бэвжът — хайрият;* тож. *устухон — суяк*<*устухэн—махсус меҳмонга қўйиладиган илик;* тож. *мардак—эркак*<*мәрдәк—мард, бир сўзли;* тож. *фўта—белбоғ, кийим*<*пота*<*потә—хотинлар салласи;* тож. *лоғари—озғин—озғин*<*лэғаръ—синиқ;* тож. *ланг-чўлоқ*<*ләң—умумий касаллик* (эпидемия); тож. *даҳмарда—майда қорамол чўпони*<*дәхмәрдә — ферма чўпони* ва бошқалар; 4) тожик тилининг айрим шевалари орқали ўзлашган сўзлар: *зәнтәзән—урҳа-ур, кампания, йакчъқот—бир вақт; сарпэй—бош-оёқ кийими; конарги — томизғи, нэзъпешэнә—пешонани боғлайдиган шойи рўмол; пайхэн—янчилган ғалла; чәгәнә—ҳар хил одамлардан йиғилган мол; чокртәк—поянинг ерда қолган қисми; гэбзән—суҳбатдош, шалойим—шўх, ҳазилкаш; чанғалақ//чанғалоқ (пахтаси олинган чаноқ).*

Тожикча сўзларнинг миқдори «бир тилли» шеваларга нисбатан «икки тилда сўзлашувчи» шеваларда анча кўпдир. Буни қуйидаги мисолларда кўриб чиқиш мумкин:

„Икки тилли" шевада	„Бир тилли" шевада
гавара	*бешик*
гаварапош	*бешикжэпқъч*
съпасэп	*тинч, осойишта*
дэда	*эта//өтә*
ача	*йенә//өнә//ажҫа*
такънамат	*кийиз//късгъз*
чэрпэйа	*сөри//тапчан*
ғужила	*шиңңъл*
ҳулул	*наъматак*

[53] Мисолларни қиёслаш учун қаранг: Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. Тошкент, 1969, 105—147-бетлар.

[54] Тожик адабий тили билан мисолларни қиёслаш учун қаранг: Калантаров Я. И. Краткий таджикско-русский словарь. М., 1955.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шуни алоҳида кўрсатиш керакки, Бойсун, Шеробод, Денов, Сариосиё каби районларда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида қўл кучига асосланган майда ҳунармандчиликнинг асосий тармоқлари — кулолчичилик, мисгарлик, заргарлик, дўппидўзлик ва тўқимачилик тараққий этган эди.

Шу сабабли ушбу соҳаларга оид анчагина тожикча сўзлар мазкур территориядаги ўзбек шеваларига ўзлашиб кетган. Масалан, *гълкэр//гулкэр (сувоқчи); чармгар (терига ишлов берувчи); челэнгәр (темирчи); ҳалвэфуруш (ҳолва сотувчи), алачабэп (алача тўқувчи); нъшэллафуруш (нишолла—ширинлик сотувчи); мискаргузар (мискарлар яшайдиган маҳалла—Бойсунда); заргар (турли тақинчоқлар ясовчи уста); рехтагар (металл қуювчи); чәрх (пичоқ қайрайдиган қурилма); дам (пичоқ юзи); голдозъ, зардозъ (Бойсуннинг маҳаллий дўппилари)*. Профессор М. Мирзаев кўрсатганидек, ҳунармандчиликнинг бундай ривожи маҳаллий тилларнинг луғат составига таъсир кўрсатади[55].

Шу нарса ҳам борки, айрим предметларга атаб қўйилган номларнинг ишлатилиши ҳам адабий тилга нисбатан фарқланади. Масалан, *пъстэқъ, гулэбъ, ҳафтранг, эфтэба, дега, чопкэръ, съйола, нъмхор, йәкәндэз, бэлэхәна* ва бошқалар. Демак, Сурхондарё шеваларида ҳам тожикча сўзларнинг салмоғи катта.

II. Ў з л а ш т и р и л г а н а р а б ч а с ў з л а р. Ҳозирги ўзбек тили ва унинг шевалари лексик системасида маълум даражада ўзлашган арабча сўзлар ҳам анчагина бор. Араб тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг тақдири бошқа тиллардан, хусусан, тожик тилидан ўзлашган сўзларнинг эволюциясидан кескин фарқ қилади. Агар ўзбек тилига тожик тилидан кирган сўзлар шу икки халқ шева вакилларининг ёндош территорияда яшаши, ўзаро иқтисодий, маданий муносабатларининг жуда яқинлиги, бошқа турли хил алоқаларининг қадимдан мавжудлиги сабабли юз берган бўлса, арабча сўзлар, асосан, диний муассасалар орқали кириб келган[56]. Шунинг учун маҳаллий шеваларда арабча сўзлар таянч шаҳар шеваларидаги арабча сўзларга нисбатан кам, тожикча сўзлар эса миқдор жиҳатидан устун туради. Ўзлаштирилган

---

[55] М и р з а е в М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари, 76-бет.

[56] Ўзлаштирилмаган арабча сўзларнинг тақдири ҳақида тўла маълумот олиш учун *қаранг:* Б о р о в к о в А. К. Ўзбек тилининг лексикасидаги ўзгаришлар ва янги алфавит. СССР ФА си (Ўзбекистон филиали ахбороти), 1940.

www.ziyouz.com kutubxonasi

арабча сўзлар грамматик жиҳатдан чекланган, маъно хусусиятига кўра кўпроқ абстракт тушунчаларни ифодалайди[57]. Сурхондарё шевалари лексикасига ўзлашган арабча сўзларни қўлланиш хусусиятига кўра қуйидагича группалаштириш мумкин: 1) ўзбек адабий тили ва таянч шаҳар шевалари билан бир хилда қўлланадиган арабча сўзлар[58]: Сурх. *ҳәшәмәт*//ад. орф. *ҳашамат; пәқър*//ад. орф. *фақир; эпәт*//ад. орф. *офат; лъпэс*//ад. орф. *либос; ләвз*//ад. орф. *лафз*; *әмәл*//ад. орф. *амал*; *зәкәт*//ад. орф. *закот; сағыр*//ад. орф. *сағир; ъймэн*//ад. орф. *имон; дәвър*//ад. орф. *давр: аза* ад. орф. *аза; вәсъйәт*//ад. орф. *васият; дуйнә* ад. орф. *дунё; какъл*//ад. орф. *кокил, кәпъл*//ад. орф. *кафил; қэвмәт*//ад. орф. *қомат; сәдәп*//ад. орф. *садаф;* 2) адабий тилда бошқа сўзлар орқали ифодаланадиган айрим ўзбек шевалари билан бир хилликка эга бўлган арабча сўзлар. Солиштиринг:

Сурхондарё шеваларида	Ўғуз лаҳжасида[59]	адабий тилда
вәҳәм//*вә:м*	*вä:м*	*ваҳима*
ҳәржъ	*харж*	*харажат*
бәдәл	*бäдäл*	*эваз*
ъддо://*ъддәҳэ*	*иддэ:*	*дағдаға*
газзэп	*кäззэп*	*фирибгар*
лақам	*лақам*	*лақаб*
лә:л	*лӣ:л*	*қизил*
мәҳәвот	*ма:ват*	*пеш қилмоқ*
насах	*насақ*	*айб*
рә:а	*рай*	*хоҳиш*
ғайыр	*ғайыр*	*ўжар*
ҳэвэйъ	*ҳавайы*	*бебош, ўжар, бефаросат*
ҳөвлък	*ҳӧвул*	*қўрқув*
ҳөкмән	*ҳӧкман*	*чинакам*
зуйрат	*зурйат*	*авлод*
куллъ//*куллъҳм*	*кўлли*	*бутунлай*

3) фақат шеваларда ишлатилиб, адабий тилда қўлланмайдиган сўзлар: *ҳъмэ (сал туртки); ҳәвликә (қўрқув); сэв (хато); патарат (хароба), ләҳәт (гўр); ҳүйдә-ҳүйдә (хатна қилишдә ишлатиладиган сўз); доммал (шиш); ҳәрипэнә (шерикчилик, улфатчилик), қабэ:т (қаҳр); җәнип (томон); мә:мъз (далда); кәлмә (сўз,*

---

[57] Фахри Камол. Лексикология. Ҳозирги замон ўзбек тили. 1957, 99-бет.

[58] Қиёслаш учун қаранг: Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 218-бет.

[59] Қиёс учун қаранг: Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз шевалари лексикаси. Тошкент, 1973, 43—45-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нутқ); лэ:уҳ (китоб ўқишга мосланган қурилма); 4) тескари маънога эга бўлган арабча сўзлар: ар. *басир*—ўткир кўзли<Сурх. *бэсър* — безор; ар. *вожиҳ* — қўркам<Сурх. *вэжъ* — аччиқ; ар. *даққоқ* — нозик фаҳм<Сурх. *дақэқ* — калтафаҳм; ар. *ғайр* — рашк<Сурх. *ғайр* — сезгир; мард; ар. *касир* — кўп<Сурх. *кэсър* — зарар; ар. *талоқ* — учрашув<Сурх. *талоқ* — ажрашув; араб. *тааб*—машаққат<Сурх. *тэ:бэт*—хоҳиш, истак; 5) шеваларда семантик доираси ўзгарган арабча сўзлар: ар. *ҳарэсат* (ҳайрат)<*ҳарэсат*—ташвиш; ар. *ҳароми* (ўғри, йўлтўсар)<*ҳарюмъ*—отасиз туғилган бола; ар. *ҳакам*—ҳукм юритувчи < *ҳэкэм* — сезгир; ар. *қирон* — яқинлик, бирлашиш<*қирэн*—қирғин; ар. *добур*—ғарбдан шарққа эсадиган шамол<*дэбър*—дарак; ар. *даллол* — қилиқ, ноз, карашма < *даллал* — савдода ўртага тушувчи киши; аффиксация йўли билан ясалган арабча сўзлар. Бундай сўзлар одатда ўзбек ёки тожик тили қўшимчаларини қабул қилиб, ўзбек тилига сингиб кетган. Бу ҳақда профессор А. К. Боровков шундай ёзади: «арабча сўзлар воситаси билан турли комбинацияда—арабча ва тожикча, арабча ва ўзбекча, тожикча арабча сўз ҳамда аффиксларнинг қўшилиши ва бирикиши натижасида турли типдаги сўзлар ясалган[60]. Булар асосан икки хил: а) арабча+ўзбекча суффикс: *адамнық, адам+нық* — одамлик; *разы+лық* — розилик; *ҳэққэт+чи* — ҳақиқат-чи, *таминновчи* — таъминловчи; б) арабча ўзак+тожикча аффикс ёки тожикча префикс+арабча ўзак: *арабасэз арава+сюз; қалам+дэн, қалам+дэн; ъхтъйэткэр, ихтийэт+кэр; нэ+интигоқ;* 7) аналитик усул билан ясалган қўшма феълларнинг от қисмида ишлатиладиган арабча сўзлар: *руржу қъмэқ*—кўнгил қўймоқ; *эжу:қъмок* — масхара қилмоқ; *эзъм йетмэқ* — қарор қилмоқ; *мавқе бэсилмақ* — ҳаваси босилмоқ; *бэткэ урмақ* — кўнгилга тегмоқ; *дэбър қилмэқ* — овоза қилмоқ[61]; 8) шевалар нутқида ҳам, адабий тилда ҳам архаизмларга айланган арабча ижтимоий-сиёсий терминлар: *муҳър* — печать, *хатъп* — секретарь, *кашшоп*—пионер, *пърқа* — партия.

III. Ў з л а ш т и р и л г а н р у с ч а-и н т е р н а ц и о н а л с ў з л а р. Ўзбек тили ва унинг шеваларидаги лексик ўзлаштирмалар ичида рус тилидан ва у орқали ўз-

---

[60] Б о р о в к о в А. К. Ўзбек тилининг лексикасидаги ўзгаришлар ва янги алфавит, 35, 37—38-бетлар.

[61] Бундай бирикмалар бошқа шеваларда ҳам учрайди. *Қаранг:* Ж ў р а е в Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари лексикаси, ЎзШЛ, 164-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаштирилган интернационал сўзлар ўзининг салмоғи ва аҳамияти жиҳатидан алоҳида ўрин тутади. Бу ҳақда проф. Ф. Абдуллаев тубандагича ёзади: «Рус тилининг ўзбек тилига кўрсатган таъсири анча чуқур ва органикдир. Юз йилдан ошиқ давр ичида икки халқ ўртасидаги дўстона муносабат, аралашиб яшаш, сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатларнинг икки ёқлама, яъни ҳам ёзув орқали, ҳам оғзаки нутқ таъсирида ўтишига кенг йўл очиб берди. Бу таъсирнинг кучи, айниқса, лексикада очиқ сезилади»[62].

Улуғ Октябрь революциясидан кейин жаҳон пролетариатининг буюк доҳийси В. И. Ленин тили — қудратли рус тили ватанимиздаги рус бўлмаган халқларнинг иккинчи она тилига айланди ва бу тилни ўрганиш, унинг битмас-туганмас бойликларидан кенг фойдаланиш учун имконият яратилди. Ҳар бир халқ рус тили ва у орқали бошқа тиллардан зарурат сўзларни қабул қилмоқда. Эндиликда эҳтиёжимиз учун керак бўлган кўпгина сўзлар рус тилининг ўзидан бевосита кириб келмоқда. Диалектолог А. Ишаев кўрсатганидек, «рус тилидан ва у орқали бошқа тиллардан тилимизга кираётган сўзлар кундан-кунга ортиб бормоқда ва луғат составимизга сингиб, маданий ҳаётимизнинг муҳим инвентарларидан бири бўлиб қолмоқда»[63]. Шу факт аниқки, ерли аҳолининг иқтисодий-маданий жиҳатдан юксалиши бевосита шева лексикасида ўз ифодасини топади. Ўзбек тилида ўзлаштирилган русча-интернационал сўзлар сингари текширилган шевалар лексикасидаги русча-интернационал сўзлар, асосан, икки йўл билан: биринчидан, руслар билан бевосита маҳаллий аҳолининг аралашуви орқали, иккинчидан эса, кундалик матбуот орқали ўзлашган. Учинчи фактор ҳам борки, бу ҳозирги замон шароитида халқлар ва тиллар ўртасидаги интернационализациянинг тобора кенгайиб боришидир.

А. Ишаев жуда тўғри қайд қилганидек, «рус тилидан истаган ҳар қандай сўз шевага киравермайди, фақат эҳтиёж учун зарур бўлган шеванинг луғат составида турғун эквиваленти бўлмаган сўзларгина кириб ўзлашади»[64]. Шевалар лексикасига ўзлашган русча-интернационал сўзлар ҳам маълум фонетик ўзгаришларга

---

[62] Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? Тошкент, 1977, 36—37-бетлар.

[63] Ишаев А. Манғит шевасида рус тилидан ўзлаштирилган сўзлар. Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 3-китоб. Тошкент, 1961, 364—366-бетлар.

[64] Ўша мақола, 366-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

учрайди, лекин ўзбек орфографияси бошқа тиллар орфографияси каби бундай сўзларни талаффуз нормасига бирмунча мослаб, график принципини сақлаган ҳолда қонунлаштиради.

Рус тилида	Сурхондарё шевасида	ад. орф.
отчет	*ачут*	*отчет*
счет	*учут*	*счет*
конфет	*қампът*	*конфет*
ботинка	*партънкә*	*ботинка*
газета	*гәзът*	*газета*
стул	*устул*	*стул*
звено	*звъйна*	*звено*

Русча-интернационал сўзларнинг дастлабки группаси XX аср бошларида оғзаки нутқ процессида қабул қилинган. Масалан: *самовар — сәмәвәр, поднос←пагнъс, хутор←қотър, центр←синтирали, лампа—ләмпә, фонус<понъс, сатин<сәтън, калош<кәлъш.*

Шуниси борки, янги маъно ва тушунчаларни ифодаловчи русча-интернационал сўз ва иборалар кўпинча таржима қилинмасдан тўғридан-тўғри, лекин маҳаллий шеваларнинг фонетик, морфологик хусусиятларига мосланган ўзгаришлар билан қабул қилинади. Ушбу ўзлашган сўзларни қуйидагича тематик группаларга бўлиш мумкин[65].

1. Ижтимоий-сиёсий сўз ва терминлар: *совет<сәвът, бюро<буйра, райком<рәйкъм, отдел кадров<адылқадър, райзагатовка<рәйзә; отдел милиции<минисәхэнә, марказком<мәркәзқум, пролетар<пиралтар, комсомол<кәмсәмәл, комиссия<кәмсъйә, директива<дъръктъбә, закон<закун, социализм<сатсиализм, комитет<қумита, граждан<гирәждан, документ<дәкумит, лекция<лексийа.*

2. Маданий оқартув ва мактаб, соғлиқни сақлашга оид сўз ва терминлар: *кружок<кружук, библиотека<бъбләтъкә, интернат<интирнат, ясли<йәслә, клуб<кулуп, больница<бәлнъсә, операция<әпәрәйса, врач<доктор<духтър, фельдшер<пелшер, заочно<заучный, санитар<сәнтәр, курс<қурс, доска<дәскә, вывеска<зивискә, директор<дириктир, дежур<джуджур.*

3. Саноат, транспорт билан боғлиқ сўз ва иборалар: *велосипед<вәләсәпът, мотоцикл<мэтэселкә, машина<*

[65] Русча-интернационал сўзларни қиёслаш учун қаранг: Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан. Тошкент, 1981; Фахри Камол. Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, 1957, 101—103-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

машын, автобус<ҳэптабус, поезд<пэйъз, почтов поезд<пушида, самолёт<сэмэлут, цемент<съмън, ӏ *рэпилан<айрипилэн, завод<зэвут, кондуктор<к. духтир.*

4. Қишлоқ хўжалигига доир сўз ва терминлар; *агроном<эгрэнъм, бригада<бъргэт, борона<бэрэнэ, комбайн<кэмбэй, сеялка<селкэ, окучник<ахсай<өкушник, дизель<дъзъл, плуг<пълък, тележка<тълъшкэ, ферма<пөрмэ, истарши<старшъй* (бригадир), *расход< рэсхот, отчет<эччут, счет<иччут, гараж<гэрэч, квитанция<кэптэнсэ, склад<искэлат.*

5. Фан ва техникага оид сўз ва терминлар: *насос< нэсас, труба<турбэ, телевизор<тиливизир, ветеринария<витиринарийэ, аптека<эптикэ, агрегат<эгригэт, экскаватор<экскэкэтър, радио<рэдъйэ, гарнитур<гэрнитур, градус<гирэдис.*

6. Савдо ва молия ишларига оид сўз ва терминлар *зав. маг<запмак, гастроном<гэстърэнум, буфет<бупът, автолавка<лэпкэ, банк<банка, ведомость<ведъмъс, фактура<пэктър.*

7. Ҳарбий иш ва физкультура, спортга оид сўз ва терминлар: *армия<эрмийэ, солдат<сэллэт, контузия< кэнтужън, командир<кэмэндър, флин<пилин, окружение<экружени, пулемет<пулъмът, танк<тэңкэ, окоп< экуп, физкультура<пъскулорэ, футбол<пътбал, волейбол<вэлейбал.*

8. Календарь, вақт ва бошқа ўлчовларга оид сўз ва терминлар: *август<ағус, октябрь<уктэбър, январь< җэнвэр, метр<мътър, килограмм<кълэ, центнер<сънтър, тонна<торна, сезон<сезон, кампания<кэмпэнийэ.*

9. Уй-рўзғор, озиқ-овқат, кийим-кечакка доир сўз ва терминлар: *кострюлка<кэстърълкэ, тумбочка<тумбичка, кровать кэрэвэт<кэлэвэт, примус<пъръмус, печенье<пичини, конфет<қампът, булта<бохэнка, костюм<кэстън, пальто<палтън, фуфайка<пупэйкэ, камзол<кэмзул.*

www.ziyouz.com kutubxonasi